ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

1987 йил 13 НОЯБРЬ № 46 (2942) ЖУМА

АНДИЖОНДА ДОҲИЙГА ЁДГОРЛИК

7 ноябрь куни эрталаб андижонлик партия, уруш ва меҳнат ветеранлари, жамоатчилик вакиллари шаҳар марказидаги Октябрь майдонига тўпландилар. Улуғ Октябрь инқилобининг 70 йиллик юбилейи арафасида реконструкция қилинган бу майдонда «В. И. Ленин халқ билан» деб номланган монументал ҳайкалтарошлик композицияси очилди. Шу муносабат билан тантанали йиғилиш ўтказилди.

Митингни область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Орифжонов кириш нутқи билан очди. Шаҳарликлар номидан меҳнат ветерани, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Т. Маматқулов, Андижондаги «Коммунар» заводи ишчиси, КПСС XXVII съезди делегати Н. Востров ва бошқалар сўзга чиқдилар. Улар ўз нутқларида доҳий васиятларининг рўёбга чиққанлигини, совет ҳокимияти йилларида ўзбек халқи ҳаётида туб социал ўзгаришлар рўй берганини, республикамиз экономикаси, фан ва маданияти жадал ривожланганини мамнуният билан тилга олдилар. Ҳозир мамлакатимиз бўйлаб авж олиб кетган қайта қуриш ленинча таълимотни ижодий ривожлантиришга, социалистик тузум афзалликларини тўла-тўкис рўёбга чиқаришга кенг йўл очаётганлигини таъкидладилар.

Сўнгра лента қирқилди, монументал композиция устига ёпилган чодра сирғалиб тушди. Йиғилганлар кўз ўнгида рус ва ўзбек халқлари бузилмас дўстлигининг рамзий ифодаси сифатида барпо этилган ҳайкалтарошлик композицияси намоён бўлди. Пролетариат даҳоси В. И. Лениннинг бронзадан ишланган ҳайкали композициянинг марказидан ўрин олган. Унинг ён-атрофини ишчи, деҳқон, қизил аскар, бахтиёр она ва меҳнаткаш халқнинг бошқа вакиллари қуршаб олган. Композицияга диққат билан разм солган киши унда ота-боболаримиз кўрсатган мардлик ва жасорат намуналари билан бир қаторда бугунги эркин, озод меҳнат тароналари ҳам ўз ифодасини топганлигини илғаб олади.

Монументал ёдгорлик ўзининг салобати, тасвирий жиҳатдан баркамоллиги билан бош майдон кўркига кўрк қўшиб турибди. У СССР халқ архитектори, академик ҳайкалтарош, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин ва СССР Давлат мукофотлари лауреати Лев Ефимович Кербель ва архитектор С. Одилов томонидан яратилди. Композицияни тез ва сифатли барпо этишда Андижон шаҳар бош архитектори Тўрабек Ризаев муаллифларга яқиндан ёрдам берди.

Композиция қад ростлаган майдон келгусида ҳақиқий зиёратгоҳга айлантирилади. Рўпарадаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғи тўла реконструкция қилинади. Майдон билан боғни бир-бирига боғловчи ер ости йўлаги қурилади, шунингдек, 12 қаватли замонавий меҳмонхона қад кўтаради.

Майдон халқлар дўстлигининг рамзий ифодачисига айланади.

Малик ҚАЮМОВ,
СССР халқ артисти

ҲАЁТБАХШ ҚУДРАТ

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлисида ўртоқ М. С. Горбачев қилган докладдаги ошкоралик, принципиаллик бизни ҳалигача ҳаяжонга солмоқда. Докладнинг «Октябрь ва қайта қуриш: революция давом этмоқда» деб номланиши ҳам бежиз эмас. Унда босиб ўтилган тарихан қисқа, ишларнинг миқёси жиҳатидан сермазмун 70 йил бугунги кунимиз нуқтаи назаридан холис баҳоланди. Улуғ айём кунлари бахтимиз учун курашганлар хотирланди. Ўртоқ М. С. Горбачев жумладан шундай деди: «Пўлат қуйган, ғалла экқан, болаларга таълим берган, фан ва техникани олға силжитган, санъат чўққиларини забт этган кишиларни хотирлаймиз». Юбилей хотира, фикрлаш ва келажакка назар ташлаш мавридига айланди.

Докладни ўқир экансиз, доҳиймиз Ленин васиятларининг ҳаётбахш қудратга эга эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз.

Инқилоб сўзи билан тинчлик сўзи доимо ёнма-ён бўлиб келмоқда. Улуғ Октябрь ва ҳозирги дунё муаммоси бугун зиммамизга катта масъулият юклаяпти. Биз дунё тинч бўлишини хоҳлаймиз. Ҳар бир совет кишиси Улуғ Октябрь ҳосиласи бўлган социалистик Ватанимизни барқарор ва янада қудратли бўлиши учун меҳнат қилишни, қайта қуришга ўз ҳиссасини қўшишни хоҳлайди. Биз санъаткорларнинг ҳам хоҳиш-истагимиз — шу! Қайта қуриш ишида кинематографчилар ҳам активроқ қатнашсалар. Улар аввало ўз ишларини қайта кўриб чиқишлари зарур. Бу давримиз талаби!

В. В. КАРПОВ,
СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари

ИНҚИЛОБ ЖОЗИБАСИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚЎШМА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Қадрли дўстлар ва ўртоқлар! Ҳурматли меҳмонлар! Михаил Сергеевичнинг докладини эшитаётиб, балки, кўпчилигимиз, ҳеч бўлмаганда, ёши улуғроқларимиз ўз ҳаётларимизни эсладик ва биз қанчалик кўп меҳнат қилганимиз, қанчалик кўп ҳодисаларни бошдан кечирганимиз тўғрисида ўйладик. Ҳа, адашган пайтларимиз бўлди, бироқ, ҳарҳолда, ғоят кўп ишларни амалга оширдик ҳам!

Етмиш йил тарих кўламида олганда, бу — бир дақиқа, бу — бир одам умрига тенг вақтдир. Ана шундай қисқа муддатда қолоқ, чаласавод мамлакат ўзининг барча халқларининг биргаликдаги саъй-ҳаракати натижасида дунёдаги энг илғор мамлакатлардан бирига айланди. Ўтмишда «чориқли» деб аташган Россия энг юксак космик орбиталарга чиқди. Ижодий нуқтаи назардан, бу — санъатнинг барча турдаги вакиллари учун чексиз, ажойиб материалдир. Мазкур етти ўн йилликнинг ижодкор зиёлилари, булар — бахтли авлодлардир, чунки улар зўр воқеаларнинг шоҳиди ва иштирокчилари бўлдилар, замонамизнинг улуғвор қаҳрамонларини, совет кишиларининг меҳнатда ва жанглардаги гўзал олижанобликларини, фидойиликларини кўрдилар, ана шу ўзлари бошдан кечирган унутилмас воқеаларни асарларида тасвирладилар; шу билан бирга, улар шафқатсизлиги жиҳатидан ақл бовар қилмас ва инсонийликка зид жиноятларни ҳам — фақат гитлерчилар босқинини эсланг — кўрдилар.

Зиёлиларнинг инқилоб сари йўли, бу — фақат бизнинг тарихимизнинггина муаммоси эмас, бу — бутун жаҳон тараққиётининг муаммосидир. Инқилоб уни тушунадиган, уни қабул қиладиган ва унда иштирок этадиган ижодкор интеллигенциясиз амалга ошмайди. Бироқ, интеллигенция ҳам инқилобсиз яшай олмайди, ривожланолмайди, ўзининг илғор идеалларини рўёбга чиқаролмайди. «Қабул қилсамми ёки қабул қилмасаммиг — деб эслаган эди кейинчалик Владимир Маяковский. — Менинг олдимда бундай савол кўндаланг бўлмаганди. Менинг инқилобим». Санъаткорларнинг инқилоб сари йўли, «Менинг инқилобим» дейишга ҳуқуқ берадиган йўл турли-туман, кўпинча эгри-бугри, ҳаммавақт мураккабдир.

Бироқ куни кеча баррикаданинг турли томонларида ёки баррикадалардан четда турган одамларни фикрдошларга айлантирган инқилобнинг қудрати нақадар буюк ва жозибали! Инқилобнинг бўронқуши Максим Горький ёнига фақат ҳали қиличбозлик тўқнашувларидан бадани совумаган Михаил Шолохов, деҳқон ўғли Дмитрий Фурмановгина эмас, балки «мустақил санъаткор» Блок ва граф Алексей Толстой ҳам келиб турди.

Санъатимиз, адабиётимиз тараққиёти текис йўлдан бормади. Санъатда, худди жамиятнинг ўзидаги сингари, ғоявий кураш бирор дақиқа ҳам тинган эмас, вазифалари ва мақсадлари кўпинча бир-бирига қарама-қарши бўлган гуруҳлар, оқимлар туғилиб турди. Бироқ пировард-натижада буюк янги совет санъати, янги китобхон, томошабин, тингловчи — янги ёзувчи, рассом, композитор, актёр дунёга келди.

Совет санъати янги ахлоқий ибтидоларни, гуманизм ва адолат тантанасини барқарор этувчи санъат, меҳнат кишисига, Максим Горький таъбири билан айтганда, номи бош ҳарфлар билан бошланадиган Инсон шаънига айтилган гимн сифатида туғилиб, ривожланди.

Социалистик санъатнинг вужудга келиши давридаги қийинчиликларни енгиб ўтишда унга Ленин сабоқлари, Коммунистик партиянинг диққат-эътибори ва маслаҳатлари доимо ёрдам бериб турди. Бизнинг санъатимиз халқ билан, партия билан бирга кўпдан-кўп зафарлар қувончини тотди. Бироқ, биз Ленин васиятларини унутганимизда, Ленин йўлидан чекинганимизда ютқазган пайтларимиз ҳам бўлди. Халқимизга, совет маданиятига Сталин шахсига сиғиниш оғир талафотлар етказди. Бу ҳақда докладда айтилди. Бир одамнинг шахсига сиғиниш тафаккурни кишанлади, догматизмни ўрнатди. Интеллигенция жуда катта зиён кўрди. Асоссиз сиёсий айбловлар оқибатида барча республикаларимизнинг кўплаб актёрлари, рассомлари, адиблари репрессия қилинди. Санъат ривожига субъективизм, ижодий жараёнга маъмурий аралашувлар, танқидий «ур-йиқит»лар тўғаноқ бўлди. Яна бир кулфат пойга урди, яъни, шундай даврлар ҳам бўлдики, санъатда тантанабозлик, сохта монументализм, тавсифий қасиданавислик рағбатлантирилди.

Санъатда барча замонларда софдил, жасур, букилмас одамлар бўлган. Уларни на шоҳлар, на шоҳларнинг малайлари, на қамоқхоналар, на кундалар қўрқитолди; на ҳокимларга яқинлик, на сўзбозликлар уларнинг виждонлари овозини ўчиролди; на кар-соқовлар ҳолига туширолди. Бу яратувчилар ҳамиша бир маъбудга — халқ бахти йўлидаги ҳақиқатга хизмат қилдилар. Бизнинг Советлар мамлакатимизда ҳам бундай ажойиб фидойилар кам бўлмаган.

Мураккаб ва машаққатли йўл босиб ўтилди. Бунда қаҳрамонона ишлар драматик ва трагик ҳодисалар билан чатишиб кетган. Бизнинг олдимизда гоҳо шошиб-пишиб тикланган жамият биносини қайта қуриш вазифаси турибди. Шундай бўлдики, бизга доимо шароит тазйиқлар ўтказди, муддатлар шафқатсиз равишда қисталанг қилди. Бино, меъморлар бундай ҳолларда айтганларидек, барча жиҳатлардан ўйланганига мос бўлмади. Бироқ унинг пойдевори емирилмайдиган даражада мустаҳкам эди. У ҳаддан зиёд оғир тарихий юкларга бардош бериб, синовдан ўтди. Улуғ Ватан урушидаги ғалабамиз бунга ишончли далилдир.

Урушнинг биринчи кунидаёқ совет санъатининг кўплаб вакиллари Советлар мамлакати ҳимоячиларининг сафларига кирдилар. Ҳар икки ёзувчидан бири фронтга кетди, уларнинг ҳар учтасидан бири жанг майдонларида жонини берди. Мен ҳам солдат эдим, сўнг окоп лейтенанти бўлдим. Бизнинг ротамиздаги юз одамдан фақат олтитаси тирик қолди. Синфдошларимнинг кўпчилиги урушнинг дастлабки ойларида ҳалок бўлди. Улар ўша Ватанга кўкракларини қалқон қилиб, граната бойламларини қўлларида маҳкам қисганларича ўзларини танклар остига ташлаган йигитлар эдилар. Улар чексиз жасоратли ва матонатли жангчилар эдилар. Мен яна уларнинг кристалдек тоза, маънавий гўзал инсонлар бўлганликларини ҳам биламан. Жанглар бошлангунча улар клубда қизларни танцага таклиф этишга ийманишиб, қандай қизариб-бўзариб кетганликларини кўрганман.

Ўша йиллари уруш ҳақида, совет кишиларининг қаҳрамонликлари ҳақида ёзилган китоблар, шунинг каби, ҳозирги пайтда ёзилаётган асарлар совет кишиси образини, фронтда жангчилар ва мамлакат ичкарисида меҳнаткашлар кўрсатган умумхалқ жасоратини тасвирлайди. Бу мавзу бепоёндир. Бу мавзу ҳали неча бор бадиий тасвир манбаи бўлади. Бироқ ҳозиргача яратилганининг ўзи ҳам тўла ҳуқуқ билан қаҳрамонона адабиёт, қаҳрамонона санъат деб аталишга лойиқдир. Сиз бизнинг кунларимизда совет санъатида бу қаҳрамонона мавзунинг табиий давоми —фақатгина ижодда эмас, балки барча ижодий уюшмаларнинг кундалик ижтимоий ҳаётида ҳам, — тинчлик учун, инсониятни ядро ҳалокатидан қутқариб қолиш учун кенг ва қизғин кураш олиб боришдан иборатдир, десам, эҳтимол, фикримга қўшиларсиз.

Михаил Сергеевич ўз докладида турғунлик психологиясини, ижтимоий фаолиятсизликни, лоқайдликни батамом енгиш зарурлиги тўғрисида гапирди. Бу жамиятни маънан поклайдиган, уни янги сарҳадларга олиб чиқадиган омилдир. Барча ижтимоий соҳаларда энг юксак талабчанлик муҳитини барқарор этиш, теварак-атрофда содир бўлаётган жамъики воқеаларга нисбатан одамларда шахсий масъулият туйғусини қарор топтириш йўлида адабиёт ва санъат кўп иш қилиши мумкин. Мамлакат ижодкор зиёлилари ўз ижтимоий бурч-вазифаларини энг аввало ана шу улкан вазифани амалга ошириш билан боғлайдилар. Биз тарихий тажрибамиздан биламизки, санъатнинг интилишлари ҳаёт ҳаракати билан мос келган чоғдагина қудратли кучга айланади. Ҳозир, ҳар қачонгидан ҳам кўра, ана шундай вазият юзага келмоқда. Шахснинг ўз имкониятларини рўёбга чиқариши учун, ҳар бир одам ўз иш жойида ҳам, шунинг каби, умуман мамлакатда ҳам, ўзини хўжайин деб ҳис этиши учун реал имкониятлар яратилмоқда. Демократизациянинг илҳомбахш маъноси, инсонпарварлик мазмуни, унинг ахлоқ билан чамбарчас алоқаси очиқ-равшан кўриниб турибди. Шубҳасиз, биз биламизки, янгиланиш вазифаларига мос соғлом маънавий муҳитни мустаҳкамлаш,— партия шу ишни амалга оширмоқда, — бадиий зиёлиларнинг айни жонажон юмушидир. Бунда бизнинг бутун ҳаётимиз, маданиятимиз, маорифимиз системасининг биргаликдаги ва яхши уюштирилган саъй-ҳаракати зарур.

Партиямиз бугун санъат ҳақиқат ва инсоншунослик соҳасида янги сарҳадларни эгаллаши, даврнинг талаб ва умидларининг янги даражаларига кўтарилиши учун барча моддий, ташкилий, руҳий-маънавий тадбирларни кўрмоқда. Қатъий суратда айтишни истардимки, мамлакатнинг ижодкор жамоатчилиги халқ олдидаги ўз бурчини тушунади ва бундан буён ҳам социалистик маданият анъаналарига содиқ бўлиб қолади.

Ўртоқлар, биз сиз билан Михаил Сергеевич Горбачевнинг докладини эшитаётганимизда айримларда, эҳтимол, шундай савол ҳам пайдо бўлгандир, ростини айтаман, мен шу ҳақда ўйладим: бу гал ҳаммаси амалга ошишига ким кафолат бера олади? Партия XXVII съезди қарорларини қадам-бақадам ҳаётга татбиқ этиш кафолат бўла олади.

Конституцион ва ҳуқуқий нормалар — борлари ҳам, қайта қуриш муносабати билан киритилаётган янгилари ҳам, — кафолат бўлиши керак. Ижодкор зиёлилар муҳитида шаклланиб улгурган — тарихни ва воқеликни ҳеч бир бўяб-бежамаслик, бироқ ўтмишни ҳам, замонани ҳам ҳеч бир тарзда қоралашга берилмаслик — холис ҳақиқат, соф, тўла ҳақиқат! — деган шиорда ҳам мен кафолатни кўраман.

Содир бўлаётган инқилобий ўзгаришларда маданият, санъат барча турлари арбоблари билан Коммунистик партия ва халқнинг қизиқишлари ҳамда орзу-умидлари тўла-тўкис мос келади. Биз қайд этувчилар ҳам, адабий қайта ишловчилар ёки жўр бўлувчилар ҳам эмасмиз, — йўқ, биз — бу буюк тарихий ишларда ҳамфикрлар ва елкадошлармиз!

М. САЪДИЙ таржимаси

ТЎҚИНЧИЛИК ЗАҲМАТКАШЛАРИ



Маъмурчилик асоси меҳнат. Шунчаки меҳнат эмас — ижодга айланиб, нурга йўғрилган меҳнат. Бундай меҳнат ҳамиша элга манзур ва у ўз ишининг чинакам хўжайинларига хосдир.

Мана бу оқ халатли кишиларнинг юз-кўзларига боқиб, шундай ўйларни уқасиз. Улар фаровонлик ижодкорлари, юртимиз тўкинлиги, дастурхонимиз файзи бу қалби кенг, ҳалол ва камтарин, фидойи қўлларнинг меҳри билан яралади.

СУРАТДА: элимиз дастурхонига мўл-кўл сут маҳсулотлари етиштириб бераётган жонкуяр кишилар — Косонсой районидаги «Ленин йўли» колхози сутчилик фермаси зоотехниги А. Мунавваров, сут соғувчилар К. Ҳайдарова, У. Юсупова, К. Дарвешова, К. Порсихонова.

Н. ШАРИПОВ фотоси

Ҳабиб САЪДУЛЛА,
Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи Наманган область бўлимининг масъул секретари

ОФАТГА ҚАРШИ МАТОНАТ

Ноқулай об-ҳаво туфайли эл-юртнинг ризқи ҳали далада, бир қисми йиғиштирилмай турибди. Табиат Фарғона водийси областларига қалин қор ташлаб ўтди. Дала-дузлардаги пахта ва бошқа экин-тикинлар қор остида қолди.

Лекин об-ҳавонинг инжиқликларига қарамай, республикамиз пахтакорлари, минглаб ҳашарчилар даладаги ризқ-рўзимизни йиғиштириб олиш учун тер тўкиб, меҳнат қилмоқдалар.

Мухбиримиз телефон орқали Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи Наманган область бўлими билан боғланди.

Табиатнинг ҳукмидан қочиб қутулиб ҳам, унга чап бериб ҳам бўлмайди. Чунки, ногаҳоний офатлар олдини олишнинг иложи йўқ. Аммо, офатга дуч келдик деб оби дийда қилиб, қўлни қовуштириб ўтиравериш ҳам деҳқон табиатига ёт. Аксинча у чидам ва матонат билан меҳнат қилиб, ўз касбига меҳр-муҳаббатини намоён этади.

Ёши олтмишга бориб қолган, ўттиз йилдан буён бригадага раҳбарлик қилиб, нафақат «Коммунизм» колхозида, шунингдек, бутун Норин районида танилган Мухторхўжа ака Мадаминов билан дала шийпонида суҳбатлашиб ўтириб, бунга яна бир бор имон келтирдим.

Норинликлар пахта йиғим-теримида машинага суяниб қолишган. Бир неча йилдирки, бу ерга на шаҳардан, ва на район марказидан ҳашарчи чақирилади. Аксинча, қўл кучига эҳтиёж сезган қўшни районларга теримчилар юбориб, ёрдам қилиб келишади. Мухторжон ака ҳам ана шундай машина терими ихлосмандларидан. Ўтган йили бригада йиллик планни беш иш кунида бажарган эди. Етиштирилган ҳосилнинг ҳаммаси машиналарда териб олинди. Бу йил ҳам 80 гектар ердаги экин кўнгилдагидек парвариш қилинди. Ғўзалар барги яхшилаб тўктирилди. Пайкаллар машина теримига тайёрланди. Машина терими ҳам бошланди. Икки кунда планнинг 46 проценти миқдорида пахта терилди. Аммо учинчи куни, яъни 23 октябрда кутилмаганда ёмғир қуйиб берди. Уч кун муттасил ёққан ёмғирдан сўнг, 26—27 октябрь кунлари далани ғўза бўйи қор қоплади. Мухторжон ака эсини таниганидан буён бунақасини ҳеч кўрмаган эди.

Офат рўй берганига 15 кун бўлди. Ҳамон эгатлар орасида сув оқиб ётибди. Нами селгиб қолган майдонларда қўл терими куни кеча бошланди. Бригадир билан дала айланамиз. 36 гектар майдонда ҳали қўл урилмаган биринчи терим пахта ёмғир ва қор забтидан ўз рангини йўқотган. Ғўзаларнинг деярли ярмиси ер билан битта бўлиб ётибди. Энди далага машина киритиб бўлмайди. Бу манзара юракни эзади.

— Меҳнатимиз ерда қолмайди. Пахтани барибир оламиз. Олиш керак, — дейди Мухторжон ака.

Унга қўшни бўлган Абдумалик Отақўзиев, Абдумалик Асронов бошлиқ бригадаларда ҳам 30—35 гектар ҳажмидаги биринчи терим пахталари қор остида қолиб кетган. Умуман колхозда 350 гектар ердаги пахта қўл урилмасдан қорда қолди.

Табиий офат Норин, Учқўрғон, Задарё районларида айниқса кучли бўлди. Бу районлар пахтакорларининг режаларини алғов-далғов қилиб юборди. Норин район агросаноат бирлашмасининг раиси Хурсанали Ҳотамов районда 880 гектар майдондаги биринчи терим, 8100 гектардаги иккинчи терим пахта зарар кўрганини айтди. Бу ҳам, майли, ўн кун давомида далага кириб пахта териш имкони бўлмади. Пахтадан ташқари бошқа экинлар ҳам зарарланди. Дастлабки, ҳисоб-китобларга қараганда район деҳқонлари ана шу офат туфайли 8 миллион 33 минг сўм зарар кўрдилар. Бу — район даромадининг деярли тўртдан бир қисмига тенг.

— Лекин деҳқонларимиз, уларга ёрдамга чиққан ҳашарчиларнинг руҳи баланд,—дейди Х. Ҳотамов. — Бу тетикликнинг боиси яна шундаки, куни кеча бутун совет халқи Улуғ Октябрнинг 70 йиллик тўйини нишонлади. Байрамни далада ўтказдик. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг байрам муносабати билан ўтказилган тантанали мажлисда қилган докладини биргаликда радио орқали тингладик, газеталарда ўқидик. Докладнинг муҳим жиҳати шундаки, унда совет халқининг етмиш йиллик йўлига, тарихимизга жуда тўғри ва ошкора баҳо берилган. Бу нафақат кекса авлод, айни пайтда ўсиб келаётган ёш авлод учун ҳам жуда муҳим.

Норин районида деҳқончилик қилиш бошқа районларга нисбатан оғирроқ. Чунки икки дарё (Норин ва Қорадарё) оралиғидаги ерларнинг захлиги деҳқондан ниҳоятда хушёрликни талаб қилади. Ана шу зах устига йиллик нормадан кўпроқ ёғиннинг уч-тўрт кун ичида ёғиб бергани дард устига чипқон бўлди. Лекин қуёшли кунлар бошланиши биланоқ пахтакорлар ҳосилни йиғиб-териб олишга киришдилар. Улар рўй берган мислсиз офатга чора топиш учун бутун имкониятларини ишга солмоқдалар. Ҳозир далаларда 8 минг одам пахта теряпти. Ана шундай қийин шароитда ҳам «Коммунизм», «Октябрь», «Ўзбекистон» колхозларининг азаматлари кунлик ўсишда олдинда бораяптилар.

ТОШКЕНТ МЕТРОСИНИНГ ЯНГИ БЕКАТЛАРИ

...Тошкент метро қурилиш тресги бош инженери Владимир Жданов ва партия комитети секретари Ҳаким Мусаев билан суҳбатимиз қисқа бўлди. Улар «Ташсельмаш» метро станциясига шошиб туришган экан.

— 6 ноябрь куни яна икки станциямиз ишга тушди, — дейишди қувонч билан.

— Ўзбекистон йўлининг ҳозир ишлаб турган «Навоий», «Ўзбекистон», «Космонавтлар проспекти», «Ойбек», «Тошкент» станцияларига 3,6 километр бўлган янги трассани бирлаштирувчи «Ташсельмаш» ва «Чкалов» станциялари қўшилди.

Бу станциялар қурилиши 1984 йил бошланган эди. Трест раҳбарларининг фикрига қараганда 1989 йили «Ғафур Ғулом» ва «Чорсу», 1990 йилда эса «Тинчлик» ва «Беруний» станциялари ҳам ишга тушиши мўлжалланган. Келаси йилдан бошлаб эса «Юнусобод» линиясини қуришга киришилади. Бу «Ўзбекистон» ва «Чилонзор»дан сўнгги учинчи ер ости йўли бўлади.

Булар — Тошкент метросининг истиқболи ҳақидаги гаплар. Ҳозир эса ишга туширилган икки станция хусусида гаплашсак. Танишинг: Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари нишондори, Тошкент шаҳар партия комитети аъзоси, Ўзбекистон Компартияси XXI съезди делегати Георгий Люстер. «Ташсельмаш» станциясини ана шу донгдор қурувчи бошчилигидаги бригада аъзолари қуриб ниҳоясига етказишди. «Чкалов» станциясида эса Виктор Маглев бошчилигидаги қурувчилар бригадаси жонбозлик кўрсатди. Бу бригадаларнинг Александр Тишин, Александр Ракетянский, Дмитрий Гарилов, Сергей Огородов, Михаил Евсюков, Турғун Каримов, Андрей Насибов, Дилшод Шайхуддинов каби оташқалб ёшлари метро қурилиши давомида КПСС сафига муносиб топилдилар.

Биз «Ташсельмаш» метро станциясига етиб келганимизда, бу ерда қурувчилар сўнгги пардозлаш ва ободонлаштириш ишларини аллақачон туғаллашган, поездлар қатнови бошланган эди. Ярим доира шаклидаги гумбазлар остида феруза ранг биллур қандиллар порлаб турган станцияга тушишингиз билан кўз ўнгингизда ажиб бир манзара намоён бўлади.

Чкалов номидаги метро станциясининг чиқиш йўлларидан бири эса самолётсозларни тўппа-тўғри завод территориясига олиб боради. Бунинг учун улар метро поездидан тушиб, рухсатномаларини кўрсатсалар кифоя. Биз бу ерда бўлганимизда янги станцияда ишловчи ходимлар ҳам аллақачон ўзларининг вазифаларига киришиб кетганларини кўрдик. Улар станцияни ишга тушириш учун қизғин ҳозирлик кўришди. Ниҳоят 6 ноябрь куни пойтахтимиз метросининг янги бекатларида қатнов бошланди. Меҳнат ва жасоратдан пайдо бўлган бу станциялар ўзининг дастлабки йўловчиларини қабул қила бошлади.

Тошкент метросининг янги станциясида туриб, беихтиёр Москва ва Ленинград метроларини эслаб кетасиз. Шунда бизнинг Тошкентимиз ҳам жуда кўп жиҳатдан ўша машҳур шаҳарларга ўхшаб чирой очиб, кўркамлашиб бораётганидан фахрланасиз.

Қобилжон Ғафуров, Вячеслав Шарафуддинов, Леонид Костенко, Оксана Кирилова, Галина Касатухина каби қурувчилар қачонлардир ўзлари қурган бу ер ости йўллари орқали уйларига, ишхоналарига жўнаётганларида қалбларида ажиб бир ифтихор туйсалар не ажаб!

Зеро, улар ва уларга ўхшаш камтар-фидойи кишилар туфайли ер юзида тинчлик барқарор, эзгулик ҳамиша ғолибдир.

Исмат ХУШЕВ

СУРАТЛАРДА: «Ташсельмаш» станцияси; станция навбатчиси Саломат ТУРСУНОВА.
Ш. ИБРОҲИМОВ фотолари

Иброҳим РАҲИМ, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси

БАЛОҒАТ СЎҚМОҚЛАРИ

УЛУҒ ИНҚИЛОБИМИЗНИНГ етмишинчи айёми арафасида ўтган кунларни эсладим. Инқилобнинг илк баҳоридан бир йил аввал туғилганман, бинобарин, кўз очиб инқилоб қуёшини кўрганман, ақлимни таниганимдан ҳанузгача инқилоб сўқмоқлари билан балоғатга сафарим давом этяпти.

Ҳақиқатан ҳам биз кўп жиҳатдан тараққиётда Ердан Қуёшгача кўтарилдик. Бу беқиёслик нақадар қувончли бўлса-да, нималар ҳисобига бўлгани ва бизга жуда қимматга тушганини унутолмаймиз.

Ёдимда: қишлоғимиз гузарига Қизил байроқ тикилиб, Шамсихон тўранинг кошонасида «Шўро идора очган» йилларда ҳам устимиз юпун, яланг оёқ, яланг бош юрардик, ўша кезларда авж олган қурғоқчилик, қимматчилик туфайли ҳафталаб нон кўрмас эдик.

Инқилоб руҳи, тирикчилик зарурати биздай ёш болаларни ҳам тез етилтириб, меҳнат жараёнига, жамоат юмушларига тортди. Яримта нон топиш учун ғўза тоқалар, бошоқ терар, отбош етаклардик ва ўқирдик. Мени, тўртинчи синф талабасини, маорифга чақириб, «муаллим бўласан» дейишди. «Ёшман, тажрибам йўқ» десам, «инқилобимиз ҳам жуда ёш. Шунинг учун «маданий инқилоб» ҳам ёшлар зимасига тушади», дейишди.

Қишлоқларда маърифатга интилиш кучли эди. Маданий инқилоб туфайли Жамоадаги жами бўш иморатлар, хоналар кечки мактабларга айлантирилганди.

Эртасига, росмана дарс бошланган куни ҳаммага биттадан дафтар, биттадан қора қалам улашдим. Умрида хат ўқимаган, қўлига қалам олмаган аёллар учун бу оддий иш ҳам осон эмасди. Аммо эркакларнинг иши осонроқ кўчди. Улар ўқишга чанқоқ бўлганликлари учун машғулот анча муваффақиятли ўтди. Активлик шу қадар зўр эдики, ҳеч бир одам бир кун дарсдан қолмас, ҳатто вақтидан олдин келиб олардилар. Ўқитувчиликдан ташқари мен уларга мирзалик ҳам қилардим. Бировга ариза, илтимоснома, кимларгадир узоқдаги қариндош-уруғларига «дуойи салом» ёзиб берардим.

Ҳаш-паш дегунча орадан бир ойдан кўпроқ вақт ўтиб кетибди. Маориф шўъбасига чақириб икки синф ўқитганим учун бир юз йигирма сўм маош беришди. Ўнгимми, тушимми — умримда бунча пулни қўлимда ушламаганман, бунча бойлик тушимга ҳам кирмаган!

Онам, опам ва акаларимнинг шодлигини кўрсангиз эди! Уйимизда тўй бўлиб кетди. Маошни шундайича онамнинг қўлига тутқаздим.

Қишлоқда биринчи бўлиб бешта бола кашшоф бўлган эдик. Кейин бизни Толмозор комсомол ячейкасига чақириб «Ленинчи ёшлар иттифоқига ёзилинглар» дейишди. 1928 йили иккитамиз комсомолга ёзилдик. Уч кашшоф «Комсомол дафтарчасига кооперативдан ҳеч нарса бермас экан», деб айниб кетдилар. Кейинча, улар «аттанг» деб қолдилар. Негаки, комсомоллар қишлоққа деҳқонларнинг ерларини ҳайдаб берадиган «ўтомоч» бошлаб келдилар... «Ўтомоч»нинг довруғини эшитган бўлсалар ҳам унинг тахлитини жамоа бўйича ҳеч ким кўрган эмас, бинобарин, «ўтомоч»нинг қандай қилиб ер ҳайдашини биров тасаввур қилолмасди. Чунки бу ерларда ҳали «учма пойиз» (самолёт), «ўтхона» (поезд)ни кўрмаган, мотор нима эканини кўз олдига келтиролмаган одамлар кўп эди. Ҳамма «ўтомоч»нинг келишини орзиқиб кутарди.

Ниҳоят, «келяпти... келяпти...» деган довруғ тарқалди. Катта-кичик кўчага югурди.

Узоқдан тариллаб, гумбурлаб, гоҳ «потир-потир» овоз чиқариб, нимадир келяпти, аммо ўзи кўринмайди. Уни одамлар тўрт томондан ўраб олган. Болалар қий-чувлашиб, гоҳ олдинга, гоҳ орқага югуришади.

От-араваларни четлатиб, қўй-қўзи, паррандаларни тумтарақай қилиб келаётган «ўтомоч» Ёвариқ кўпригига кўтарилганида Нодирали жамоанинг боши кўринди. У «Ўтомоч»»нинг тепасига чиқиб олиб, «Йўл бўшатинглар! Пўшт Пўшт! «Ўтомоч»га йўл беринглар!», деб такрорларди.

Сойкелди кўчаларида ҳеч вақт бунчалар гавжумлик бўлмаган ва бу қишлоқнинг одамлари умрида бу қадар антиқа тантанани кўришмаганди. Томошабинлар оқими сира тўхтамасди.

«Ўтомоч»нинг мотори «поп-поп!» қилиб ўтини ўчирди. Ҳамма уни яқиндан кўришни истар, «пўлат отнинг ёлини» силагиси келарди.

Ўша йили қишлоғимиз лексиконига «ўтомоч» билан бирга «пирқа», «комсомол», «артель», «қулоқ» деган янги сўзлар кириб келди. Бу сўзларни Сойкелди қишлоғига «Сиёсий вакил Мадёров билан «Пирқа қўм» Фахриддинов олиб келдилар.

— Артель бўлсанг «ўтомоч» текин, — деди Мадёров. — Лекин қулоқларни синф ҳолида битирмасак, Сойкелдида колхоз тузиб бўлмайди. Коллективлашишда орқада қоляпмиз...

Сойкелдида уч кун ичида колхозга кирмаган ўзиға тўқ тўра, хўжалар ёппасига «қулоқ» ва «ҳақсиз» қилинди.

Қулоқларни синф ҳолда тугатиш қишлоқларда нақадар шиддатли ва даҳшатли ўтганини ҳозирги ёшлар тасаввур қилолмайдилар. Мен фақат ўз қишлоғимизда бўлиб ўтган қулоқларни битириш компанияси ҳақида гапириб бермоқчиман.

Жамоа шўроси идорасида ҳар куни кечаси камбағал-батракларнинг мажлиси бўларди. Мажлисда танланган ва саноқли кишилар иштирок этарди. Унда фақат битта масала — қулоқлар масаласи кўриларди. Доимий маърузачи ҳам бор: қишлоқ ёки маҳалла элликбошилари...

БИЗНИНГ ҚИШЛОҚ элликбошиси Парпибой ҳар куни кимнингдир номини тилга оларди-да, «шу ёмон одам, муштумзўр, қулоқ бўладиган унсур, қулоқ қилинсин», деб туриб оларди. Масала муҳокамага қўйилган бўлса ҳам, кўпинча мажлис иштирокчилари оғзига талқон солгандай уч-тўрт оғиз сўз айтса айтади, бўлмаса Парпи элликбошининг гапи гап — бир оиланинг тақдири ҳал қилинади.

— Қарор ёз, котиб, — дердилар менга.

Қарор ёзиш мен учун жуда оғир эди. Негаки, мажлислар жуда қийин ўтарди, протокол қиладиган, қарорга ёзадиган асос камдан-кам бўларди.

Қулоқ қилиш комиссиясининг раиси қишлоқда Мадёров, котиби Фахриддинов ҳисобланса ҳам ҳужжатларни расмийлаштириш — менинг зиммамда эди. Баъзан «ҳужжатлар етарли эмас» деб райондан қайтариб юборишарди. Бу вақтда калтак менинг бошимда синарди. «Қулоқларнинг думимисан?», деб ўшқирарди Мадёров. «Бор гапни ёздим-да» десам, яна балога қолардим. Ёлғонни ёзиб бўлмасада, Фахриддинов қарорларни бошқатдан дўндириб, жамоага муҳрлатиб, район учлик комиссиясига жўнатарди. Шундан кейин молия қулоқнинг номига катта солиқ соларди. Солиқни тўламаганларнинг эса уйи тинтув қилиниб, мол-мулки мусодара этиларди.

«Қулоқ» деган гап шунақа даҳшатли эдики, унинг ваҳимасидан кўпгина ноҳақдан қулоқ қилинган ва ҳали район учлик комиссияси тасдиқламаган «қулоқлар» қўрқҳанидан бошқа юртга кўчиб кетар, айримлари бола-чақаларини ташлаб, қишлоғидан қочиб кетарди. Ундайларнинг уй-рўзғори дарҳол мусодара қилинар, номлари қидирув идорасига хабар этиларди.

Пакана, бақалоқ, қоши билан кипригигача сап-сариқ жун босган Парпи элликбошининг феъл-атвори, ўзидан баттар совуқ эди. Бунинг устига ўлардай бўзахўр, маишатпараст, хотинбоз, суюқ киши бўлгани учун одамлар унга рўпара келишдан ўзини тортар, дуч бўлганда четлаб кетардилар. «Парпи сариқ», «Парпи совуқ», «Парпи чаян» — унинг шунақа бадном лақаблари кўп эди. Бунинг учун у одамларни кўролмасди. Рақибларига «Сени қулоқ қилиб юбормасам, Парпи номимни бошқа қўяман» деб дағдаға қиларди ва албатта, айтганига эришарди.

Йўлдошхўжа исмли йигит Парпи элликбоши билан кўчада гап талашиб қолганининг гувоҳи бўлганман. Парпи элликбоши маст ҳолида унинг қўшниси бева аёлнинг уйига кечаси бостириб кирибди. Аёл Йўлдошхўжанинг паноҳига қочибди. Ҳар қандай одамнинг ғазабини қўзғайдиган хунук иш.

— Ярим кечада беванинг уйида нима ишингиз бор эди, Парпибой ака? — Йўлдошхўжа элликбошидан сўради.

— Мендан қарзи бор. Капсанимни тўламай юрибди...

— Кундузи кирсангиз ҳам бўларди-ку!

— Ҳали менга таълим берадиган бўп қолдингми, қулоқ унсур.

— Оғзингизга қараб гапиринг, элликбоши тоға... Мен қулоқ унсур эканманми? Ўз кучим билан нон топиб еб юрибман, болаларимни пешона терим билан боқяпман.

Парпи элликбоши унинг гапига қулоқ солмай, шарт бурилиб тўнғиллаб жамоага кириб кетди. Бир оздан кейин шўро раиси Нодирали акани бошлаб чиқди.

— Бу қулоқлар мени тинч қўядими, йўқми. Пичоқ суякка етдику. Йўлдошхўжа қулоқ қаёққа қочди, қўлида пичоғи бор эди...

Эртасига кечаси тўпланган камбағал-батраклар мажлисида Парпи элликбошининг авзойига қараб бўлмасди.

Талаби битта:

— Йўлдошхўжа қулоқ қилиниши керак!

Мажлисда ўтирганларнинг кўпи ҳайрон — «Нимаси қулоқ Йўлдош кетмоннинг?» Унинг ўз кучи билан олти таноб ерга пахта экиб, бола боқишини ҳамма биларди.

Кўпчилик бир томон, элликбоши бир томон.

— Йўлдошхўжа қулоқ қилинмаса, элликбошиликни ташлайман. Йўлдошхўжа қулоқ қилинмаса, ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қиламан!

Мадёров дафтарига қараб олди: «Мардиқор ишлатар экан... Бу ҳам киши кучидан фойдаланиш. Парпи элликбошининг гапида жон бор». Кейин Фахриддинов сўз олди. «Парпи элликбошининг айтишга қараганда номини алғов қўйиб, қариндош-уруғлари кучидан фойдаланаркан. Ўз меҳнати билан кун кўрмас экан».

— Бу қароримиз ҳам райондан қайтиб келади. Негаки, Йўлдошхўжа қулоқ эмас... — дедим ўзимни тутолмай.

Албатта, бу гапларимга ҳеч ким эътибор бермади. Йўлдошхўжа қулоқ, деб эълон қилинди. Парпи элликбоши бошчилигида унинг уйи тинтув қилинадиган бўлди. Мол-мулкини рўйхат қилиш менга топширилди. «Нишонбойни юборинглар, мен бормайман» десам, Фахриддинов: «Комсомолга партиянинг топшириғи бу! Бажармай кўр-чи!», деди.

Йўлдошхўжа гузардан ярим чақирим нарида кимнингдир ташқи ҳовлисида яшарди. Ярим кечада уйига бостириб кирилди. Йўлдошхўжа ҳеч нарсадан бехабар бола-чақалари билан ухлаб ётган экан. Хотини чойшабни ёпиниб олди.

— Вой ўлмасам, нима ҳодиса?

— Эринг қулоқ қилинди. Тиллаларингни бу ёққа бер, — деди Парпи элликбоши сурбетларча.

Дағ-дағ қалтираб турган аёл чойшаб ичида зўрға гап қотди.

— Бизда тилла нима қилсин, элликбоши ота...

«Сен топмасанг, ўзимиз топамиз» деди-да, Парпи элликбоши ҳаммаёқни титкилаб ташлади. Сандиқдан хотиннинг келинликдаги кийимлари, тағин қандайдир тугунчалар чиқди. Кейин токчада турган қутичаларни титкилади. Хотин кишининг бир жуфт узуги, балдоғи чиқди. Парпи элликбоши уларни қўлига олиб «рўйхатга ёзинг буларни» деди. Кейин кўрпа-тўшак, бир шолча, бир эски гиламни ҳам рўйхатга тиркатди. «Омборга» кириб, деворга тираб қўйилган бир қоп жўхорини ташқарига кўтариб чиқди...

Йўлдошхўжанинг хотини додлаб юборди.

— Болаларимга нимани едираман? Жўхоридан бошқа ҳеч нарсамиз йўқ! — деди-да у кўрпада ётган яланғоч болаларини ўрнидан турғизиб юборди. Ўзи фарёд солди.

— Додласаларинг-чи! Дод! Қароқчи элликбошидан дод! Шўро ҳукумати даврида нонни асал билан ейсан деган одамлар жўхоримизни ҳам тортиб оляптилар.

Уйқудан чўчиб уйғонган икки бола нима бўлаётганини билолмай, онасига қўшилиб додлай бошлади. Йўлдошхўжа уларни қўлтиқлаб олди.

— Йиғламанглар, Парпи чаян жўхоримизни бўза қилиб ичармиш. Тешиб чиқсин!

Йўлдошхўжа Парпи элликбоши ундан ўч олаётганини сезиб, унга «барибир ҳақ йўлига қарор топади, оғзибурнингдан қонинг келмаса рози эмасман!» деди.

Йўлдошхўжанинг «ҳақ йўлига қарор топади» деган гапи тўғри бўлиб чиқди. У хусусдаги материалларни, уйидан чиққан мулкнинг рўйхатини кўриб чиққан район ижроқўмидаги учлик комиссия «Нима қиляпсизлар, ҳақиқий қулоқларни сақлаб қолиб, камбағал деҳқонни қулоқ қилибсизлар-ку», деб унинг «дело»сини қайтариб юборибди.

Сойкелдидаги «учлик» хатони тузатиш учун қишлоқда сақланиб қолган «ҳақиқий қулоқлар»ни қидира бошлади...

Инсоф билан айтиш керак, ўша шошма-шошарлик билан «қулоқ», «ҳақсиз» қилиниб, мол-мулклари мусодара этилганларнинг кўплари ўз кучи билан кун кўрадиган ўрта ҳол меҳнаткаш деҳқонлар эдилар. Тўғри, сиёсатни кўр-кўрона, шошма-шошарлик билан амалга ошириш натижасида жамиятимиз озмунча зарар кўрмади.

ИНҚИЛОБИМИЗ КЕЙИН ҳам давом этди. Тўғри, бу соҳада ҳеч қандай тажриба, ҳеч қандай ўқув қуроли йўқ эди, бинобарин, ҳар бир одимимиз биз учун янги қадам эди. Шунга қарамай биз катта, оғир йўлни босиб ўтиб, бугунги фаровон кунларга етиб келдик. Албатта, бу борада юқоридаги каби ҳар хил хатолар ҳам бўлди. Лекин биз янги жамият тузишдек, уни вояга етказишдек, 70 ёшга тўлдиришдек улуғвор ишлар бағрида балоғат сўқмоқларида камол топдик.

Мана, бугун ҳам жамиятимизда қайта қуриш, янгиланиш — инқилоб давом этмоқда. Лекин буларнинг барчасида, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев таъкидлаганидек, ўтмишдаги ишлар, йўл қўйилган хатолар чинакам сабоқ бўлиб қолиши керак.

ҚИШЛОҚ МАДАНИЯТИ КИМНИНГ ТАСАРРУФИДА?

«ҲАММА НАРСА инсон учун!» Бу шиорга ҳар куни кўзимиз тушади. Уларни дуч келган жойга осиб қўйишдан чарчамаймиз. Байрамларда алвонга ёзиб кўтариб ўтамиз, мажлисларда сўзлаймиз. Аммо унинг замиридаги теран мазмун хаёлимиздан кўтарилади.

Қишлоқ маданиятига муносабатимиз ҳам шундай. Деҳқон гектаридан неча центнер пахта олаётганини суриштирамиз. Унинг даромади қандай, инсон сифатида дам олаяптими, қишлоғида клуби, уйида газн, қозонида гўшти борми? Бу ҳаётий эҳтиёжлар билан ҳам узоқ йиллар қизиқмай келдик. Ҳолбуки, бизга ярқироқ рақамларда бўртиб кўринадиган миллион тонналар мана шу қадоқ қўлли меҳнаткашнинг елкасида.

«Сайловчилар билан бўлган учрашувимиз клуб йўқлигидан... кўчада (?) ўтди. Биров тик турди, биров чўккалади...»

Бу воқеа шунчалик бир чекка қишлоқда эмас, замонавий аэропортига эга, бир пайтлар йирик районга марказ бўлган шаҳар типидаги посёлкада бўлмоқда. Уни айтган киши ҳам оддий колхозчи эмас, район Советининг депутати. Дастлаб сўз шу маданият маскани ҳақида. Зеро, у меҳнаткашга, социал-маданий соҳага муносабатимизни бирмунча равшанроқ ифодалайди.

Саккиз йил муқаддам Сариосиё район ижроия комитети янги клуб қурилиши ҳақида қарор чиқариб, ер ажратган, лойиҳага буюртма берган эди. У 500 ўринли томоша зали, 15 минг китоб фонди, 30 ўринли қироатхонаси бўлган кутубхонани ўз ичига оладиган катта комплекс бўлиши керак эди. Ниҳоят, 1982 йилнинг сентябрь ойида лойиҳа тайёр бўлди. Аммо иш юришмади. Дастлаб уни қурадиган ташкилот «топилмади». Сўнгра бинокорлик материаллари қимматлашгач, у тасдиқдан ўтмади. Смета қиймати 1 миллион сўмдан ошмайдиган янги лойиҳага буюртма берилди. «Тежамкорлик» шу бўлдики, аввалги лойиҳа учун сарфланган район маданият бўлимининг сал кам ўн минг сўм маблағи ҳавога совурилиб кетди. Янги лойиҳада клуб 400 ўринли қилиб кичрайтирилди.

Қурилиш энди бошланай деб турганда яна ғалва чиқди. Дастлаб клубга ер ажратиш ҳақидаги қарорга розимиз деб имзо чеккан Ленин номидаги матлубот жамияти ошхона ва кондитер цехимизни кўчирмаймиз деб туриб олишди. Оқибат шу бўлдики, 1984 йили иш фронти йўқлиги учун клуб қурилишига ажратилган 159 минг сўм маблағнинг 25 минг сўми ўзлаштирилди.

Шунда вақтинча бўлса ҳам чора кўрилди: савдо ходимларига эски клуб бўшатиб берилди. «Вақтинча» деганимиз боиси аҳолига баҳоли қудрат хизмат қилиб турган бу бино ҳам янги клуб қурилишининг охирги навбатида бузилиб, унинг ўрнида янги комплекснинг баъзи объектлари жойлашиши керак эди. Клуб шунча можаролардан сўнг шу йилнинг III кварталида фойдаланишга топширилиши мумкин эди. Аммо матлубот жамияти ҳамон ғайри одатини қўймаяпти. Эски клуб биносига вақтинча бўлса-да жойлашиб олгач, бу ерда ўрнаштирган ошхона ва буфетини кўчирмай «қўлингдан келганини қил» деб турибди. Ҳолбуки, бузиладиган арзимас иморатлари учун район маданият бўлими фондидан 60 минг сўмни олганига уч йилдан ошди. Бу идора эски клубни эгаллаб, аввало минг-минглаб кишиларни бу ерда баҳоли қудрат ўтиб турган маданий тадбирлардан бебаҳра қилиб қўйган эди. Энди эса салкам ўн йилдан буён аҳолини интиқ қилиб келаётган клуб комплекси битай деганда қурилишни тўхтатиб, кўпчиликни маънавий маданиятдан маҳрум этмоқда.

— Клуб қурилишига бундай муносабат бизнинг қўлимизни боғлаб, планларимизни барбод қилмоқда, — дейди Сариосиё хўжаликлараро кўчма механизациялашган колонна прораби М. Қурбонов, — Бу ерда планли иш бўла туриб қурувчиларни бошқа объектларга сочиб юборишга мажбур бўлмоқдамиз.

ХЎШ, НЕГА қайсидир бир савдо ташкилотининг ғайриқонуний манфаатлари одамларга нур, зиё элтажак клуб ихлосмандлари, меҳнаткаш халқ манфаатидан устун қўйиляпти. Эҳтимол, бу идоранинг раҳбарлари савдо ходими учун клубга бориб томоша кўриш завқли эмас, тижоратдан файз кетади, деб ўйлар. Ким билади, балки улар маданияти «юксаклиги»дан умуман клубга эҳтиёж сезишмас?.. Лекин оддий меҳнаткаш халқ ҳеч қачон клубдан юз ўгирмаган.

Қачонлардир шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги тафовутларни йўқотамиз, деб ҳаракат бошлаган эдиқ. Баъзи қишлоқларимизда замонавий мактаб ва болалар боғчалари, клублар, маиший хизмат уйлари пайдо бўлди. Янги қишлоқлар чирой кўрсата бошлади. Аммо бундай «бахти кулган» қишлоқлар кўп эмас. Бир-икки обод бинолар эса ҳамон лойсувоқ, пахса уйлардан иборат бўлиб қолаётган ўзбек қишлоқларининг асрий қиёфасини ўзгартира олгани йўқ.

Биз ҳам шаҳар ва қишлоқ ўртасида бутунлай тафовут бўлмаслиги керак демоқчимасмиз. Аслида шаҳарни шаҳар, қишлоқни қишлоқ қилиб турган ўз афзалликлари, қулайликлари, гўзалликлари бор. Улар ҳеч қачон бир-бирининг ўрнини боса олмайди. Гап қишлоқ меҳнат аҳлининг маиший шароитлари ҳақида бормоқда. Ҳозир бутун бир районда битта ҳаммом йўқ, деса ишонасизми? Йўқ. Социал-маданий соҳага анча йиллар «ўгай» кўз билан қараб келганимиз, ўгай муносабатимиз бу борада ҳам намоён бўлиб турибди. Тўғри, бутун Сариосиё ҳаммомсиз эмас, «Коммунизм» совхозида бор. Хўжалик бир пайтлар бақувват эди. Клуб ҳам, ҳаммом ҳам, меҳмонхона ҳам қуриб олган, лекин у бутун районнинг эҳтиёжи олдида дарёдан томчи...

Унча кўп бўлгани йўқ — тўрт-беш йил муқаддам бу ерларнинг ҳар бир баҳаво жойида, ҳар бир хўжаликда, халқнинг кўзидан панада ҳашаматли «дача» ва «юбилей шийпонлари» қуриш авж олган эди. Улар бир ҳовуч раҳбарсифат кишиларнинг маишати учун хизмат қиларди. Клубу ҳаммом, шифохонаю болалар боғчаси қуриш мана шу йилларда унутила бошланган эди. Гарчи, бу ҳашаматли бинолар социал-маданий соҳа маблағларидан тикланмаган бўлса ҳам, улар айнан мана шу соҳанинг қурилиш ресурсларидан қад кўтаргани аниқ.

Яхшиям қайта қуриш бошланди. «Коммунизм» совхози Дашнободнинг энг баҳаво жойида қурган шундай бир «дача» болалар лагери учун, «Хонжиза» совхозида юксак тоғнинг тўшида қурилган назар тушмас оромгоҳ қишлоқ касалхонаси учун берилди. Лекин бу билан социал маданий соҳадаги ишлар ўз изига тушиб қолгани йўқ.

Меҳнаткашнинг иши тез-тез тушадиган жой, бу — фақат клуб ёки ҳаммомгина эмас, халққа бозор ҳам керак. У тирикчилик ташвишида кунора бозорга тушмаслиги мумкин эмас. Рўзғори учун егулик ва кийгулик харид қилиши, молини ё мева-чевасини сотиб бошқа эҳтиёжлари учун яратиши керак. Дастлаб, Сариосиёда бу масалага ақл кўзи билан қарашди. Районда бозорлар у посёлкадан бунисига кўчиб юрарди. Мева бозори бир жойда, мол бозори бошқа жойда. Бунинг устига тор жойда томоша. Транспорт ноўнғай, аҳоли сарсон бўларди. Мутасаддилар ўйлаб-ўйлаб ахийри «етти ўлчашди-да, бир кесишди». Янги бозор ҳаммага ўнғай жойда—районнинг эски ва янги марказларини боғловчи йўл ўртасидаги Қурувчилар посёлкасида қуриладиган бўлди. Районнинг марказий касалхонаси, поликлиника, темир-бетон буюмлари заводи, қурилиш комбинати ва бошқа ўнлаб ташкилотлар шу жойда жойлашган. (Кези келганда айтиш керак, бу ерда ҳам минг-минглаб аҳоли учун на бирор клуб, на бирор кутубхона бор).

Янги бозор лойиҳаси планга киритилган бир пайтда ер муаммоси келиб чиқди. Машҳур «Коммунизм» совхози халқ манфаати учун атиги 3 — 4 гектар ерини раво кўрмади. Ахийри Узун ўрмон хўжалигига қарашли ўрмонзорнинг бир чеккасидан — ноёб дарахтлардан воз кечишга тўғри келди. Табиат билан болта юзма-юз бўлди, асрий ўрмоннинг ноёб арчалари чопилди. Халқ манфаати учун шундай қилишга мажбур бўлинди. Бозор қурилиши бошланиб, анча-мунча маблағ ўзлаштирилди, девор олинди, асфальт ётқизилди, расталар тиклана бошланди. Лекин нима бўлдию сал кам юз минг сўмлик қурилиш ишлари бажарилганда кимнингдир иродаси халқ манфаатидан устун келди. Қурилиш тўхтади-қолди. Ўшанда маънавий турғунлик даврининг хуружи авжга чиққан йиллар эди. У пайтда элнинг минг бир ташвишидан қайсидир амалдорнинг бир оғиз сўзи устун келарди.

ЭНДИ БОЗОР қиёфасини олай деган территория эса негадир (балки бу ерда қилинган ишларни бекитиш, сарф этилган маблағларни хас-пўшлаш учун бўлса керак) бу ердан 60 километр узоқликдаги «Хонжиза» совхози учун машина-трактор парки қилиб берилди. Тадбиркорликни қаранг: совхоз маркази, аҳолиси, ишчи кучлари, экинзорлари олисдаги тоғ оралиқларида бўлсаю техникаси эса бу ерда. Одамлар, техника боркел учун бекордан-бекорга 120 километр йўл босишса, гўё совхоз жойлашган тоғу тошда ер йўқдай. Бунинг учун кетаётган ортиқча вақт, транспорт-ёнилғи харажатлари, бошбошдоқликнинг иқтисодий жиҳати қанчага тушаётган экан? Буни ҳисоблаб чиқиш математика ишқибозларига эмас, давлатнинг ҳар бир тийинига кўз-қулоқ бўлган молия ташкилотларига ҳавола.

Хўш, бозорсиз қолган халқнинг аҳволи қандай дерсиз? Узундаги каталакдек бозорча урҳо-ур, айниқса якшанба кунлари. Бир ёнда дарё, бир ёнда Денов-Душанба автотрассаси. Савдо ташкилотларининг кўчма дўконлари шу куни ҳамма ёқни қоплаб олади, улар ярмарка ташкил этишади. Йўлга одам тиқилиб кетади. Бир кори ҳол юз бермасин деб, ГАИ ва милиция ходимлари жонҳалак. Мол бозори эса 2 километр нарида...

Сариосиёликлар азалдан меҳнаткаш, қўли гул, бунёдкор одамлар. Улар нафақат текисликда, ҳатто осмонўпар тоғу тошларда ҳам гул ундириб қўйишибди. «Сангардак» ва «Хонжиза» совхозлари Ҳисор тоғлари орасида жойлашган. Бу жойларда табиатнинг ўзи инсонга бор гўзаллигини инъом этган. Табиатнинг қудрати ҳам, мўжизалари ҳам шу ерда. Фақат бу гўзалликни инсонга хизмат қилдириш, унинг маънавий мулкига айлантириш учун бироз саъй-ҳаракат керак.

АЙНИ САРАТОННИНГ жазираси бошланган кезлар эди. Сариосиёдан машинада бир соатча юрар-юрмас тоғлар орасидаги Саргардак шоввасига етиб келдик. Атроф тик тоғлар, қорли чўққилар билан қопланган. Пастда дарё шовуллайди. 500 метрча юқоридан, баланд тоғнинг қоқ белидан қизларнинг қирқ кокилидай ёйилиб шаршара оқиб тушмоқда. Тошдан тошга кўтарилиб шовванинг тагига етиб бордик. Шофёр йигит машинасидан иккита нон олиб чиқди. Шаршара сувига ботириб едик. Дунёда бундан гўзал роҳат йўқ эди. Атрофдаги ёнғоқзорлар, узумзорлар, писта-бодом ўрмонзорларини айтмайсизми...

Баҳордан қишгача пахта даласидан чиқмайдиган қўли қадоқ деҳқонларимиз учун, офтоб тиғида қорайиб ишлаётган оналаримиз, опаларимиз, сингилларимиз учун, улар тарбиялаётган фарзандларнинг саломатлиги учун бундай шифоли жойлардан ақл кўзи билан фойдаланиш керак.

Сангардак шоввасига яқин жойда — бир баланд тоғ ортидаги водийда республика касаба союзларига қарашли «Хонжиза» дам олиш уйи ишлаб турибди. Бир йўла 330 кишига хизмат қиладиган бу оромгоҳ бир пайтлар бу ерда иш олиб борган геологларнинг мўъжаз посёлкаси эди. Геологлар кетишгач, ҳордиқ масканига айлантирилибди. Дам олиш уйи директори А. Кабиров тилга олган баъзи муаммоларни (телефон хизмати, сабзавот-мева дўконлари йўқлиги, кундалик газета-журналларни олиш қийинлиги) ҳисобга олмаганда мамлакатнинг истаган ҳордиқ маскани билан беллаша олади. У мавсумий — 22 майдан 7 октябргача ишлайди. Деҳқончилик ишлари қизиган пайтларда бу ерда бирорта пахтакорни топиш қийин. Бир-икки шерободлик қарияларни айтмасак, асосий дам олувчилар Москва, Ленинград, Новосибирск ва бошқа жойлардан келишган. Улар бу ерни кўзларига суртиб дам олишяптию биз эса уни назарга илмаяпмиз.

— Йўқ, унчалик эмас, — деб эътироз билдирди бизга «Ленинизм» колхози раисининг ўринбосари Ш. Насриддинов, — область касаба союзлари совети негадир бизнинг пахтакор деҳқонларимиз учун бу ерга йўлланмаларни жуда кам ажратади, деярли, йўқ ҳисоби. Ҳеч бўлмаганда, пахтачиликда нисбатан иш камаядиган 20 август билан 1 сентябрь орасида бу ернинг барча йўлланмалари механизаторлар, сувчилар, пахтакор деҳқонлар учун ажратилиши керак. Шунда ёз бўйи эзилиб ишлаган деҳқон кузги сермашаққат юмушлар олдидан бир фурсат нафас ростлаб олган бўлур эди...

ГАП АЙЛАНИБ келиб яна меҳнат аҳлига муносабатимизни ўзгартириш масаласига тақалмоқда. Нафақат пахтакор деҳқоннинг тоғли зоналарда, хусусан, экстремал шароитларда истиқомат қилаётган кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларига ҳам эътибор керак.

Давоми еттинчи бетда

ЁЗУВЧИЛАР МАДАДГА КЕЛДИЛАР

— Ҳаракатда — баракат, — дейди Ҳусниддин Шарипов Ўткир Ҳошимовга.

— Мумтоз ака орқада қолманг, Туроб ва Одилга етиб юринг, — дейди иш қизиғида Саид Аҳмад.

— Барибир меҳнат — поэзия, — ўйлайди Мурод Муҳаммад Дўст.

ЁЗУВЧИ ДАРДИ — ЗАМОН ДАРДИ

Матёқуб ҚЎШЖОНОВ, Ўз ФА мухбир аъзоси

ЕТМИШ ЙИЛЛИК тарих бизга катта сабоқлар берди. Бу фақат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларгагина эмас, балки бадиий ижод жабҳасига ҳам тегишлидир. Бу сабоқлар бизга ижод ҳақида ҳам кенг фикр юритишга имкон беради. Хусусан, партиямизнинг ҳозирги қайта қуриш сиёсати бадиий ижод соҳасида, нафосат қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда, чуқурроқ фикрлашга йўл очди. Шулардан бири бадиий тафаккур, ижод дарди масаласидир.

Бир неча йил муқаддам Фрунзе шаҳрида ўтган катта анжуманда қатнашдим. Программа бўйича «Манас» фольклор ансамбли концерти таклиф этилди. Ёш актёр «Манас»ни бадиий ўқиди. Зал жимжит, ҳамманинг нафаси ичига тушиб кетгандек. Тингловчилардан бирортаси чуқурроқ нафас олса, залдагиларга халақит берадигандек. Саҳнада актёр «Манас»ни ўқияпти, йўқ, у роль ижро этяпти. Маъноли нигоҳ, мисраларнинг маъноси ва оҳангига мос ҳолда, юз, кўз ҳаракатлари ифодаланмоқда... Зал сеҳрланганди...

Мана, бир ярим соатлар чамаси давом этган ифодали ўқиш тугади. Ҳамроҳларим турли миллат вакиллари эди. Дўстим Георгий Иосифович Ломидзедан «Ниманинг таъсирида?» деб сўрадим. Сўрадиму хижолат бўлдим. «Тушунишнинг ҳожати йўқ, ҳис қилдим», деди у.

Бир актёр билан учрашдим. Унга ҳар томондан саволлар ёғилди: «Ҳар гал шундай ўқийсизми?», «Камбағал бўлса оғир, кейин оғир ўхшайсизми?» ва ҳоказо. Актёр: «Унда мен асарнинг бу улуғ асар дардини, маъносини етказа олмайман-да», деб жавоб берди.

Ҳа, дард, маъно бадиий асар учун жуда зарур.

Абдулла Қодирий Кумушбиби ўлимини тасвирлаётиб, ҳўнг-ҳўнг йиғлаган экан. Адиб ўлим тўшагида тўлғанган қиз қисмати, оддий инсоний истакларга эришолмаган Отабек, ақл-идроки билан феодал урф-одатларига қарши тура олмаган Юсуфбек ҳожи дард-аламларини обдон қалбдан ҳис қилмаган бўлса, ҳануз китобхонларни ларзага солаётган бу фожиаларни ўқиб ўкирмидик! «Ўткан кунлар»ни қайта-қайта ўқидилар, ёд олганлар, ҳа[illegible]йдилар. Сабаби эса фожиалар замиридаги дард, теран маъно.

Адабиётимизда кейинчалик яратилган фожиаларда қанчадан-қанча дард ва маъно бор. Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романидаги Гулнорбибининг тақдирини эсланг. Бу Гулнор фожиаси, ҳаёт гулидан бир гули узилган Йўлчининг она заминга тўкилган қони, азиз ёридан жудо этилган Йўлчи кечинмалари кимнинг юрагини титратмайди,

Ўқувчиларга таъсир ўтказиш, фикр уйғотиш учун «Ўткан кунлар», «Қутлуғ қон» муаллифлари ўзлари ҳам қаҳрамонларининг дардига шерик бўлиш, улар кечинмаларини ўзлари ҳам ҳис қилишлари керак.

Абдулла Қаҳҳорнинг «Бемор» ҳикоясидаги бойга хотин бўлиб юрган, даҳшатли ўлимни кўрган жувоннинг ҳасратиб қалбида йиғилиб қолган дард-аламлар натижасими? Кумушбиби, Гулнор фожиаларининг бошқача кўриниши — Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романидаги Зеби қисматини олинг. Оддий, ўз тақдири ҳақида ўйлашга ҳам қурби етмайдиган оддий қиз. Бу ҳаётдан кўрмаган жафоси йўқ. Бу — Чўлпоннинг ҳам дарди эди. Уни китобхон билан бўлишмоқчи эдинг, китобхон билан бўлишмасликнинг иложи йўқ эди. Афсуски, узоқ йиллар китобхон бу романни қўлга олиш бахтидан маҳрум бўлди.

«Мирзо Улуғбек» трагедияси, «Улуғбек хазинаси» романида жаҳон илмига, халқининг улкан ҳисса қўшган Улуғбекнинг тақдир тарозисига қўйилган пайт манзараларини Мақсуд Шайхзода билан Одил Ёқубов ўтмиш жаҳонини қайта ҳис қилмасдан, қалбида унга чексиз нафрат туймасдан тасвирлай олишлари амримаҳол эди.

«Диёнат»даги демократик нормалар издан чиққан йиллари Шомуродов бошига тушган кулфатлар, эзгуликка интилиб, унга эриша олмай дунёдан кўз юмиши, «Оққушлар, оппоқ қушлар»даги ўзбошимчаликлар авж олган вақтларда санъат илмининг вакили Расул Нуриддинович истак ва орзуларининг барбод бўлиши, ҳатто ҳаёти ҳам хавф остида қолганини тасвирлаш учун ўша давр иллатларини тўла англамасдан, қаҳр-ғазабга тўлиб-тошмасдан туриб қўлга қалам олиш мумкин эмас эди.

Бу даврда яратилган Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Омон Матжон, Рауф Парфи шеър ва достонларидаги софдил замондошларимиз қисмати ифодасини зўравонликлардан нафратланган шоирларнинг қалб садоси деб тушуниш керак.

Ҳаёт дардини, ўзи яшаётган замон дардини акс эттириш жанр танламайди, услуб ҳам.

Абдулла Қаҳҳорнинг «Тобутдан товуш» комедияси юзаки қараганда, кулгили манзаралар тўпламидангина иборатдек бўлиб кўриниши мумкин. Ҳа, уни саҳнада кўриб куламиз. Бироқ, ана шу кулги замирида қанчадан-қанча дарду алам ётибди. Тўғрироғи, асардаги кулги бугун қайта қуриш пайтларида фош этилаётган ошна-оғайничилик, бузуқилик, порахўрлик сингари иллатларнинг бошланаётганини ич-ичидан сезган, уларга қарши нафрат тошини ота бошлаган ҳозиржавоб адибнинг қалб нидоси эмасмиди!

Асқад Мухтор, Шукур Холмирзаев асарларида акс этган ўзбошимчалик оқибатида юзлаб тоғ қишлоқлари аҳолиси воҳаларга кўчирилиб, яшнаган гўшалар вайронага айлангани, минг йиллик тарихий обидаларнинг қаровсиз қолиб кетгани, халқ келажагини таъмин қиладиган ер-сувнинг исроф бўлаётгани ҳақидаги фикрлар ва ташвишли мулоҳазалар ижодкор изҳор қилаётган халқ дардининг инъикосидир. Саида Зуннунова шеър ва қиссаларидаги изтиробли ўйлар хусусида ҳам шундай дейиш мумкин.

Ҳали бироз ёш, бироқ истеъдодли ёзувчилар — Эркин Аъзамов, Мурод Муҳаммад Дўст, Ғаффор Ҳотамов, Тоғай Мурод, Хайриддин Султонов, ёш шоирлардан Муҳаммад Солиҳ, Хуршид Даврон, Шавкат Раҳмон, Усмон Азимов шеърларида ҳали биз тадқиқ этиб улгурмаган дард-алам, истагу орзулар қанчадан-қанча!

Халқ дарди ва ўйларини, орзу ва истакларини топиб акс эттириш адабиёт олдига қўйилган янги талаб эмас. Аслида адабиёт тарихи дарду, орзу-истаклар изҳор қилиш воситасидир. Шу йўсинда у бугунги даражага етди.

Рус адабиёти тарихига бир назар ташланг. Пушкин, Лермонтов, Гоголь асарларининг асосий қисми ортиқча кишилар, ҳаётда ўз ўрнини тополмаганлар, бинобарин, жамиятга фойдаси тегмаган одамлар образларини яратишга бағишланган. Бу дардмиди? Ҳа, дард эди. Дард бўлганда ҳам катта дард эди. Жамият вакиллари билан жамият орасидаги номувофиқлик, зиддият оқибатида жамиятнинг таназзулга юз тутаётганини улар яхши билишарди.

Шуни ҳам назарда тутиш керакки, адабиётнинг имкониятлари чексиз эмас. У ҳаётда рўй бераётган ғайринормал ҳодисалар хусусида огоҳ бўлишга чақиради. Бироқ иллатларга жарроҳлик қилолмайди. Бу ҳол адабиёт тарихига қай даражада хос бўлса, унинг бугунги тараққиётига ҳам шу даражада хосдир.

Бу ишда адабиётнинг илк даракчи эканини унутмаслик керак. Бошқача айтганда, адабиёт ва санъат жамият тараққиётидаги турли тенденцияларни ифодалашда бошқа соҳалардан бир қадам олдинда бўлади.

Адабиётнинг огоҳлантириши сиёсат, фалсафа, ҳуқуқ ва бошқа соҳаларда акс эта бошлайди. Ахир, марксизм классиклари ўз хулосаларини чиқаришда кўп ўринларда адабиёт ва санъат асарларига суянганлари бежиз эмас-ку!

Фикримизнинг исботи учун Данте, Бальзак, Гёте, Толстойни тинч қўйиб, бугунги адибларимизнинг асарларига бир назар ташлаб ўтиш кифоядир.

Чингиз Айтматовнинг «Асрга татигулик кун» романи пайдо бўлганидан буён ўн йилча вақт ўтди. Атом энергиясини жиловлашда икки улуғ давлатнинг бирлашиши зарурат эканлиги ҳақидаги фикр кескин равишда кўтарилган эди. Бугун бу масала дунё давлатлари сиёсатининг марказида турибди.

Бундан сиёсат адабиёт олға сурган ғоялар асосида иш тутар экан-да, деган жўн ҳукм чиқариш ўринсиз бўлар эди, албатта. Адабиёт муайян масаланинг жамият дарди сифатида мавжудлигидан дарак беради, эътиборни жалб қилади, фикр уйғотади. Аксарият пайтлар бу хилдаги фикр уйғотишлар бекорга кетмайди.

Чингиз Айтматовнинг «Кунда» романининг мазмунига бир эътибор беринг. Бу роман жамият дардига айланган ахлоқсизлар, инсон шаънини пастга урадиган ижтимоий ҳодиса — эътиқодсизлик тўғрисида бонг урди. Бугун партиямиз олиб бораётган сиёсатнинг асл маъноси ҳам шунда эмасми?

ХУЛЛАС, адабиёт жамият ҳаётида пайдо бўлаётган дарднинг жарчиси, бонг урувчиси.

Афсуски, ўзбек совет адабиётида кейинги даврларда дард билан ёзилган, ижтимоий ҳаётнинг долзарб муаммоларига фаол муносабат билдирилган асарлар кўп эмас. Аксинча, бирор дарддан хабар бермайдиган, ҳаёт воқелигини шунчаки жўн қайд этадиган, тартибсиз равишда, юзаки акс эттирадиган асарлар сони кўпайди. Бундай асарларда адиблар бирор касб-кор кишилари ҳаётига тегишли материални оладилар-да, уларнинг муайян бир даврда амалга оширган ишларини қайд этиб ўтиш билан чекланадилар. Масалан, чўлқуварлар ҳаётини олайлик. Бундай ҳолларда қаҳрамонлар қисқа муддат ичида йўқ жойдан сув топадилар — булоқларни очадилар, тўғонлар қурадилар, бўз ерларга чигит экиб, юқори ҳосил етиштирадилар. Қаламга олинган масалалар эса одатда ҳаётдаги йирикроқ муаммоларнинг узвий бир қисми сифатида эмас, балки ҳаёт проблемаларидан ажратилган ҳолда шунчаки қайд этиш йўли билан баён қилинади. Долзарб ижтимоий муаммоларга алоқасиз бўлгани сабабли бу хилдаги асарларда сюжет ҳам ниҳоятда жўн, аксарият пайтларда конфликтлар заиф, қолаверса, ясама тарзда рўй беради.

Дардсиз, жўн йўллар билан битилган асарларда бир қарашда ҳамма нарса тўғри, рисоладагидек, камкўстсиз бўлиб кўзга ташланади. Ҳатто бирор эътироз билдиришга чоғлансангиз, «Нима қилибди, республикамиз фахри — пахтакорлар ҳаётини акс эттирдим ёки адабиётда ҳали тасвирланмаган мана бундай касб-кор эгалари ҳаётидан ёздим», деб, бир оғиз сўзингизга ўн оғиз қилиб жавоб қайтарадилар.

Айрим адибларимиз эса ижтимоий дард эмас, объект излайдиган бўлиб қолдилар. Бирор тўғонми ё электрстанция қурила бошладими, у ҳақда роман ёзишга шошилдилар. Баъзи қаламкашлар ўқитувчи ё геолог ҳақида роман йўғу деб ўша мавзуга от қўйдилар. Пахтакорлар ҳақида икки томчи сувдек бир-бирига ўхшайдиган очерклар, қисса ва романлар шундай пайдо бўлди. Бу асарларнинг қаҳрамонлари ҳеч қандай қийинчиликсиз чўлни бўстонга айлантириб, фаровон турмуш яратдилар. Айтайлик, И. Раҳим, Ҳ. Ғулом, Мирмуҳсин каби таниқли романнавис адибларнинг пахтакорлар ҳаётига бағишланган асарлари бир-бирларидан қандай салмоқли жиҳатлари билан фарқ қилади? Бунга жавоб бериш қийин.

Баъзан объектларга бағишланган эртакнамо воқеалар кашф этадиган бўлишди.

Масалан, М. Қориев «Афросиёб гўзали» деган қисса ёзди. Асарда персонаж Тошкентдан Самарқандга бориб ўша ерлик қизлардан бирига муҳаббат қўйгани хусусида гап боради. Асар муҳаббат саргузаштидан иборат бўлиб қолди.

Шундай қараганда, асардагидек воқеалар ҳам ҳаётда рўй бериши мумкин. Бунга қарши бирор эътироз билдириш ўринсиздек. Бироқ асосий масала нимада? Жамиятни безовта қилиб турган бирор муаммо борми китобда? Адиб булар тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмаганга ўхшайди. Китобхон бу хилдаги асарларни ўқиб, ўз қисмати, жамият ҳаётидаги бирор масала юзасидан фикр юрита оладими? Унинг ўй-фикрлари безовталанадими? Бирор шубҳа ёки таажжуби ойдинлашадими? Асарни қайта-қайта ўқисангиз ҳам бу саволларга, афсуски, жавоб топа олмайсиз.

Кейинги йилларда ўзбек адабиётида бу хилдаги асарларнинг сон жиҳатидан кўпайиб кетганлиги хафа қилади, кишини. Заҳматкаш ёзувчи Иброҳим Раҳимнинг маълум актуал ҳислар билан йўғрилган, «Оқибат» романини эсланг. Унинг бу китоби Россиянинг ноқоратупроқ ерларини ўзлаштириш мавзуига бағишланган. Аслида, Ўрта Осиё республикаларидан бориб Россия марказида ботқоқликларни қуритиб, чакалакзорларни тозалаб, ерларни текислаб, қўриқ очиш, бу иш юзасидан орттирилган тажрибаларни рус биродарларимиз билан баҳам кўриш нақадар улуғ жасорат. Бироқ, фақат фалончи-фалончилар сафарга отландилар, мана, манзилга ҳам етиб бордилар, ўзлари билан яна иш қуролларини элтдилар, сафарга кетганлар юртда қолган яқинларини ўйладилар, бу ёқдагилар эса кетганларни эслаб турдилар, борингки, кимлардир тракторчи бўлиб, кимлардир бульдозер ҳайдагани, ўрганмаган Шимол иқлимига хос баъзи қийинчиликларни қайд этиб ўтиш билан юксак савиядаги бадиий асар яратиб бўладими?

Бу гаплар ҳаммаси керакдек: халқлар дўстлиги, жасоратталаб улуғ ишлар, қатор тўсиғу қийинчиликларни енгиб ўтиш ва ҳоказолар тасвирлаш мумкин бўлган ҳаёт материали. Афсуски, улар барчаси кўп ҳолларда ҳаёт материали сифатида қолади, холос. Материал ифодасида бугунги, илғор романчилигимизга хос дард билан йўғрилган, синчковлик билан илғаб олинган муаммолар кўзга ташланмайди.

Бир зум Чингиз Айтматовнинг «Кунда» романининг қаҳрамони Авдийдаги юксак эътиқод, шу образ орқали ифодаланган ёзувчи дарди, ахлоқ-тарбия муҳити, замон муаммоларига доир ўйларни эътибордан соқит этиб кўрайлик-чи, шу ондаёқ ҳақиқий романга хос ижтимоий дардчанлик барҳам топади ва роман оддий воқеанавислик «меваси»га айланади-қолади.

Демак, зарурни зарур, керакни керак деган билан иш битавермайди. Замон нуқтаи назаридан зарур ҳодисанинг зарурлиги, кераклининг нарсанинг кераклиги аввало материал тасвирининг ўзидан келиб чиқиши лозим. Бунинг учун ёзувчида истеъдод бўлиши, у бутун борлиғи билан замон дардини, давр муаммоларини ҳис этиши керак.

ПАРТИЯМИЗ МУТТАСИЛ, изчиллик билан қайта қуриш сиёсатини олиб бораётир. Йирик-йирик анжуманлар, эълон қилинаётган ҳужжатларга назар ташланг. Замон, халқ, мамлакат дарди бор уларда! Ҳаётни янги изга солиш хусусидаги қанчадан-қанча муаммолар акс этаётир бу ҳужжатларда. Энг муҳими, бу муаммолар шунчаки сиёсат, шунчаки чора-тадбир учун олиб борилаётгани йўқ. Қанчалар ҳис-ҳаяжон, қанчалар эҳтирос бор бу ҳужжатларда! Партиямиз чинакамига В. И. Ленин васиятларига амал қилиб, Октябрнинг шонли 70 йиллигини янги-янги ўй ва режалар, уларни амалга ошириш йўлларини излаш билан банд. Бу ишда адабиёт партиямизга ёрдамчи бўлиши керак!

БИР АСАР ҲАҚИДА ИККИ ФИКР

ВИЖДОН БИЛАН МУЛОҚОТ

ХУРШИД ДЎСТМУҲАМЕДОВНИНГ «Нигоҳ» қиссасидаги («Ёшлик» журнали, 1987 йил, 7-сон) воқеалар кўп эмас — трамвайнинг «Волга» машинасини уриб юбориши, трамвай ҳайдовчиси Бекнинг ўз бошлиқлари, оиласи, шикастланган аёл билан мулоқотлари... Таъкидлаш лозимки, бу эпизодларда айтарли янгилик йўқ: раҳбарлар нохушроқ муомалада бўлишади ва бу табиий. Шу билан бирга, унга ёмонлик қилишмоқчи ҳам эмас. Жароҳатланган аёл эса бироз ўпка-гинадан сўнг: «Ёш экан, болалари бордир, даъво қилмайман», — дейди. Бор-йўқ гаплар мана шулар. Асарнинг асосий хусусиятлари руҳий жараёнлар талқинида очилади. Улар ҳам бир неча йўналишга эга. Замира, Ўктам, Бекнинг опаси, жароҳатланган аёл руҳиятидаги ҳолатлар анчайин содда кечинмалар сирасига киради. Амаки ва Бек руҳиятидаги жараёнлар эса хийла мураккаб. Уларнинг моҳиятини англаш учун нигоҳни, яъни нуқтаи назарларнинг мезонларини янгилаш зарур. Қисса мана шундай ўқилганда, ундаги одатий воқеаларнинг ноодатий талқинига имкон топилади, инсон дилининг қаъридаги майлларни илғашга йўл очилади.

Бекнинг авария билан боғлиқ руҳий ҳолатлари таҳлилига, сўнг «жиноят ва жазо» талқинига эътибор берайлик: «Ҳа, Бек вагонни тўхтатишга улгуриши мумкин эди. Нега кўра-била туриб, ҳар доим ушлаб ўтирадиган тормоз дастагини шундоққина торта олмади. Тортишга улгурмадими ёки тортгиси келмадими?..». Бек шу саволни ўзига ўзи қайта-қайта беради, ўша дақиқаларни бот-бот таҳлил қилади. Хулоса аниқ: трамвайни тўхтатгиси келмаган. Нега?! Сабаб шуки, ўша кунларда Бекнинг руҳида бир бесаранжомлик бор эди. Марҳум ота ва она хотираси олдидаги қарздорлик мавҳумоти шу кунларда унга тинчлик бермаётган, ўзидан қониқмасликни ўстираётган ва пировардида кўнгилда мувозанатсизлик ҳосил қилаётган эди. Бекнинг ўзи ҳам тузукроқ англаб етмаган, аммо қалбида аниқ мавжуд бўлган нохушлик энг қалтис вазиятда ҳосиласини беради, яъни авария содир бўлади.

Қисса воқеалари инсон ҳақидаги тасаввурларимиз мукаммал эмаслигини кўрсатди. Айниқса, одамзот табиатидаги савқитабиий ҳаракатлар, фикрлаш тарзини ўрганиш зарурати борлигини тасдиқлайди. Қиссага мурожаат қилайлик. Трамвайни Бек тўхтатиши мумкин эди, бироқ негадир Унинг онгидан ташқаридаги бир куч бунга монелик қилади. Трамвай урилгандан сўнг эса Бекнинг қўли ғайриихтиёрий равишда «вазифасини» бажаради, яъни тормозни тортади.

Мана шу «беихтиёр»лик замирида нимадир бор, бироқ инсондаги рационализмга интилиш, ҳамма нарсани онг категориялари билан баҳолашга ўрганиш оқибатида бу нарсаларнинг характерини билишга шошилмаймиз. Қолаверса, нарсалардаги хоссаларни бир қадар ўз фойдамиз томон буриб фикрлашга одатланганмиз. Мана шу эътироф этилмаган ақидага кўра Бек авария сабабчиси деб ўзини эмас, аксинча, «Волга» шофёрини ҳисоблайди.

Узоқ руҳий кечинмалардан сўнг Бек қалб ҳақиқатларини кашф эта бошлайди. Бу ҳақиқатларнинг ибтидоси ҳалолликдир. Виждон хасталигининг бошланиши ҳақиқатга салгина хиёнатдандир.

Бек ўзига бошқаларнинг, умумнинг нигоҳи билан назар солади ва улуғ ҳикматни кўради: «Нима бўлса бўлар! — деганинг гуноҳингдир. Чунки энг разил гуноҳлар ҳам ҳамма нарсадан қўл силтаган лаҳзада бошланади». Шу фикр Бек кашфиётининг ўзагидир. Бу бир томондан, эмоциялар силсиласининг тасвири, иккинчи томондан, ана шу ҳиссиётлар курашларида тобланган виждоннинг бўй кўрсатишидир.

Бек одамлар ўртасида доимий содир бўладиган яна бир жиҳатнинг мавжудлигига иқрор бўлади. Кўпчиликнинг кўзлари — Виждондир. Виждондан эса бекиниш мумкин эмас. Кўринадики, ҳамма гап энг аввало, инсоннинг ўзида мужассам. У бировга қарар экан, унда ўзини кўради. Кўнгли тоза, виждони беғубор одамларгина бошқаларга ҳам шундай нигоҳ билан қараши мумкин ва улардаги ўзига бўлган беғуборликни кўра олади. Шу зайлда одамзот сон-саноқсиз ришталар билан ўтмишдошлар ва замондошлар аро боғланган.

Қиссадаги бадиий деталларда бирламчи мазмун билан бирга бошқа рамзий образли моҳият ҳам мавжуд. «Амаки, уй, нок — учови бир-бирига суяниб амал-тақал кун кўряпти. Бирортаси қуласа — тамом, Жаннаторолдан ном-нишон қолмайди», Нега? Дарахтнинг, уйнинг, ҳатто одамнинг вақти-соати етгандан сўнг ҳалокати табиийку?! Гап шундаки, Амаки, уй, нок, трамвай депоси ҳовлисидаги яккаю-ягона салқин, ораста жой — Жаннаторол тасаввуримизда инсон ва табиат уйғунлигининг рамзи, Амаки эса имон, анъаналарга садоқатнинг мужассами сифатида ўрнашиб қолган эди-да. Фронтовик-жангчи ҳаётдаги бошқа барча орзу-ҳавасларидан воз кечиб, ота-она ҳовли-боғининг бир парчасини сақлаб қолишга эришади ва бу билан инсондаги эзгуликнинг ҳамиртурушини асраб келади. Демак, уй, нок, Амаки — халқ турмуш тарзининг, анъана ва орзуларининг бирикмаси, шунинг учун ҳам улар ўзаро қувват олиб яшайдилар.

Амаки Бек — адашган инсон тақдирининг изга тушишида ҳам ижобий роль ўйнайди, дардини сувга айтиб кўнглидаги аламли юкдан халос бўлиш йўлини ўргатади. Ҳақиқатан ҳам, Бек сувга тикилар экан, сув тиниқлашган сайин кўз олдида ўз тарихи ҳам аниқлаша боради ва лоп этиб беш сўм можароси бутун маънавий кўлами билан қалқиб чиқади.

Хулоса шуки, дарё — ўз қалбингиз, дарё тубида намоён бўлган ва Сиз билан гаплашган одам — ўз виждонингиз; виждон билан холис ва қатъий гаплашиб туриш зарурлиги — асарнинг ғояси. Қиссанинг ғоявий мотивлари шундай.

«Нигоҳ» — кўп жиҳатлари билан янги руҳдаги қисса... Дил жараёнларини тасвир марказига олиб чиқиш, улардаги ўзгаришларнинг қатламларига янада чуқурроқ киришга интилиш, мажоз ва рамзлардан фойдаланиш ва бу воситалар ёрдамида инсон қалбини фалсафий трактат даражасида изчил ўрганиш асар бадиийлигининг ўзига хос белгиларидир. Бу фактлар қайта қуриш жараёнларида Инсон омилининг ролини аниқлаштиришдек ҳамда давр қўяётган янги талаблар силсиласида Виждон категориясининг реал картинасини кўз олдимизга келтиришдек амалий аҳамиятга эгадир.

Муҳаммади ЖУМАНОВ

ФАЛОКАТ ОЁҚ ОСТИДАМИ?

МЕН АВВАЛИГА ўйладим: трамвайчи «Волга»ни туртиб юборган, енгил машинанинг юкхонаси пачоқланган — бор гап шу. Ўлим йўқ, бирор кимсага хавфли жароҳат етмаган. Йўл-йўлакай битиб кетадиган ИШ! Шу ҳодисанинг ҳам қиссалиги борми!..

Бекни тушуниш мумкин. Бироқ бу камлик қилади.

Биз — йўловчилар бекатда трамвайнинг манглайига қараймиз: нечанчи! Кабинадаги одамга парво қилмаймиз. Темир издаги машинанинг йўли манглайига ёзиб қўйилган. Уни бошқараётган одамнинг пешонасига-чи! У трамвайни ҳайдайвериб, темир машинанинг бир қисмига айланиб қолмадимикан!

Бекни ҳар ким ўзича «муносиб жазо»га лойиқ топиши мумкин. У қонун-қоидани бузди — руҳида мувозанат бузилди. Юз берган фалокатга Бек жавобгар. Биз-чи! Бир ёқда оила, бола-чақа, миянинг бир четида қўрқув, андиша; ота-она хотираси ҳам Бекка халал беради... Ўз ёғига қоврилаётган одамнинг ҳолатлари — замондошимиз суратининг ўнлаб парчалари уйғун тасвиридан бизга бир ғамгин, одамови, дарди ичичида чўкиб ётган Нигоҳ термилади.

Одатда кўчадаги фалокатли ҳодисалар жуда томошабоп. Шундай дақиқаларда ўзимиздан сўрамаймиз: биз трамвайчига қанчалик яқинмиз! Эндиликда осмондаги ой яқин бўлиб қолди, яқинимиздаги Одам эса узоқлашди. Бугун у ўйчан, турмушнинг бир маромдаги «трамвай изи»дан қатнайвериб толиққан, «чеки-чегараси йўқ пўлат излар орасига тикилади, тикилиш кўнглига уради», «аста сирғалиб чиқиб йўловчилар орасига сингиб кетгиси» келади.

Бекнинг кўнглида «кетгиси» бор. Бироқ у ўзидан бир қадар бегоналашиб «улгурган». Шу боис ўзига томон талпинади, Бекни топиб, у билан юз-хотирсиз гаплашгиси, мудроқ босаётган шуурини уйғотгиси, ўзлигини таниб олгиси келади — калаванинг учини қидиради. Топгандек бўлади: йўқ, фалокат оёқ остида эмас! Бу Бекнинг иқрори.

Қиссадан адолатли таънани уқамиз: ҳамма ўзи билан овора Бекнинг дардига ҳеч кимнинг «боши оғримайди». Яқинимиз, биродаримиз тушини эмас, ўнгини — юрак изтиробини сувга айтиб турибди. Аҳвол шундай. Йўқ, у Искандарнинг шохини кўриб қолган сартарош эмас. Дилидаги дардини эса эшитадиган одам йўқ. Бекни қуршаган социал муҳит шундай. Асарнинг қимматли томони шу аччиқ ҳақиқатнинг эътирофида деб ўйлайман.

Борлиқни билиш ўз-ўзини англаш, танишдан бошланади. Ёшлар прозасининг яхши намуналарида мана шундай қаҳрамонлар образини яратишга интилиш сезиляпти. Хуршид Дўстмуҳамедовнинг қиссаси ҳам шундай тажрибалар занжиридаги пишиқ-пухта ҳалқа бўлиши мумкин.

Ёзувчининг имконияти, қийинчилиги ҳам асарига танлаган қаҳрамон характерининг интеллектуаллиги билан изоҳланса керак. Композиция борасида айтиш мумкинки, қисса кўзда тутилган мақсадга мувофиқ структурада яратилган. Бекнинг таъсирланишидан юз берган ҳолатлар таҳлилини икки линияда кузатиш мумкин: Бек ва унинг иқрор йўли, социал муҳит ва Бекнинг ёлғизлиги. Аслида бу «йўл» эмас. Спирал шаклидаги қаҳрамон руҳи диаграммаси.

«Трамвай бехосдан тўхтади-ю ҳайдовчи кабинасининг эшиги шарақлаб ёпилди... Қозиқдан отилиб оёғи остига тушган халтасига, ундан ярми кўриниб қолган ҚОРА МУҚОВАЛИ ҚАЛИН КИТОБГА» Бек «бепарво қаради». Достоевскийнинг «Тепба»си эмасми шу китоб!! Бунинг фарқи йўқ. Бироқ яхши деталь. Бек китоб ўқийди! Умуман, интелектни санъатдан, адабиётдан ташқарида тасаввур қилиб бўлмайди. Ишончим комилки, бу энг зарур детални китобхон жуда тез унутади. «Қалин муқовали қора китоб» бошқа тилга олинмайди. Деталь ишоралигича қолиб кетган. Кўп ўринларда муаллиф китобхонга изоҳ беради: хўш, ўйланг-чи, Бек тормозни «тортишга улгурмадими ёки тортгиси келмадими!» Сўнгги икки сўз китобхон диққат қилиши керак бўлган нуқта. Гап шунда, демоқчи автор. Бу каби изоҳларнинг, алоҳида ажратиб ёзилган сўзларнинг икки хил мазмуни бор. Биринчидан, ёзувчини китобхон чалкашиб кетмаяптими, деган хавотир тарк этмайди; иккинчидан, қаҳрамон онгида кечаётган мураккаб психологик жараёнларнинг тасвири катта маҳоратни талаб қиладики, қийинчилик туғилган ўринларда Х. Дўстмуҳамедов оддий мантиқ йўлида мунозара юритади. Бундай пайтларда Бек бир қадар четда қолиб, муаллиф ўқувчи билан «жиноят ва жазо» муҳокамасига берилиб кетади, қаҳрамоннинг айни пайтдаги ҳолатини баён қилади. Бироқ қиссада дастлабки саҳифадаги каби психологик жараёнларнинг («Дераза ойнасига пашшанинг зинғиллаб урилгани эшитилди...») деталлаштирилган тиниқ тасвирлари ҳам борки, бу ўқувчида яхши умид уйғотади.

Назаримда, трамвайчи Бек характер сифатида ҳали ўзида юз берган ҳодисани туб моҳияти билан теран таҳлил этадиган интелектуал малакани касб этмаган. Шу боис у кўпроқ социал муҳитда, айрим вазиятларда ўзини тўлароқ намоён этади: масалан, оилада, Далавой, Амаки, бош инженер билан муносабатларда. Агар биз Бекнинг Ўктам билан мунозарасини унинг муаллиф аралашувида берилган руҳий ҳолат ва ўз-ўзини тафтиш этган нуқталарни қиёсласак бунга ишонч ҳосил бўлади. Ўктам билан бўлган жанжал, Амаки, уй, нок ва ҳоказолар социал муҳит билан Бек орасидаги зиддиятни бир мунча бўрттириб кўрсатишга хизмат қилган. Айниқса, Бекнинг туши ва бунинг оқибатида Давлатвойни ҳайдаб юбориши, Ўктам билан жанжаллари ўқувчида юзаки таассурот қолдиради. Яна бир томони, мана шу эпизодларда Бек жуда содда, анойи бўлиб кўринадики, бу ҳол интеллектуал характер мантиқига зид. Ҳамма бало ўша «қалин муқовали қора китоб»нинг «тўп» этиб тушган жойида қолиб кетганида эмасмикан, деган ўйга борасиз. Китоб тез-тез эслатилса ё уни Бек қўлтиқлаб юрса ўта примитив иш бўларди. Айни топилган бадиий деталнинг бир ишора вазифасинигина ўташи билан чекланганн, Бекнинг маърифати ўй-хаёлида, муносабатларда кўринмай қолгани психологик таҳлилга асосланган интеллектуал характер талқинидаги асосий заиф жиҳат.

Қиссани ўқиб чиққач, беихтиёр ўзимиздан сўраймиз: Бек бизга ким! Бекка яқинмизми — биродаримиз дардини эшитишга тайёрмизми! «Нигоҳ» қиссаси шу ҳақда ўйлантиради.

Аҳмад ОТАБОЕВ

РЕДАКЦИЯДАН:

Ёш ёзувчи Хуршид Дўстмуҳамедовнинг «Нигоҳ» қиссаси муайян тайёргарлиги бор, маърифатли ўқувчига мўлжаллаб ёзилган асар. Адиб китобхонни фаолликка, фаол фикр юритишга, ҳаётда тийрак қалб билан яшашга даъват этади.

«Нигоҳ»ни таҳлил қилган ҳар икки мунаққид ҳам асарнинг моҳиятини — автор ғоясини очишга интиладилар. Улар қиссани асосан ижобий баҳолайдилар. Аҳмад Отабоев эса танқидий мулоҳаза ҳам билдириб, «Нигоҳ»даги айрим юзаки таассурот қолдирадиган ўринларни айтади. Умуман, ҳар икки автор ҳам қиссада лоқайдлик муҳити, бундай муҳитнинг шахс тақдирига таъсири яхши кўрсатилганини таъкидлайдилар.

Х. Дўстмуҳамедовнинг «Нигоҳ» қиссаси босилиб чиққанига кўп бўлгани йўқ. Бинобарин, у ҳақда ҳали китобхонлар ҳам, танқидчилар ҳам ўз фикрларини билдирадилар. Сиз юқорида ўқиган мақолалар эса асар ҳақидаги дастлабки мулоҳазалардир.

ОКТЯБРЬ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ШАРҚШУНОСЛИК

ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти билан Бутуниттифоқ шарқшунослар ассоциациясининг Ўзбекистон бўлими биргаликда Октябрнинг 70 йиллигига бағишлаб «Улуғ Октябрь инқилоби ва Ўзбекистонда шарқшунослик фанининг тараққиёти» мавзуида юбилей илмий конференцияси ўтказди. Илмий анжуманда ЎзФА мухбир аъзоси П. Булгаков, тарих фанлари докторлари — Б. Аҳмедов, И. Ҳошимов, М. Бобохўжаев, А. Соколов, А. Ўринбоев, филология фанлари кандидатлари — А. Ирисов, М. Евқочева, У. Орипов, тарих фанлари кандидатлари — Қ. Мунипов, Д. Валиева, С. Мартинов «Совет ҳокимияти даврида Ўзбекистонда арабшунослик», «Совет Ўзбекистонида эроншуносликнинг асосий ютуқлари», «Республикада Хитой ва Шарқий Туркистон тарихини ўрганиш самаралари ҳамда галдаги вазифалар», «Ўзбекистонда ҳиндшунослик тараққиёти», «АДР тарихи, экономикаси ва маданиятини ўрганишда Ўзбекистон афғоншунослари қўлга киритган ютуқлар», «Ўзбекистонда Шарқ қўлёзмалари каталогларини тайёрлаш ва нашр этиш», «ЎзССР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалари хазинаси ва институтнинг халқаро алоқалари» мавзуларида докладлар қилдилар.

Ёзувчи Саид Аҳмад китобхонлар даврасида

Адиблар — Суннатилла Анорбоев ва Муҳаммад Хайруллаев

С. МАҲКАМОВ фотолари

Муҳаббат ТУРОБОВА

ТУШУНИШ

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги байрамидаги ўйлар.

17-йил. Инқилоб. Юртда нотинчлик.
Оғирлик — йигитлар елкасида юк.
Жудолик — оналар кўксида ҳасрат
Октябрь қуёши умидбахш — буюк.

Муқаддас кунлар, ҳа, келмайди осон,
Замирида оташ! Кураш! Ғалаба!
Ватанга кўксини қилолган қалқон —
Йигитлар — сизларга бўлсин мадҳия!

41-йил. Уруш. Юртда нотинчлик,
Осмонда юлдузмас, ўқ учган кунлар.
Яна йигитларга жанггоҳ мунтазир,
Оналар бошига ғам тоғи қулар.

Йигирма ёшида... Йўқ! Эзолмайман!
Қора хат кетма-кет эгиб келди бош.
Ватан ҳимояси — ўғлонлар бурчи
Оналар бардоши қотди—харсанг тош.

Ғалаба муқаррар ҳақиқат эди!
Халқим иродасин бука олган ким!
Юрт оғир кунларда ночор қолганда.
Йигитлар кўтарди энг оғир юкин.

Жанггоҳда қолганлар ўрнини ҳамон
Тўлдириб бўлармы, айтинг, одамлар!
Ўғил-қиз қўшсак ҳам қўша ва қўша
Сафлари тўлармы, айтинг одамлар!

Йўқ! Улар бир келиб кетди дунёга,
Зояни, Раҳимов! Тўйчи! Олегни...
Қайтадан яратиб бўлмайди зинҳор
Ҳаётда ҳар кимнинг бўлак ўрни бор.

Оналар кўксидан урушнинг доғи,
Ҳасрати ўчмаскан ҳамонки ахир,
Юраклар тубига кўмилган андуҳ
Мевасин таъмлари то ҳануз тахир.

Йигитлик бурчини ўтмоқда ўғлим.
Хаёлим бир учи унга боғланган.
Хат ёзар: Хавотир олманг, онажон...
Хотиржам бўлармы, безовта кўнглим.

Хавотир бўлмайман.
Юртимда тинчлик.
Замонам тинчликка қаттиққўл устоз.
Тинчликни кимлардир қадр этмаса,
Юракка таҳлика тушади бироз.

Шундай кез инқилоб, уруш йиллари
Яшаган оналар қисматин ўйлаб,
Хаёлан кезаман, қиёс айлайман,
Уруш ва тинчликнинг йўллари бўйлаб.

Хавотир бўлмайман. Лекин очиғи —
Инқилоб, ғалаба, тинчлик қадрини,
Айрилиқ қадрини букиб ташлаган
Оналар кўксига чўккан дардини
Мен энди англадим!
Энди тушундим...

СУҲБАТ

Нега ухламайсиз биз билан бирга?
Тун ахир хордиққа берилган бўлса.
Вақтида уйқуга ётмайсиз сира
Битмаган битарми,
тўлмаган тўлса?
Билмадим...
Ўзимча уйқудан кечиб
Бу бошдан у бошга олам кезаман.
Мен — инсон!
Бундай чоғ дунё ишига
Ўзимни дахлдор — бошлиқ сезаман.
Ҳа, чиндан, тунлари кўрмайман уйқу,
Қотиб ухлаганга ҳавас қиламан.
Билмадим,
қайлардан мендаги туйғу
Юрак тўлқинини уйғоқ биламан.
Мен қандай ухлайки, тинчликни бугун
Баъзилар омонат қуш деб тушунур,
Муштдек юрагимга тушмасми тугун
Ўша қуш йўллари нотекис эрур!
Унинг парвозига оқ йўллар тилаб,
Жонига мадад ва қанот бўлайин.
Ҳар битта қадамин юз бора алқаб,
Йўлларида жон деб нажот бўлайин.
«Нахимов», «Лермонтов»... тўқнашган кема
Менинг юрагимда чўкиб ётибди.
Кимнингдир бепарво, ғафлат уйқуси
Қанча жон бошига бало битибди.
Бу кичик гап эмас,
ахир денгизда
Юзлаб жон бедарак йўқолиб кетса.
Сиз балки тасодиф офат дейсиз-да;
Бундоқ хабар қулоғингизга етса.
Мен эса!
Мен эса карахт қотаман!
Ахир ўғлим матрос денгизда бугун!
«Нахимов»га хаёлан ўзни отаман,
«Оҳ, ўғлим соғмикин...»
пичирлаб беун.
Бутун борлиғим қулоққа айланиб,
Денгиздан хушхабар кутиб яшайман.
Хаёлим беадад — унга бойланиб
Ўзимча ҳеч кўрмаган кема ясайман...
Мен қандай ухлайки, сафларда ҳали
Ғирром, эгрикўллар бошқарса кема.
На ўзин, на ўзга ташвиши қилчалик
Қалбига ғулғула сола олмаса!
Йўқ!
Тундан илтимос,
Ёлғиз илтимос,
Мени уйқу билан чалғитма зинҳор,
Ҳаёт ва денгизнинг долғалари мос —
Тоғ-тоғ тўлқинлари, тошқинлари бор.
Оналар номидан тилагим битта:
Одамлар, тинчликни асраб қолайлик.
Бу эзгу, муқаддас ишни жаҳонда
Дадилроқ бирлашиб қўлга олайлик.
Шунда ҳам уйқуга эрк бермагаймиз,
Шунда ҳам лоқайдлик қўнмас
қонларга.
Шунда ҳам оналар, бўш
келмагаймиз —
Қувонч ва ташвишга бефарқ жонларга.

Умида АБДУАЗИМОВА

АЁЛЛАР ШЕЪРИ

Сендан сўз олмоқ бўлиб,
Сўзлатмадим, сўзладим.
Кўзларингни... кўзларингни
Тинглаб кўзим узмадим.
Сўйлайвердим, сўзлайвердим,
Ёлғон-яшиқ, худ-беҳуд,
Сени бурдли деб кўрдим,
Сўнгра ортидан бебурд.
Асли ким кимни бурдай
аташга ҳақли, аён.
Сени тинглатиб қўйиб,
Сени этдим намоён!

●

Мен ҳар куни қасам ичаман:
Энди сени кутиб юрмасман.
Хаёлингга ҳаловатимни
Қўшиб ичга ютиб юрмасман,
Нотаниш дил, санамлар билан,
Давраларда «тутиб» юрмасман.
Дилинг, тилинг билан айланиб,
Сенинг учун суюнмоқлик бас!
Ойдан кечиб, кунга бойланиб,
Сенинг учун куюнмоқлик, бас!
Ҳатто ўздан, хоҳишдан кечиб!
Сенинг учун кийинмоқлик бас,
Асал туриб, жим заҳар ичиб,
Сенинг учун тийилмоқлик бас!
Мен ҳар куни қасам ичаман,
Мен ҳар куни сендан кечаман...

●

Лаш-лушини йиғиштириб чиқди кўчага:
Қоғоз, қалам, бўёқ... сингир қаро
кечага.
«Болаликнинг кўрар кўзи, далдаси
ёлғон!»
Кароматли, айтар сўзи, ваъдаси
ёлғон!»
Хаёллари ҳавоғланди, тошлоқ
йўлларга,
Қараб қолди қалам тутган қарол
қўлларга...
Лаш-лушини йиғиштириб қайтди
изига,
Оламни сув босса чиқмас энди тизига!
Бола бўлиб бир сония яшаб кўрганди,
Шу кунни деб
ахир бир пайт,
Ёниб юрганди!

ЯШАЯПМАН

Июнда гуллаган нилуфар гуллар,
Яшагин, дейди.
Шамоллар баҳордан таратиб ифор,
Яшагин, дейди.
Ёмғирда жунжиккан кучук бола-ю
Ҳовузда ўйноқлаб юрган балиқча,
Тоғларга қадалган қизил лола-ю,
Қуллар қовуштириб кутган қайиқча
Яшагин, дейди.
Яшаяпман,
Мен учун барча
эҳсонларни қабул қилай деб.
Яшаяпман, ўзим ҳам энди
Улар учун маъқул бўлай деб!

КИМ ЧИРОЙЛИ?

— Бери кел. Рустам,
даданг чиройлими, ёки ойинглар?
— Айтмайман ростин...
Хафа бўладилар чунки ойимлар!

●

Мен қурол ясамайман.
Ишим йўқ ёй, камонда.
Қўлимга келиб тушар,
Улар душман томондан...

Ойгул МАМАТОВА

ҚАРЗИМ

(Шоира дугонамга)

«Ҳей, у шоир бўлармиди, —
Бир этак бола.
Кўргани йўргагу
Топгани бешик».
Қўйгин хафа қилма мени, дугонам,
Ўзим аҳд қилганман,
Шунчаки шеър ёзиб шоир бўлгандан
Бир фидойи она бўлганим тузук.
Аммо мақсадсиз туғмадим бирор боламни
«Туғса, туғовради-да» дема илтимос
Гоҳ қаламга,
Гоҳ боламга
Аллалар айтдим,
Билагим толса ҳам
Юрагим ёнса ҳам
Ташлаб юбормадим бирортасини
Икковини бирга бағримга босдим.
Фақат
Тенгқур шоирлар сафидан кеч қолдим бироз...
Сен илк китобинг чиқардинг
Мен-чи, бағримда
Олти йўргакни авайлаб боғладим, ечдим,
Халқим хизматига тутдим олти паҳлавон,
Олти дастиёрни карвонга қўшдим.
Мақсадсиз туғмадим бирор боламни
«Туғса туғовради-да» дема илтимос,
Асли ҳаёт шундай, табиат шундай
Ҳамма шоир, ё, ҳар ким она бўлолмас.
Сен шеър билан сўрайсан дунёни бугун
Мен эса
Олти болам юрагига олти қитъанинг
Тинчлигини, армонини, орзусини жойлайман.
Мен онаман!
Фарзандларим томирларида
Токи,
Кўкрак сутим қон бўлиб айланар экан
Мен замин бўлиб
Суйган бешигимни ўртага қўйиб
Олтовидан
Олти иқлим тақдирини сўрайман.

ТЎРТЛИКЛАР

Қора сочим, сунбул сочим, рангингни қуёш олди,
Тарайвериб, ўравериб, қўша қўлларим толди.
Тақдир экан, ёрнинг васли насиб этмади бизга
Орқамда осилиб мудом куйиб юрганинг қолди.

●

Билсанг, қанотинг эдим мен, учаётган сен эдинг,
Билсанг, паноҳинг эдим мен, яшаётган сен эдинг.
Ўз қанотингни ўзинг жаллод бўлиб кесдинг, оҳ!
Юрагимни бир мурда-ю, танамни тобут қилдинг.

●

Тикилсам ёндираман ҳар қандай тошни
Қалбимдаги оташ қуёшга яқин.
Бир лаҳза ғалабанг учун гулдираб,
Кўзларингни қисмай қўя қол, чақин.

●

Сенга келган болтага ўзимни тутдим,
Ҳаттоки, суяб қолмадинг, йиқилдим ёмон.
Бир дасталик олиб кетди шохларимдан у.
Қайтиб келмоғи аниқдур бир кун сен томон.

●

Дўстим ташлаб кетди, майли, на чора?
Устозим ташлаб кетди майли, на чора?
Ёрим ташлаб кетди майли, на чора?
Виждоним ташлаб кетмади менга шу басдур,
Бошқа кемтикнинг барига топилур чора.

Сергей БАРУЗДИН

БОШМОҚ

ҲИКОЯ

У кўчада кўпларнинг эътиборини ўзига жалб қиларди. Қадди-қомати келишган, ўрта ёшлардаги бу аёл, аввало, пардоз-андозни қуюқ қилиб, ўзига ниҳоятда зеб берганлиги учун ҳам жозибали кўринарди. Лекин катта шаҳарнинг кўчаларида пардоз-андози ундан ҳам қуюқроқ аёллар кам дейсизми? Ахир, уларнинг ҳаммасига ҳам суқланиб тикилавермайсиз-ку. Ундан эса кўз узиб бўлмасди, ҳадеб қарагинг келаверарди. Уни пардоз-андоздан бошқа ҳам жозибали кўрсатувчи, ҳатто турфа оломон ўртасида яққол намоён қилиб турувчи нимадир бор эди.

Бу нимадирни аниқлаш қийин эди, чунки у бошқаларга ўхшамаган, алоҳида ғайри-табиий бир ҳилқат эди. Фақат ўткир, кузатувчан нигоҳгина қўғирчоқдек кийинган бу аёлнинг тақдирига бахтсизлик соя ташлаб турганини англарди. Биз бахтсизликка нима учун дучор бўлганимиз сабабини ҳамиша ҳам тушунавермаймиз. Фақат бу бахтсизлик адолатсизлик эканлигинигина тан оламиз, холос. Ғамгин, ноумид тақдир... Ахир тақдир ҳамиша ё бахтли, ё бахтсиз бўлади-ку! Тўғри, баъзан на иссиқ, на совуқ бўлмаган ўртачалари ҳам учраб туради, лекин у қандай тақдир бўлиши мумкин...

Лекин ундаги ғамгинлик ва умидсизлик сабабини энг яқин ва уни кўпдан бери биладиган танишлари орасидан ҳам жуда озчилиги тушунарди. Балким, уларнинг ўзлари тушунишни исташмас. Чунки шундай қилинганда ҳаётда тинч, осойишта яшайсан. Ахир ўзингнинг ғам-ташвишларинг ошиб-тошиб ётганида, ўзинг ҳақингда ўйлашга вақтинг етмаганда, бошқа бировлар тўғрисида ўйлагани фурсат бўлармиди? Чунки ўтган фурсат сенга пул эмаски, яна қайтиб келса...

Танишлари эса аёлнинг ҳаётини тушунмасликка, тушунмасдилару, лекин унга очиқдан-очиқ ҳасад қилардилар. Ахир шунча йил чет элда, яна аллақайси шаҳарда эмас, Парижнинг нақ ўзида яшади. Хўш, эридан ажралган бўлса нима бўлибди, у ердан қанча бойиб қайтиб келди. Яна эри квартирасини бус-бутунлигича унга ташлаб кетган, ундан ҳатто бирорта нарса ҳам олмаган бўлса. Бундай ҳасадгўйлар жуда кўп эди.

У ҳақиқатан ҳам Парижда етти йил яшади. Лекин ўзи Москвада туғилди, ўсди, шу ерда таълим олди. Отаси фанга ўзига яраша хизмати сингган, одамлар ўртасида ҳам ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган, оиласи учун етарли моддий маблағ жамғаролган киши эди. Онаси педагогика институтини тугатган бўлса-да ўқитувчи бўлиб ишлашга улгурмади. Гарчи, унинг ота-онаси пойтахтдан қирқ километр четдаги кичкина қишлоқда яшовчи оми одамлар бўлсалар-да, гўзал кенжатой қизчалари уруш давригача қишлоқда ғоят ҳурматли ва эътиборли касб эгаси ҳисобланган муаллима бўлишини орзу қилгандилар. Бироқ у учинчи курсдаёқ эрга тегди, ўқишни тугатаётганда қизча кўрди. Институт диплом эса шу тариқа ёзув столи тортмасида қолиб кетди. Унга қувонч, ҳақиқий, ҳузур-ҳаловат ва шодлик бағишлайдиган, ҳаво каби зарур бўлган ягона иш — эри ҳамда қизининг ташвишлари эди. У эри ва қизини жонидан ортиқ севар, шунинг учун уларга гард юқтирмасликка ҳаракат қиларди. Тўғри, унинг яна бир кўнгил истаги бор эди — у хитой чинниларини йиғарди. Бу ашаддий ишқибозлик унда қандай пайдо бўлган, қайси аждодидан мерос бўлиб қолган — билиб бўлмасди.

Хитой чинниларини у ўша даврда ниҳоятда кўп бўладиган ва айни пайтда, нархи сариқ чақага ҳам арзимайдиган арзонлаштирилган моллар магазинидан сотиб оларди. Деярли ҳар куни эрталаб, эри ва қизини жўнатгач, у гўё бугун омад кулиб боқадигандек ўзи танлаган доимий маршрут бўйлаб чопарди, бир магазиндан иккинчисига шамолдек еларди. Сотувчилар ҳам уни яхши таниб қолишганди, у остонада пайдо бўлиши билан янги келган хитой чинниларини жимгина пештахта устига қўйишарди. У пештахта устида ўзи орзу қилган нарсани кўрса, кўзлари қувончдан чақнаб кетар, юзларига табассум ёйиларди Уни сотиб олгач эса, терисига сиғмай қувонарди — ўзини катта ишни амалга оширган, ҳаётида кечган бир кунни ғоят бахтли ўтказган инсон, деб ҳисобларди. У эрига ҳалақит бермасди, эри ҳам унинг бу ишига ҳалал қилмасди — аксинча, кўкимтир-зангор рангли, баъзан эса ажиб сирли нур таратадиган вазалар, стаканлар, қутилар, кулдонлар ва финжонлар, ғалати жилваланадиган катта тарелкалар квартирага шинамлик ва гўзаллик бағишларди. Бу уйга келган меҳмонлар ҳар хил нарсаларга тикилавермасликка, улардан ҳаяжонга тушмасликка қанчалар уринмасин, барибир ҳайратларини яширолмасдилар.

У мана шундай чиннилар тўла квартирада вояга етди. Онасининг истагига мувофиқ Шарқнинг сеҳрли дунёсига кўмилиб яшаш мақсадида ҳамда унинг қалбидаги амалга ошмай қолган яширин орзуларини ушалтириш учун Шарқ тиллари институтида ўқиди. «Хитой тили» мутахассислиги бўйича диплом олганидан ярим йил кейин у университет кутубхонасида танишиб қолган, кўпчилик иқтидорли, келажаги порлоқ деб ҳисоблаган иқтисод факультетининг битирувчисига турмушга чиқди. Эрига чет элда ишлашни таклиф этишди. Онаси эса, балким унга шундай туюлгандир, бу никоҳга дил-дилдан рози эмас эди. Ўшанда у уйдагиларга ўзининг турмушга чиқаётганлиги ҳақидаги қарорини айтганда, волидаси қизининг келажак тақдирини оналик туйғуси билан олдиндан сездими, фақатгина бир оғиз сўз айтди:

— Қизим, ўйлаб кўргин, балким, Юрий билан турмуш қурганинг яхши бўлар...

Ҳа, унинг айни пайтда Юрий деган йигит билан ҳам алоқаси бор эди. Бироқ Юрий унга турмуш қуриш тўғрисида таклиф қилмаганди. Бу ёқда эса иқтисод факультетининг битирувчиси унга гўзал ҳаёт, бахтли турмуш ваъда этарди. Ниҳоят, унинг ўзи ҳам «Юрийни қанчалик ёқтирмайин, мен уни севаман», деган қарорга келди.

ЭРИНИ САВДО-СОТИҚ идорасига ишга тайинлашди. Кўп ўтмай ўғли туғилди. Шунда у ҳеч нарсани ўйлаб ўтирмай, табиий равишда, ҳаётида онасининг тақдирини бошқача тарзда такрорлай бошлади. Ўзини бутунлай унутган куйи ҳаётини эри ва ўғлига бағишлади. Унинг учун ҳаётининг асосий моҳияти эри ва ўғлининг ташвишлари бўлиб қолди. Нимаики яхшиликлари бўлса, аввал уларга бўлсин, ўзимга эса кейин бир гап бўлар, деб ўйларди у. У онасининг турмушини ўзи учун намуна деб билар, эрининг ютуғи, оиланинг тинчи, демак, бу менинг бахтим, деб фикр юритарди. Шунинг учун у оилага гард ҳам юқтирмасликка интилди, хонадонга зиён етказадиган ҳар қандай бало қазоларга эса ўзини қалқон этди, эрини уй билан боғлиқ барча ташвишлардан халос қилди, ҳатто эркаклар бажариши керак бўлган ишларни ҳам ўз зиммасига олди.

У хитой чинниларини кўришга тоқати йўқ эди. Бироқ бошқа нарсага — чиройли буюмлар сотиб олишга ишқибоз эди. Бу буюмларни у фақат фойдаланиш ёки кийиб юриш учунгина эмас, балки кейинчалик бўш вақтларида томоша қилиш, бировларга кўз-кўз этиш, ҳаётида ўтган яхши кунлардан хотира сифатида эслаш учун ҳам сотиб оларди. Чунки бу буюмлар унинг осойишта, бахтли ҳаётининг муҳим босқичларига айланиб қолганди. У ғоятда юксак дидли, ҳар қандай нарсалар орасидан ҳам энг яхши ва чиройлиларини танлай оларди.

Эри пул борасида хасислик қилмас, унинг пулни қанча ва нима учун сарфлаганини сўраб ўтирмас — бу унга гўё аҳамиятсиздек эди. Шунинг учун аёл ўзининг жиндай бўш вақтини ҳам энг яхши магазинларда ўтказарди.

Айниқса, бошмоқ сотиб олиш жон-дили эди. Узун, чиройли ва бежирим оёқларига эринмасдан бошмоқ танлар, кейин уни ҳафсала билан кийиб кўрар, оёқларини турли муқомга соларди. Бундан ўзи ғоят лаззатланар, лекин буни кўпроқ атрофдагиларга кўз-кўз этиш учун қиларди. Ўша йиллар ҳар қандай оёқни ҳам бежирим кўрсатадиган машҳур бигиз пошнали бошмоқлар мода эди. У шундай қилиб, битта-биттадан шунчалар кўп бошмоқ сотиб олдики, булар бир қанча аёлларнинг оёқларига албатта зеб берган бўларди.

Ўғли ҳам вақт ўтиб анча улғайди, шунда у тўсатдан эрида қандайдир ўзгариш пайдо бўлганлигини сезиб қолди. Лекин бу нима — қандай ўзгариш эканлигини билолмади. Тўғри, эри ишдан уйига вақтида қайтар, одатдагидек самимий ва меҳрибон эди. Бироқ у бепарво эди, худди айбдордай хотинидан кўзларини олиб қочар, самимийлик ва меҳрибонлиги остида ҳам яширин бир мажбурият сезилиб турарди. Четдан қараганда, ҳеч нарса бўлмагандек эдию аммо ҳаммаси ўзгарганди — унинг атрофга, шовқин-суронга, ёмғирга, кундалик турмушга муносабати ҳам, овози, хатти-ҳаракати, ҳатто кийиниши ҳам бошқача бўлиб қолганди.

У аёлларга хос идрок билан эрининг ҳаётида бошқа бир аёл пайдо бўлганлигини сезди. У таниш ва нотаниш хизматчи аёлларнинг ҳаммасини бир-бир кўз ўнгидан ўтказиб чиқса-да, бу аёл ким эканлигини билолмади. У шунда эрини узоқ вақт турли давраларда зимдан кузатди, телефондаги гапларига қулоқ тутиб юрди, барча мактубларни яширин равишда ўқиди, кўп марта кийимларини ҳидлаб кўрди ва яқин атрофдаги ҳеч бир хотин билан алоқасини сезмагач, демак, у бошқа жойдан экан, деган қарорга келди.

Бир куни у эрининг қўйин дафтарини олди-ю... — ажаб, нега бу дафтарни ўқиб кўришни аввал ўйламаган экан — аламдан донг қотиб қолди, ўзининг осойишта, гўзал ҳаёти барҳам топганлигини англади. У ўша даҳшатли адресни топган эди.

У эрига ҳеч нарса демадию, бироқ уни отпускаси пайтида Москвага қайтишга шошилтирди. У шу билан ҳаётига, турмушга раҳна солиб турган даҳшатга тезроқ барҳам бермоқчи эди.

Эри, табиийки, ҳеч нарсага тушунмади, ҳар галдагидек хотинига ён босди ва улар Москвага учиб келишди. Шереметово аэропортида юкларни олиш учун кутиб туришганда унинг сабри чидамади:

— Нима, сенинг бошқа хотин билан ҳам алоқанг борми?

Севикли эрининг юзида ҳайрат ҳам, нафрат ҳам сезилмади.

— Ҳа. Мен кўп ва узоқ ўйладим. Ажралишганимиз маъқулга ўхшайди.

Бу жавобдан хотини донг қотиб қолди. Гўё устидан бутун олам босиб тушаётгандай бўлди. Гавдаси муаллақ бўлиб қолгандай, қалби эса ҳиссиз-гўё бир тошга айлангандек эди.

Кўпдан бери тайёрлаб келгани, аммо эндиликда ҳеч бир аҳамияти қолмаган савол оғзидан беихтиёр чиқди:

— Ким у?

— Конструкторлик бюросида чизмакаш.

...Мана, у шаҳар кўчаларидан арзонлаштирилган моллар магазинига бормоқда. Эри билан ажрашганидан кейин у ўз дидини ҳам ўзгартирди: гўё ниманидир қувиб етмоқчи, ниманидир орқасига қайтармоқчидек ҳар хил атир-упалар, бўёқлар билан ўзига кўп зеб берадиган бўлди. Сумкасида эса бир неча жуфт бежирим бошмоқлар...

Кейинги пайтлар уни кўп нарсалар қийнай бошлади. Шкафни очиши билан Парижнинг энг олди магазинларидан сотиб олинган ўша чиройли ва севимли буюмлар ўзи тушуниб етмай йўқотган бахтли турмушини эсга солиб, қалбида англанмас оғриқ уйғотарди. Уларни қўлга олган сайин ғамига-ғам қўшиларди. Айниқса, оёқ кийимлар — эри ва ўғлининг ташвишларидан ортиб кия олмаган янги бошмоқлари дардини янада янгиларди. Шунда у бу бошмоқларни йўқотмоқчи бўлди. Эҳтимол, ўшанда тинчроқ яшарман, деб ўйлади.

Қардошлик тазкираси

У шаҳар кўчаларидан борар экан, хотирасида навбатдаги магазиндан чиройли бошмоқ сотиб олиб, эрига мақтанганида унинг бепарволик билан берган саволи акс-садодек такрорланарди:

— Бунча бошмоқларни нима қиласан? Ахир сен уларни барибир киймайсан-ку?

Бир неча йиллардан бери хотирасига ором бермай келаётган бу саволнинг ўшанда яширин хавфдан огоҳлантириш эканлигини тушунмаган эди.

Эндиликда эса мактабни битириб, чекка шаҳарлардан бирига ўқиш ва ишлаш учун кетган, у ердан туриб бахтлиман дея хатлар йўллаётган ўғлини ҳам тушунмасди.

У ҳозиргача онаси — қизининг оиласи бузилганлигини кўтара олмай ўша йили вафот этган ва ўлими олдидан ягона фарзандидан коллекциясини сақлашни сўнгги бор илтимос қилган — оддий деҳқон қизи эндиликда бурчакларда бир энлик чанг босиб ётган хитой чинниларига нега бунчалик ишқибоз бўлганлиги сабабини ҳам англаб етолмасди.

Энг асосийси, у эрининг қандай қилиб ўзидан — кўпчиликнинг назарида бўлган, дид-фаросат билан кийинадиган, турмуш ўртоғи олдида ўзлигини намоён қила олган садоқатли аёлдан — рамақижон, камсуқум ва енгил табиат овсар хотинни устун қўйиб, у билан етаклашиб кетганлигини ҳеч тушуна олмасди.

Бироқ шуниси ҳам борки, инсонда муҳаббат ва нафратнинг пайдо бўлиш қонунларининг моҳиятини ким, қачон тушунтириб бера оларди? Умуман, тушунтириб ўтириш зарурати борми? Эҳтимол, ҳаёт бизга аслида уни янада мукаммал ўрганишимиз, моҳиятини чуқурроқ англаб етишимиз учун берилгандир?..

АРЗОНЛАШТИРИЛГАН моллар магазинида ишлайдиган буюмларни қабул қилувчи бақалоқ аёл стол устида думалаб ётган бир тўда бежирим, лекин даври ўтган чиройли бошмоқларни кўрганда, каловланиб қолди:

— Булар аллақачон модадан чиққан. Уларни ҳеч ким сотиб олмайди. Нима учун сиз уларни ўша пайтлари киймагансиз?

Ҳамма нарсага ўзини қодир деб ўйлайдиган бу аёлнинг яна омади чопмади. У бундай ёмон аҳволга ҳеч тушмаганди.

— Ҳа, ўша пайтда анча ҳаракат қилдим, лекин имкони бўлмаганди...

У қалтироқ қўллари билан бошмоқларни сумкага қайта сола бошлади. Чиқиш йўлагига яқинлашганда уни диққат билан кузатиб турган, кўзлари ғамгин боқувчи ўрта ёшлардаги ўзидек офатижон аёл навбатда турганлар қаторидан чиқиб келди.

— Кечирасиз, агар мумкин бўлса, мен бир жуфтини сотиб олмоқчи эдим. У мен учун хотира бўлиб қолишини истардим...

Магазин эшиги улар орқасидан шарақлаб ёпилди.

К. МАТЁҚУБОВ таржимаси

Усмон АЗИМОВ

АҚЛ ВА ЗАКОВАТ—МУРОСАМИ?

Ҳурматли Умарали Норматов!

Бизнинг адабиётимизда шоир мунаққиднинг чиқишларига жавоб бериши, баҳсга киришуви, борингки, ўзини ҳимоя қилиши одат тусига кирган эмас. Айниқса, матбуотда бундай чиқиш камида «танқидга чидай олмабди» тахлитида баҳоланади. Шунинг учун ҳам адибларимизнинг кўпчилиги «карвон ўтаверади...» қабилида иш тутадилар, баъзи қизиққонлари эса Ёзувчилар союзидаги бирор-бир мажлисда дардларини тўкиб олиш билангина чекланадилар.

Мен Сизнинг «Ақл ва заковат иши»(«Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1987, 25 сентябрь) деб номланган мақолангизни ўқиганимдан кейин бундай одатни бузмоқ лозимлигини ҳис қилдим. Нима учун? Менинг ва танқидчи Иброҳим Ҳаққуловнинг «Замон ва виждон эрки»(«Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1987, 21 август) мақоламиз юзасидан айтган фикрларингиз менга оғир ботгани учунми? Оғир ботмади десам, ёлғон гапирган бўламан. Аммо гап фақат бу ҳақда эмас. Гап Сизнинг бугун адабиётда рўй бераётган жараёнларни изоҳлашда, юмшоқроқ айтганда, бир ёқлама йўл тутганингиз, ёзувчи ижоди ва шахсини баҳолашда виждон кўзини маҳкам юмиб олишга чақиришингиз, эзгулик ва ҳаром-ҳаришликни келиштириш йўлидаги ажабтовур ҳаракатларингиздадир.

Келинг, гапни бошидан бошлайлик.

Сиз адабиётчи сифатида ҳар бир мақоланинг ўз олдига қўйган мақсади бўлишини яхши биласиз. Бизнинг суҳбатимиз ҳам бундан мустасно эмас. Биз адабиётимиз эртага қадам қўйиши учун кеча йўл қўйган хатоларимизни чуқурроқ англашимиз лозим деб ўйладик. Шунинг учун ҳам уларни хаспўшламасдан ҳамкасбларимиз муҳокамасига қўймоқчи бўлдик. Бу—адабиётимиздаги илғор йўналишни рад этиш, Сиз айтгандек, «ёзувчиларни бир-бирига қарши қўйиш» йўлида эмас, балки ҳозирги покланиш даври хатоларни англаш жараёни билан чамбарчас боғлиқ эканини ҳис эта бошлаганимиздан эди. Бу—адабиётимиздаги баъзи «минг бир юзли одамларнинг» қўллари билан қазилган мудҳиш ўпқонларга адабиётимиз эшигини қоқаётган тажрибасиз юраклар тушиб қолмасмикан деган хавотирнинг акс-садоси эди. Қолаверса, ҳар бир инсон юраги каби адабиёт ҳам, ўз вужудидаги иллатларни аниқ кўра олганида, уни даволаш йўлидаги азоб-укубатни бошдан кечира олган онидагина истиқбол сари боришга куч-қудрат, шижоат топади, ҳақиқат ва эркнинг шаън йўлига чиқиб олади деган хаёлга борган эдик.

Суҳбатимиз мавзуи шундан иборат эди.

Сиз, тажрибали танқидчи, адабиётимиз ютуқлари ҳақида керагидан ортиқроқ гапирилганини, қолаверса, бу ютуқлар алоҳида суҳбат мавзуи бўлишини дарҳол англамаганингиз мени ажаблантирди.

Энди мақолангизга қайтамиз.

Сиз «Одам боласи ўзи қилган ножўя ишлар, виждонсизликлар, гуноҳлар учун эртами-кечми эл-юрт, тарих олдида албатта жавоб беради», дейсиз. Қандай тўғри гап! Биз мақоламизда адабиётимизда худди шундай «ножўя ишлар» билан банд бўлган одамларнинг коллектив башарасини кўрсатишга ҳаракат қилдик. Кечаги «гуноҳ»ларнинг дунёга келиш жараёнини, бу жараённинг ички анатомиясини баҳоли қудрат текширмоқчи бўлдик. Қаранг, биз шу ўринда ҳамфикр ҳам эканмиз!

Аммо Сиз сал ўтмасдан ўзингизга ўзингиз қарши бориб, «хом-сут эмган банда»ларни ҳимоя қила бошлайсиз. «Эл-юрт, тарих олдида жавоб бериш»нинг нима кераги бор, уларни кечириш керак, ахир қандай қийналиб кетди бечоралар, дейди Сизнинг мантиқингиз. Начора, гуноҳкорларни ташвишга солиб қўядиган замон келди. Сиз бирдан ҳамма нарсани унутишни таклиф қиласиз. Қаҳрамонлар нопок чиққан бўлса, шўрлик ёзувчида нима айб, дейсиз. Нопоклик билан покликни, ёлғон билан ҳақиқатни, ялтоқилик билан мардоналикни фарқлай билиш ёзувчининг энг биринчи фазилати эканлигини унутасиз. Шароф Рашидов ҳақидаги ҳақиқатни Абдулла Қаҳҳор кундалигига 1965 йилда ёзган экан. Наҳотки, бир гуруҳ ёзувчиларимиз бугунги кунда республикамиз юзини шувут қилиб турган «гуноҳ»ларни ҳеч сезмаган бўлсалар. Сезган эдилар! Аммо шон-шуҳратни, шахсий манфаатни улар халқ шўришини айтишдан кўра маъқулроқ кўрдилар. Мукофотлар, орденлар олиш учун фақат бир йўл — хушомад йўлигина очиқ қолганлигини тушуниб етгандилар. Уларни бу йўлга ғўрлик, тажрибасизлик эмас, балки аниқ ҳисоб-китоб, эл-юрт ғам-ташвишини писанд қилмаслик бошлаб кирган эди. Натижада, бу одамлар учун ҳақиқатни зўрлаш одатдаги ўйинга айланиб қолди. Кимларга, қандай китобларга мукофот бермадик, кўкларга кўтариб мақтамадик. 50 ёшли одамлар ҳар қандай низомни бузиб комсомол мукофотини талашиб-тортишиб олишдан уялмадилар. Ёзувчининг обрўйи хушомад қилиш санъатини қанча эгаллаганлиги билан боғлиқ бўлиб қолди. Сиз, кўп мурожаат қиладиган Чингиз Айтматов ўша пайтлар ҳақида ёзади: «Рус адабиётида ҳам, бошқа адабиётларда ҳам, нимадир тўхтаб қолди, тормозланди... «Сўз — Оллоҳ», деган қудратли формула мазмунини йўқотди». Буларнинг ҳаммасини унутиш керакми? Буни ёлғоннависликдан бошқа нима деб аташ мумкин? «Ножўя ишлар»ни бор бўйи билан кўрсатиш, ўша Сиз санаган ҳақиқий адибларимиз асарларига баҳо беришнинг бир қисми, партия ҳужжатларида «рашидовчилик» деб номланган мудҳиш кунларга бурилиб қарашга бўлган имкониятдан фойдаланишдир. Сиз айтган «кечириш» масаласига келсак, бу Союзнинг ҳам, адибларимизнинг ҳам ихтиёридан ташқарида. Ўзининг номига доғ туширган ҳар бир кимса покланишни қилмишларини унутиш йўлидан бориб эмас, балки виждон олдида тавба-тазарруъ қилишдан бошламоғи зарур.

Чунки у одамлар митти тахтчаларда даврон сураётган бир пайтда, «олти миллион учун курашаётган» элнинг фарзандлари пахтазорда тентираб юрардилар, жигари шишган гўдакларни касалхоналар қабул қилиб улгура олмасди, самолётлар заҳарли дори пуркаб далалар узра чарх урардилар, катта-катта раҳбарлар бемалол порахўрлик қиларди... Ўша «хом сут эмган бандалар»нинг қайси асарида булар акс этди? Бу «заҳматкаш халқ руҳига беписанд қараш»нинг ўзи эмасмиди?

Ҳа, энди замон шунақа эди, дерсиз.

Йўқ, бошқача ёзибсиз: «Эътиқоди бутун, диёнатли одам ҳар қандай вазиятда ҳам виждонига содиқ қолади». Демак, юқорида сўз юритаётганимиз — виждонидан кечган кимсалар эътиқодсиз, диёнатсиз одамлар экан-да. Яна қайтариб сўрайман: уларнинг қилмишини энди ҳам унутиш керакми?

Ахир, принциплари учун адабиёт ишини — виждон иши деб қараган ёзувчиларимиз қандай балоларга дуч келишмаган. Ўша Сиз номини тилга олганингиз ёзувчилар тақдирини кўз олдингизга келтиринг. Андрей Платонов 20 йил фаррош бўлиб кўча супурди. Марина Цветаева ночорликдан ва бошпанасизликдан ўз жонига қасд қилди. Анна Ахматова ва Михаил Зошченко ҳақида таҳқиромуз қарорлар ўзбек мактабларида кеча кунгача ўқитиларди. Борис Пастернакни совуққонлик билан Ёзувчилар союзидан ҳайдашди. Михаил Булгаков 1930 йилдан сўнг бир сатрни ҳам эълон қилишга эриша олмади.

Мана, Булгаковнинг «Новий мир» журналида чоп этилган аризасидан парча:

«...Мен СССР ҳукуматидан СССР чегарасини тезлик билан тарк этиш ҳақида буйруқ беришларини сўрайман».

Бу ўз халқидан ажратиб қўйилган ёзувчининг тазйиққа қарши сўнгги жанги эди.

Яна кимнинг тақдирини эслаймиз?.. Твардовскийнинг тақдиринимиз? Шукшиннимиз? Абдулла Қаҳҳорнимиз?..

Сиз оқлашга ҳаракат қилаётган кимсалар эса, адабиёт баҳоси умр, қисмат баҳосига тенг эканлигини ўйлаб ҳам кўрмаганлар.

Ҳурматли Умарали ака!

«Хом сут эмган бандалар»нинг бошини силаш Сизга нима учун керак бўлиб қолди? Сиз нега бирдан кечириш тарафдори бўлиб қолдингиз? Мен ўйлайманки, бу ҳаракатларингиз тасодиф эмас, Сиз кўп нарсаларнинг унутилишини жуда-жуда истайсиз. Мақолангизда «адабиётимиз довруғини Иттифоқ, жаҳон миқёсига олиб чиққан асарлар» ҳақида жумла бор, эслаб кўринг, бу жумлани Сиз қачонлардир қандай роҳат қилиб ишлатган эдингиз... Йўқ, бу жумла сал бошқачароқ: «Роман фақат ёзувчининг ижодида эмас, умуман, совет адабиётида муҳим воқеа бўлди» шаклида экан. Сиз мақтаётган роман ҳақида эса Абдулла Қаҳҳор адабиётимиздаги энг қисқа тақризлардан бирини ёзган эди: «Бу асарни дўппимни ҳидлаб-ҳидлаб ўқиб чиқдим». Эслаяпсизми? Гап Шароф Рашидовнинг «Ғолиблар» романига ёзилган мақолангиз ҳақида кетяпти.

Мана, ҳамду саноларингиздан парчалар:

«Роман воқеалари юз берган майдон гўёки бир бўстон...»; «Ёзувчи уруш туфайли қаҳрамонлар бошига тушган мусибат-изтиробларини зўр маҳорат билан тасвирлайди»; «Асарда ўзбек халқининг янгича ҳаёт тарзи, сахий қалби катта самимият билан тилга олинган...»

Бу мисолларни далил-исбот талаб қилишингизни билганим учун ҳам келтирдим. «Такаббурлик билан, далил, исботсиз, бировни танқид қилиш» ёмон-да. Сизни куйиб-пишиб «Хатоларни юзга солишлар... — ёзувчи, танқидчи, умуман маданиятли одам номига номуносиб» эканлигини уқтиришингиз энди менга тушунарли. Чунки ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолса, Сизга жуда қулай бўлади.

Сиз такаббурлик ҳақида ҳам писанда қилгансиз. Ёлғон ва юзаки асарларни кўкка кўтариш, ҳақиқий адабиёт намунаси сифатида таҳлилу тадқиқ этишдан ортиқроқ такаббурлик бўлиши мумкинми? Бу ҳақда ўйлагингиз келмадими?

Яна бир гап. Юқоридаги мақолангизни ўч олиш учун эслаётганим йўқ. Сизнинг фикрлаш мантиқингизга эргашиб, мен бу гапларни ёзишга мажбур бўляпман.

Назаримда, бизнинг суҳбатимиздаги кўп ўринларни эътиборсизлик билан ўқигандайсиз, чалкаштиргандайсиз. Биз Ҳусниддин Шариповнинг «Сайланма»си дўконларда туриб қолганини айтиб ўтганмиз. Китобнинг дўконларда туриб қолишида ҳамиша иккита сабаб бўлади. Биринчиси, И. Ҳаққулов айтганидек, «китобхоннинг эҳтиёжига жавоб бермаслик». Иккинчиси, китоб жуда юксак савияда ёзилиб, ўқувчидан тушуниб етиши учун муайян тайёргарлик, вақт талаб қилинганда. Бу ўринда китобнинг «ётиб қолиш» сабабини четдан изламасдан, айнан китобнинг ўзидан ахтарилса, тўғри бўлар эди. Бир талай китоблар дўконларда сотилмай қолиб кетаётганини қайд этиш «акалар» билан «шундай оҳангларда» гаплашиш эмас. Биз адабиётимизда рўй бераётган воқеаларга реал баҳо беришни ўрганмас эканмиз, рўйхатбозликка(бу сўзни «хушомадгўйликка» деб ҳам ўқишингиз мумкин — ҳеч нарса ўзгармайди) қайтишга даъват қилар эканмиз, укалардан эмас, фарзандлардан дакки эшитишимиз ҳам ҳеч гап эмас.

Сиз яна ёзасиз: «Шу кунларда қўлма-қўл бўлиб юрган кўп асарлар эртага ҳам иштиёқ билан ўқилишига ҳеч ким кафолат бера олмайди». Мана шу фикрингиз, рости, менга жуда ғалаţи бўлиб туюлди. Нега? Биринчидан, бу жумлада адабиётни тушунишингиз, адабиётга қарашингиз акс этиб турган бўлса, иккинчидан, адабиётнинг асосий вазифаси абадият иши эканлигини ўйлаб ҳам кўрмаганлигингиз. Р. Тагор ёзади: «Абадий инсон қалбида абадий тирик қолишга интилувчи нарса бошқаю, бугунги интилишларимиз, бугун зарур бўлган нарса бутунлай бошқа... Адабиётда инсон учун энг қимматли нарса ана шу абадийликка интилишдир». Адабиёт аслида ўқувчига кафолат берибгина китоблар тақдим қилади. Акс ҳолда уни атайлаб алдаган бўлиб чиқади. Кафолат бера олмаслик — адабиётда асарларнинг бадиий-ғоявий фазилатларини белгиловчи мезонлар пасайиб кетганлигидан далолат берувчи, огоҳлантирувчи фактдир. Ахир, кечагина Ш. Рашидовнинг китобларини Сиз каби мунаққидлар юксакликнинг чўққиси сифатида қабул қилиб, оламга жар солиб турганларида бу кафолатни ким ҳам бера оларди?

Ҳурматли Умарали Норматов!

Адабиёт — ҳалоллик эканлигини яхши биласиз. Келинг, адабиёт ҳақида гаплашаётганимизда аввал қўлимизни яхшилаб ювиб олайлик. Ўшанда қўлимиз теккан жойда доғ қолмайди, кечирим сўрашнинг ҳам ҳожати бўлмайди. Укалар ва фарзандларнинг таъналаридан ҳам чўчимай яшайверамиз.

ОЧИҚ ХАТ

ХАТГА ЖАВОБ

ЙЎҚ,—АДОЛАТ, ҲАҚИҚАТ ЙЎЛИ

Умарали НОРМАТОВ

Муҳтарам Усмон Азимов!

Мен Сизнинг хатингиз билан танишганда эҳтиросга ортиқча берилиб кетиб мулоҳазакорлик, диалектик тафаккурдан чекиниш албатта бирёқламаликка, янги-янги хатолар, хилма-хил англашилмовчиликлар, адолатсизликлар учун йўл очишига яна бир карра амин бўлдим. Хат менинг «Ақл ва заковат иши» мақолам муносабати билан ёзилибди. Ўша мақолада йўл-йўлакай Сизнинг танқидчи И. Ҳаққулов билан суҳбатингиздаги (умуман суҳбат ижобий баҳолангани ҳолда) айрим мунозарали, мен учун бирёқлама туюлган жиҳатларига муносабат билдирилган эди. Сиз, негадир, мақоладаги жамики танқидий мулоҳазаларни ўша суҳбатга дахлдор деб билибсиз, танқидни ўзингизга қаттиқ олибсиз. Мақола асло сизларнинг суҳбатингизга тақриз эмас эди. Мен ҳам сизларга эргашиб гоҳо ортиқча эҳтиросга берилиб кескинроқ гаплар айтиб юборганимни, бу Сиздек нозиктабъ шоир одамга оғир ботганини сезиб турибман. Хатингизга жавоб ёзиб яна дилингизга озор етказишни, очиғи, бошда хоҳламаган эдим. Аммо хатнинг руҳи, ундаги кўп гаплар қўлимга қалам олишга мажбур этди, хатни жавобсиз қолдириш — масъулиятдан бўйин товлаш бўлиб туюлди менга. Начора, адабиёт, танқид иши — ижтимоий иш, баъзан дилингга яқин одам — Сиздек истеъдодли, адабиётимиз учун фаол, ҳалол хизмат қилаётган ҳақгўй шоир билан ҳам баҳслашишга мажбур бўлар экансан.

«Ақл ва заковат иши»да ҳозирги қайта қуриш, покланиш даври адабий ҳаётининг баъзи мураккаб, чигал муаммолари, хусусан, адабиётимизнинг яқин ўтмишини баҳолаш масалалари устида гап боради. Мақолада бу борада мен тутган йўл — ақл ва заковатга даъват Сизга бирёқламалик, «ёзувчи ижоди ва шахсини баҳолашда виждон кўзини маҳкам юмиб олишга чақириш», «эзгулик ва ҳаром-ҳаришликни келиштириш йўлидаги ажабтовур ҳаракат» бўлиб туюлибди. Аслида шундайми? Мақола бошдан-оёқ адабиётимизда кейинги ўн йилликлар давомида юз берган камчиликларни, ҳаёт ҳақиқатидан чекиниш ҳолларини хаспўшлаш, эзгулик билан нопокликни келиштириш эмас, балки ҳақиқатга тик қараш, адабий жараённи бутун мураккаблиги, мусбат ва манфий томонлари билан теран идрок этишга, диалектик мушоҳадага, адабиёт ривожига, адиб ижодига хос етакчи жиҳатлар билан ўткинчи нарсаларни фарқ қилишга дўстона бир даъват руҳида ёзилган, унда ортиқча эҳтиросларга берилмай, беҳуда қизишмай, ҳамкасблар шаънини ерга урадиган ҳақоратомуз таъна-дашномлар, умумий тарздаги далил-исботсиз танқид ўрнига ақл-идрокни ишга солиб, мураккаб адабий муаммоларни ҳамжиҳатлик билан илмий-ижодий одилона ҳал этиш — ҳаммамизнинг бурчимиз эканлиги айтилган эди.

Сиз ҳақгўй шоир сифатида наҳотки мақолада келтирилган адабиётимизнинг яқин ўтмиши хусусида «давр виждони бўлишга даъват этилган адабиётда республикамизнинг хўжалик ва маънавий ҳаётидаги салбий ҳодисалар ҳеч бир тарзда ўз ифодасини топмади» қабилидаги бирёқлама, ҳақиқатга зид, таҳқиромуз гапларга бефарқ қарасангиз? Наҳотки, адабиётимиз жонкуяри сифатида Сизни адабий анжуманлардаги профессионал баҳс-мунозаралар бу ёқда қолиб, ҳеч тап тортмай беҳаёлик билан ҳамкасблар шаъни, нафсониятини ерга уришлар, бир-бирини «истеъдодсизлик»да айблашлар, нуқул эски хатоларни юзга солишлар ташвишга солмаса?! Бунақа машмашалар жонга тегди-ку!

Энди хато қилган адибларга муносабат масаласига келайлик. Менинг бу ҳақдаги мулоҳазаларимни бундай шахсларнинг гуноҳларини бутунлай кечириш, «бирдан ҳамма нарсани унутишни таклиф қилиш», деб билибсиз. Йўқ, мақолада масала бошқача қўйилган — адолатли танқид қилинган, хатосини виждонан тан олган, тўғри йўлга тушиб олган адибларга инсоний муносабат, кўмак зарурлиги айтилган. Икки ёзувчининг аччиқ қисмати бу борада жиддийроқ ўйлашга ундайди. Улар бир вақтлар битган асарларининг қаҳрамонлари ва уларнинг прототиплари кейинчалик нобоп одамлар бўлиб чиққанлари учун қаттиқ танқидга учрадилар. Танқид, бир жиҳатдан, ҳақли эди. Улар адашгани, хато қилиб қўйганликлари учун чин дилдан афсусландилар, жамоатчилик олдида айбига иқрор бўлдилар. Виждонли одам — ёзувчи учун шунинг ўзи етарли эмасми? Афсус, шундан кейин ҳам улар шаънига аччиқ таъна-дашномлар мақоладан мақолага, нутқлардан нутқларга кўчиб ўтаверди, бу иш охири уларнинг ўлими билан интиҳосига етди.

Ахир, уларнинг бошқа фойдали ишлари, асарлари ҳам бор эди-ку.

Адашган, хато қилган адибларга муносабатда ленинча усул, йўл-йўриқларни гоҳо унутаяпмиз. Тарихни эслайлик. Шоир Демьян Бедний теварагида маш-машалар авж олган бир пайтда В. И. Ленин «Правда»га хат йўллаб ўтинч билан: «Дўстлар, кишининг заиф томонларига осила берманг!» — деган эди. Сўнг доҳий талантни системали равишда ва эҳтиёткорлик билан қўллаб-қувватлаш зарурлигини уқтириб ёзади: «Агар сиз талантли ходимни ўз томонингизга тортмасангиз, унга кўмаклашмасангиз, гуноҳ сизнинг устингизга тушади, катта гуноҳ тушади (агар турли шахсий «гуноҳлар» бор экан, улардан юз марта каттароқ «гуноҳ» тушади...) Жанжаллар кичкина эди, аммо иш жиддийлашиб кетди. Бу тўғрида ўйлаб кўринг!». Қандай доно гаплар! Улар бизнинг ҳозирги жанжалларимизга ҳам бевосита дахлдор.

Бошқа бир ибратли факт. Совет ҳокимиятининг тақдири қил устида турган бир пайтда ёзувчи Аркадий Аверченко чет элда «Революция елкасига бир даста пичоқ» деган китоб билан чиқади. Революцияга қарийб ақлдан озиш даражасидаги ғазаб, ҳаддан зиёд нафрат руҳида битилган китоб ҳақида В. И. Ленин «Талант билан ёзилган китобча» сарлавҳаси остида тақриз битади. Тақриз автори китобдаги хато қарашлар, бўҳтондан иборат ҳикояларни принципиал, кескин танқид қилиш билан баробар, тўпламдаги айрим фазилатларни ҳам тилга олади, баъзи ҳикоялар қайтадан босишга арзийди, дейди ва ўз мулоҳазаларини «Талантни қўллаб-қувватламоқ керак», деган сўзлар билан якунлайди. Бундай йўл тутмоқ учун кишида нақадар катта сабот, улкан қалб, буюк ақл-заковат бўлмоғи керак. Биз ана шундай фазилатлар эгаси бўлмиш даҳо зот ворислари эканлигимизни ҳамиша ёдда тутишимиз даркор.

Ҳозир турғунлик даврида адабиётда йўл қўйилган хато ва камчиликларни тузатишга, ўша йиллари адашган адиблар хатосини танқид қилишга чоғланган эканмиз, бу ишни ленинчасига ақл-заковат, талантларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш орқали амалга оширишимиз зарур деб ўйлайман. Сиз хатингизда келтирган шахсга сиғиниш, волюнтаризм ва турғунлик сингари иллатлар оқибати бўлган адабиётдаги кўнгилсиз ҳодисалар асло такрорланмаслиги учун ҳам бу ниҳоятда зарур.

Умуман, Сизнинг ҳамкасб-ижодкорларга қандайдир нодўстона («каландимоғлик билан» дейишга тилим бормади) муносабатингиз мени таажжубга солади. «Замон ва виждон эрки» сарлавҳали суҳбатда И. Ҳаққулов айтган Ҳ. Шарипов ҳақидаги нописанд гапни хатда Сиз ҳимоя қилибсиз. Лекин менинг мақоламда тилга олинган Ҳ. Шариповнинг ўз пайтида адабиётимизда сезиларли ҳодиса бўлган асарлари хусусида ҳеч нарса демабсиз. И. Ҳаққулов ўша суҳбатда: «Етмишинчи йилларда адабиётимизда тоза бир нафас пайдо бўлди. Буни ёниқ юракли шоирлар, тийрак назарли носирлар юзага чиқаришди», дейди. Аслида бундай тоза бир нафас адабиётимизда, хусусан, шеъриятда анча бурун — 50-йиллар охири, 60-йилларда шаклланган, бу ҳодиса «Сурат», «Хиёбон», «99 миниатюра» каби асарларда ёрқин намоён бўлган, қолаверса Ҳ Шарипов сингари камтар шоирлар ҳам бунга озми-кўпми ҳисса қўшган эдилар. Сизга тенгдош истеъдодли шоирлар бугунги кунда шеъриятимиз ривожини бир қадам олға силжитишга эришган эканлар, ўз пайтида сизларнинг парвозингиз учун муайян замин яратганларнинг хизматини унутмасангиз дейман. Сиз Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» тазкирасини яхши биласиз. Унда замонасининг 459 шоир, олимлари ҳақида маълумот бор. Ўша шоирлардан қанчаси адабиёт тарихида қолган — нари борса, икки-уч фоизи. Агар Навоий шеъриятда эришган чўққи билан қиёс қилинадиган бўлса, уларнинг кўпи ким бўлибди? Аммо даҳо шоир уларнинг ҳар бири ҳақида қанчалар катта эҳтиром билан ёзган, уларнинг камчиликларини эса ўта назокат билан айтган. Ана одоб-ахлоқ, ҳамкасб-ижодкорга муносабатнинг олий намунаси! Мени хатдаги яна бир ҳол таажжубга солди. Сиз суҳбатингиздаги жамики қарашларни зўр бериб ҳимоя қилишга уринибсиз, уларни мунозарага ўрин қолдирмайдиган мутлоқ ҳақиқат тарзида талқин этибсиз. Ахир, ижодкор одам фақат ўзгалар фикрига эмас, ўз ишларига, қарашларига ҳам андак шубҳа билан, танқидий муносабатда бўлиши даркор-ку! Шоир Р. Ҳамзатовнинг «Огонёк»даги суҳбатига қаранг. Улкан шоир жамиятда содир бўлган ва бўлаётган кўп салбий ҳодисалар учун ўзи ҳам айбдор экани, ўз ижодининг заиф жиҳатлари ҳақида нақадар ошкора, самимият билан гапирибди. Ҳақиқий шоир-граждан шунақа бўлади.

Энди Сиз тутган йўлнинг давоми бўлмиш менинг «тилимни қисиб қўйиш» учун келтирилган, умуман, хатингиздаги яккаю ягона далил-исботга келайлик. Яширишга не ҳожат — «Ғолиблар» романи ҳақида тақриз ёзиб уни мақтаганман. Мени-ку бу ёққа қўйиб туринг, бунақа фактларни М. Қўшжонов, О. Шарафиддинов, Н. Худойбергановдек одил, принципиал танқидчилар, маънаман деган шоиру ёзувчилардан ҳам топишингиз мумкин. Буни эслатишдан мақсад ўзимни ўзгалар панасига олиб, айбимни яширишга уриниш эмас, балки ўша кезлардаги аҳволнинг мураккаблиги ва чигаллигини уқтириш, холос. Бундай фактларга баҳо бераётганда оддий бир ҳақиқатни назарда тутиш даркор: Сиз тилга олганга ўхшаш фактлар ўша ёзувчи, шоир, танқидчи ижоди, фаолияти учун етакчи, характерли ҳодисами ёки эпизодик, ўткинчи нарсами — гап ана шунда. Агар Сиз ҳозирги қайта қуриш даврининг айрим жангари, максималист «курашчилари» қўллаётган осон ва арзон ғалаба йўлини эмас, ўз истеъдодингиз, маслагингизга муносиб иш тутиб, адабиётимиз манфаатини ўйлаб менинг китобларимни титкилаганингизда ундан ҳам жиддийроқ, характерлироқ камчиликларни топган, уларни айтиб, мен билан баҳслашиб танқидчилигимиз учун фойдали иш қилган бўлардингиз.

Сиз менинг қандайдир сирли гуноҳларим, уларнинг очилиб қолишидан чўчиётганим, ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолишига тиришаётганим, кўп нарсаларнинг унутилишини жуда-жуда истаётганим ҳақида шаъма қилиб ўтибсиз. Менинг ўз қобилиятим даражаси билан белгиланадиган камчиликларим кўп, адашган пайтларим бўлган. Аммо мен дил-дилдан айта оламанки, одамлардан яширадиган, чўчийдиган ҳеч қанақа сирли гуноҳим йўқ. Мен устозларим, бирга ишлайдиган маслакдош сафдошларим билан фахрланаман. Улар кейинги 25—30 йил давомида адабиётдаги соғлом йўналиш манфаати йўлида ҳалол, беғараз меҳнат қилиб келаётирлар. Бизнинг ютуқларимиз ҳам, хато ва камчиликларимиз ҳам — барчаси, холис ниятли илмий-ижодий жамоатчиликка яхши маълум. Ёв қочса — ботир кўпаяр, деганларидек, бугун ўтмишдаги хатолар, гуноҳлар, нопокликларни ботир бўлиб танқид қилиш осон, аммо ўша мураккаб шароитда адабиётдаги мардона кучлар ёнида туриб уларни ҳимоя қилиш, нопокликларга қарши курашиш осон бўлмаган... Университет даргоҳида таълим олган, бевосита адабий жараён ичида, гирдобида юрган, оқ-қоранинг фарқига борадиган ҳушёр, фаросатли ижодкор сифатида буни яхши биларсиз, деб ўйловдим.

«Ғолиблар»га берилган баҳонинг асоссиз эканини исботлаш усулингиз ҳам қизиқ: мақоладан айрим жумлаларни юлиб оласиз-да, ундаги даъволарни таҳлил орқали инкор этиш ўрнига А. Қаҳорнинг зерикарли асар ҳақида айтган гапини келтирасиз — уни айнан «Ғолиблар» ҳақида ёзилган энг қисқа тақризлардан бири, деб атайсиз. Қаҳҳордек улуғ адибни ҳар нарсага рўкач қилавермайлик. Ахир, «Ғолиблар» романи А. Қаҳҳор вафотидан беш йил кейин чиққан эди-ку!

Хатингизда мен бир қанча ёш истеъдодли қаламкашларни «истеҳзо билан эслашим, улар ҳақидаги илиқ гаплар гўё менинг «ғашимни келтириши» тўғрисида ҳам тўхталиб ўтибсиз. Эҳтимол, мақоладаги жумлаларда ғализлик кетгандир, бунинг учун улар мени кечирарлар; улар — диёнатли одамлар, ҳар ҳолда, менинг асл муносабатим уларнинг ҳар бирига аён.

Хатда «адабиётимиз эртага қадам қўйиши учун кеча йўл қўйган хатоларимизни чуқурроқ англашимиз лозим», деган тўғри жумла бор. Аммо бунга хатоларни умумий тарзда санаш, қабоҳатларни қуруқ қоралаш билан асло эришиб бўлмайди. Суҳбатда ҳам, хатингизда ҳам қанчадан-қанча хатолар, адабиётдаги виждонсизликлар, нопок, гуноҳкор бандалар ҳақида қаҳр-ғазаб билан гапирасиз, бироқ, ўша нопок, гуноҳкор бандалардан бирортасининг ҳам номини тилга олмайсиз. Қуруқ қошиқ оғиз йиртар, дейдилар, қуруқ танқидий гап ҳар қанча қаттиқ айтилмасин, қулоқларни қоматга келтиришдан бошқасига ярамайди. «Ақл ва заковат иши» мақоласида айтилганидек, адабиётдаги хато ва камчиликларни далил-исботсиз қуруқ танқид қилиш осон, шундай хатоларнинг туб моҳиятини, уларни келтириб чиқарган омилларни, илдизини очиш муҳимроқ ва мушкулроқ. Бунинг учун катта меҳнат, сабот, ақл-заковат, ҳақиқий маънодаги жасорат керак. Юз марта айтилган қуруқ танқид ва шикоятдан кўра кичик бир далил-исботга асосланган илмий таҳлил афзал. Мабодо Сиз И. Ҳаққулов билан бирга адабиётимизда «ножўя ишлар» билан банд бўлган одамларнинг коллектив башарасини кўрсатмоқчи, кечаги «гуноҳ»ларнинг дунёга келиш жараёнини, бу жараённинг ички анатомиясини баҳоли қудрат текширмоқчи бўлган эkансиз, бундай масъулиятли вазифани фақат аниқ далил ва теран илмий анализ йўли билан амалга ошириш мумкин

Шу ўринда мен матбуотимизда пайдо бўлган икки ёш танқидчининг бу жиҳатдан ибратли мақолаларини эсга олиб ўтишни истардим. Бири Р. Қўчқоровнинг «Ёшлик»да чиққан «Тарих ҳақиқати», иккинчиси «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»да босилган Б. Дўстқораевнинг «Улуғ йўлнинг сабоқлари» мақоласи. Б. Дўстқораев 20—30-йиллар, Р. Қўчқоров эса урушдан кейинги давр адабий ҳаёти, танқидчилигидаги жараёнлар ҳақида янги, муҳими, ҳақ гапни айтганлар. Шовқин-суронсиз вазминлик билан, ишончли далил-исботларга таяниб, ҳодисалар моҳиятини тушуниб, бугунги илмий, адабий-танқидий тафаккур даражасида туриб ўта мураккаб, зиддиятли адабий ҳодисаларни теран таҳлил этиш йўлидан борганлар. Мана буни адабий жараённинг ички анатомиясини текширишга астойдил уриниш деса бўлади.

Қисқаси, ҳозирги қайта қуриш даврида ақл-заковат билан иш кўриш ҳар қачонгидан кўра ҳам муҳимдир, фақат шу йўл билангина чин ҳақиқатга, адолатга эришиш мумкин.

Хат пировардида Сиз адабиёт ҳалоллик эканини эслатибсиз, адабиёт ҳақида гаплашаётганимизда аввал қўлимизни яхшилаб ювиб олайлик, дебсиз. Шу доно маслаҳатга ўзингиз ҳам амал қилганингизда соз бўларди.

Гўзалликнинг туғилиши.

В. ТУРАЕВ фотоси

АНТИҚА МЕҲМОНХОНА

Хизмат юзасидан уч-тўрт кун Навоий областининг Кармана шаҳрида жойлашган «Кармана» меҳмонхонасида яшашга тўғри келди. Албатта, ҳар томонлама қулайликларга эга бўлган меҳмонхонада яшашга нима етсин. «Кармана»ни биз шундай меҳмонхона бўлса керак деб ўйлагандик. Чунки Кармана шаҳри республикамизнинг йирик саноат марказларидан бир Навоий шаҳри билан туташиб кетган. Кўпинча Иттифоқимизнинг турли бурчакларидан Навоийга келган меҳмонлар «Кармана» меҳмонхонасида ҳам яшашади. Афсуски, меҳмонхона бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Хоналардаги телевизор ва холодильниклар ишламайди. Лекин меҳмонлар ўша бузуқ телевизор ва холодильник учун ҳам ҳақ тўлайдилар.

Биз бунинг сабабини навбатчи администратордан сўраган эдик, у ҳеч иккиланмай шундай деди:

— Телевизор қўшни хонада бор. Кўргингиз келса бемалол чиқаверасиз.

Қўшни хона деганда газетхонлар дам оладиган алоҳида, умумий хона бор экан, деб ўйлаши табиий. Афсуски, ундай эмас. Бу ерда ҳам иккита меҳмон яшайди. Агар телевизор кўргингиз келса, хонадаги икки меҳмоннинг истакларини ҳисобга олмай, ўзингиз кириб кўраверар эмишсиз.

Холодильникка келсак, бу ерда унга асло ҳожат йўқ. Чунки хоналарда қалтираб зўрға ўтирасиз. Меҳмонхонанинг батареялари қўлни чақади. Иситгич қозон ёрилиб кетган экан. Қачон тузалишини ҳеч ким билмайди.

Меҳмонхонада шундай ажабтовур ҳоллар кўп. Бир хонадаги битта жойнинг баҳоси ҳар куни ўзгариб туради. Гапимизнинг исботи учун шу йилнинг 30 ва 31 октябрь кунлари Б. Эгамқулов номига ёзилган квитанцияларни кўриб чиқайлик. Б. Эгамқулов 30 октябрда 2 сўму 4 тийин (яшагани учун бир сўм 50 тийин, электрчойнак учун 20 тийин, телевизор учун 20 тийин, холодильник учун 14 тийин) тўлаган, 31 октябрда эса бир сўму 80 тийин (яшагани учун бир сўму 50 тийин, электрчойнак учун 20 тийин ва холодильник учун 10 тийин) пул тўлаган. Хона, жой, шароит эса ўша-ўша. Буни қандай тушуниш керак?

Б. УММАТОВ

куюнчак газетхонлардан хатлар

ЭШИК ҚАЧОН ОЧИЛАДИ?

Биз Қашқадарё область, Чироқчи район Охунбобоев номидаги совхозда истиқомат қиламиз. Турмушимиздан нолимаймиз, кундан кунга, йилдан йилга камкўстлар барҳам топиб, ҳаётимиз фаровон бўлиб бормоқда. Совхозимизда биттагина клуб бор, бу клубнинг усти очиқ ҳолда бўлиб, ёз ойларида кинофильмлар намойиш қилишга мўлжалланган. Аммо сўнгги марта қачон, қайси фильм кўрсатилганини ёки бирорта ансамбль келиб ишчиларнинг дам олиш пайтларида маданий ҳордиқ чиқариш учун хизмат қилганини, бирор мавзуда қизғин баҳс, суҳбатлар ўтказилганини эслолмаймиз. Клуб доим берк туради. Унинг эшигидаги осиғлиқ қулф бу яқин орада очилмагани учун занглаб кетган.

Бундай ачинарли аҳволдан совхоз партия ташкилоти, дирекцияси, комсомол ташкилоти, хабардор бўлишса ҳам, кўриб кўрмагандек ўтиб кетаверишади. Гўёки клуб иккинчи даражали, унча зарур бўлмаган ишдек. Ҳозирги гўзал, тинч ва фаровон ҳаётимизни санъатсиз тасаввур қилиб бўладими? Билмадик, клуб қачонгача очилмай тураркин.

Совхозимиз жуда катта, аҳолиси кўп. Шундай экан, совхозимизда ўз клубимиз бўлишини истар эдик. Ишдан бўш вақтларимизда маданий ҳордиқ чиқариш учун қулай шароит яратилса, айни кўнглимиздаги иш бўлар эди. Шунинг учун биринчи навбатда клубимиз эшиги очилиб, у ердаги ишлар йўлга қўйилиши керак.

А. ТОШЕВ,
Ғ. АБДУРАСУЛОВ,
Ҳ. ЕРЛАЕВ
ва бошқалар

Чироқчи

ХАЛҚ ТЕАТРИ САҲНАСИ НЕГА БЎШ?

ДРАМА ТЎГАРАКЛАРИ ва театр ҳаваскорлиги санъатининг бирмунча мукаммал формаси — халқ театрлари республикамизда 50-йилларда пайдо бўла бошлади. Тошкент, Хева, Қўқон, Бухоро, Наманган, Андижон, Янгиқўрғон халқ театрларида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, М. Уйғур, К. Яшин, Ғ. Ғулом, М. Муҳамедов, С Абдулла асарлари қайта-қайта қўйилиб, улар театр санъатини ривожлантиришда муҳим роль ўйнаган.

Халқ театрларига эътибор етмишинчи йилларга келиб пасайиб кетди. Бунинг оқибатида ҳаваскорлик театрлари ўз таъсир кучини йўқота бошлади. Ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида қайта қуриш бошланиши билан меҳнаткашларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни уюштириши муҳим аҳамият касб этди. КПСС Марказий Комитетининг «Клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида», КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Қишлоқ жойларида клуб ва район маданият уйлари қуришни кенгайтириш ва уларни моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирлари тўғрисида» деб чиқарган қарорларида бу борада амалга ошириш лозим бўлган ишлар кўламини белгилаб берилди. Шундан буён халқ театрлари фаолиятида сезиларли ўзгариш рўй берди.

Наманган область, Янгиқўрғон район халқ театри кейинги икки йил ичида «Биринчи ўқитувчи» (Ч. Айтматов), «Лукаш ботир» (Н. Сафаров), «Ишбилармон кишилар» (О. Генри), «Тенг-тенги билан» (Уйғун), «Илтимос» (А. Чехов), «Олтин даврим» (К. Саъдуллаев) асарларини саҳналаштириб томошабинларга тақдим этди. Халқ театри репертуарида миниатюралар ва бадиий-драматик композициялар ҳам салмоқли ўрин эгаллади. «Имтиҳон» (Исфандиёр), «Телефон» (Э. Мусаев) минатюралари, «XX аср нидоси» (И. Турсунов), «Ифтихор» (Э. Воҳидов) бадиий-драматик композициялари шулар жумласидандир. Ҳаваскорлар Навоий номидаги Наманган область музикали драма театри билан мустаҳкам алоқа ўрнатган.

Бундай ижодий ютуқларни Андижон область, Қўрғонтепа район ҳаваскорлар театри фаолиятида ҳам кўрамиз. 1978 йили халқ театри унвонига сазовор бўлган бу коллектив кейинги икки йил давомида «Инсонликка номзод» (М. Каримов), «Бахтнинг қаноти бор» (З. Фатхуллин), «Гипноз — 2» (А. Абдуғаффоров), «Алданган» (И. Панов) асарларини саҳналаштирди. Лекин бу сингари илғор халқ театрлари республикамизда жуда кам.

Саҳна ҳаваскорлиги санъатининг бу ҳолга тушиб қолганлиги боиси нимада? Халқ театрлари савиясини кўтариш учун қандай тадбирларни амалга ошириш зарур?

Ҳаваскорлар театрлари ишини ташкил этишни аввало шу соҳага тааллуқли қўлланмалар яратишдан бошлаш керак. Маданий-оқартув техникумлари ва маданият институти ҳаваскорлар театри ташкил этиш бўйича мутахассис кадрлар етиштириб чиқармоқда. Бироқ дарслик ва қўлланмалар йўқлиги туфайли ҳар бир ўқитувчи ўз билганича дарс ўтаяпти. Ҳозир 90 га яқин халқ театрларимиз бор, ҳар йили юздан зиёд махсус маълумотга эга кадрлар етиштириб чиқараяпмиз, лекин халқ театрлари фаолиятини ташкил этишнинг асосий методлари нимадан иборат, муайян шароитда кишиларни машқларга қандай тортиш керак, ҳаваскорлик коллективини қандай тузиш ва бошқариш лозимлиги ҳақида ҳеч ким илмий асосланган, аниқ фикрини айтмади. Шунинг учун ҳам бугунги халқ театрларимиз том маънодаги ҳаваскорлик коллективлари бўлиб шакллана олмаяпти. Бунинг устига қатнашчиларнинг деярли 80 процентидан ошиғини клубдан маош олиб ишловчи ходимлар ёки асосий фаолияти клуб билан боғлиқ кишилар ташкил этади. Масалан, Янгиқўрғон район халқ театри қатнашчиларининг 19 аъзосидан 14 таси маданий-оқартув ходимлари, Наманган область Маданият уйи қошидаги халқ болалар қўғирчоқ театрининг 27 қатнашчисидан 20 нафари маданият институти студентлари, қарийб профессионал клуб ходимлари, Фарғона область Киров район халқ театри ҳаваскорларининг деярли барчаси клуб мутахассислари. Бундай халқ театрини ҳақиқий ҳаваскорлар коллективлари деб аташ мумкин эмас.

Маданият институти ташкил этилганидан буён ҳаваскорлар театри раҳбарлари тайёрланадиган бўлимдаги ўқув жараёнини кузатиб келамиз. Очиғини айтганда, мазкур бўлимда мутахассислик бўйича ўрганилаётган фанлар А. Н. Островский номидаги Тошкент Театр ва рассомлик санъати институтидаги актёрлар ва режиссёрлар тайёрловчи факультет программасидан деярли фарқ қилмайди. Ҳатто амалий машғулотлар ҳам бир хил. Студентлар у ёки бу ролни ижро этишга, ёки спектаклни саҳналаштиришга ўргатиладилар. Диплом спектакли сифатида икки институтда ҳам В. Шекспир, Ф. Шиллер ва С. Аҳмаднинг профессионал саҳна асарлари қўйилмоқда. Бундай программа нотўғри эканлиги ўз вақтида матбуотдаги чиқишларда ҳам кўрсатиб ўтилди. Шунинг учун ҳам Маданият институтидаги ҳаваскорлар хори, рақс ансамбллари ва халқ театри коллективлари раҳбарлари тайёрлаш ишида жиддий камчиликлар бор. Ишга йўлланган ёш мутахассисларда аввало амалий кўникмалар саёзлиги, одамлар билан ишлаш қобилияти йўқлиги сезилаяпти. Шуни айтиб ўтиш керакки, маданият институти меҳнаткашларнинг бўш вақтини сермазмун ўтишини ташкил этувчи мутахассислар тайёрлашга даъват этилган. Демак, ўқув ва таълим-тарбия жараёнидаги асосий мақсад-эътибор кишилар билан ишлаш, ҳаваскорлик ижодиётини ташкил қилишни ўргатиш ишига қаратилмоғи керак.

Студентлар учинчи ва тўртинчи курсларда ишлаб чиқариш практикасида бўладилар. Студент практикада амаллаб беш-олтита кишини тўплайди-да, бирор асарни саҳнага олиб чиқади ва уни институтдан келган комиссияга кўрсатади. Ҳаваскорлик ижодиётининг рағбат, қизиқиш каби принципларига амал қилмаган ҳолда, практикадан қутилиш ниятида тузилган ҳаваскорлар театри баҳо қўйилган куниёқ тарқаб кетади. Бу эса ўқув ишларимиздаги жиддий нуқсондир.

Ҳаваскорлар театрини мутахассисларсиз тасаввур қилиш қийин. Бироқ бу мутахассисликни эгаллаган ёшларни ишга жойлаштириш ҳанузгача ҳал қилинмаган муаммо бўлиб қолмоқда. Тўрт-беш йил ўқиб диплом олган ёшлар асосан бошқа ишларга ўтиб кетмоқдалар. Чунки, улар йўлланган клуб, маданият уйлари ва саройларида ҳаваскорлар театри раҳбари деган ўрин йўқ. Шундай бўлгач, ёш мутахассис дуч келган бўш штатлардан бирига кириб ишлашга мажбур бўлади. Тўғри, «Халқ театри» номини олган ҳаваскорлар саҳнасида бундай ўрин бор. Аммо халқ театрлари республикамизда 86 та бўлгани ҳолда йилига юздан ортиқ ёш мутахассис тайёрланади. Масалан, Тошкент давлат Маданият институти Наманган филиали ҳаваскорлар театри коллективи раҳбарлари бўлимини 1983 йилдан кейин битирганларнинг бирортаси ҳам ўз соҳасида ишламаяпти, десак хато бўлмайди.

Халқ театрларининг умрини қўйиладиган спектакллар белгилайди. Кўпчиликнинг дилидаги гапларни кўтариб чиқадиган, замонавий саҳна асарлари кишиларни бефарқ қолдирмайди, албатта. Бу эса халқ театрларига спектакль ва сценарийлар юборадиган Республика маданий-оқартув ишлари ва халқ оғзаки ижодиёти илмий-методик маркази ишини такомиллаштиришни тақозо этади.

Биринчидан, илмий-методик марказ халқ театрлари хизмат қиладиган район аҳолисининг ижтимоий-демографик структурасини, томошабинлар характеридаги ўзига хос жиҳатларни, қизиқишларини аниқ билмайди. Буни ўрганиш кўплаб вақт ва изланиш талаб этади. Бундай омилларни билмасдан туриб район халқ театрларига асарлар юборишнинг ўзи нотўғри. Масалан, илмий-методик марказ бир пайтлар барча областларга «Санъат—саодатим» ва «Ёшлик чорлайди» (Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Т., 1979 ва 1980 йиллар) тўпламларини юборди. Бу сценарийлар кўпгина областларда кутилган натижани бермади. Жавонларда чанг босиб қолиб кетди. Илмий-методик марказ маданий-оқартув ишлари ва халқ оғзаки ижодини ривожлантириш борасида турли экспериментлар ўтказиб бу муҳим соҳаларни давр талабига, кишиларимиз қизиқишларига мос келадиган тарзда оммалаштириш ўрнига областлардаги бўлимларига турли кўрсатмалар юбориш билан шуғулланаяпти, холос. Жуда нари борса халқ театрларига йилига битта-иккита пьеса ёки сценарий юборилади. Масалан, Наманган область Маданият уйининг болалар халқ қўғирчоқ театрига икки йил давомида атиги битта пьеса тавсия этилган бўлса, Янгиқўрғон район халқ театрига ҳеч қандай амалий-методик ёрдам кўрсатилмаган. Бухоро, Андижон, Фарғона областларидаги халқ театрларида ҳам илмий-методик марказдан бирор амалий ёрдам олинганини эслай олишмайди. Бу аҳволда ҳаваскорлар театри кишиларни ўзига жалб эта оладими?

Халқ театрлари район аҳолисига маданий хизмат кўрсатиши лозим. Аммо бугун халқ театрларимизнинг томошабин билан мулоқот қилиш имконияти йўқ. Чунки, биринчидан, кўпгина халқ театрлари ўз саҳнасига, репитиция хоналарига эга эмас. Масалан, Ғиждувон, Қўрғонтепа, Янгиқўрғон район халқ театрлари эски, кичкина хоналарда машқ ўтказишга мажбур бўлмоқдалар. Партия ва совет ҳукуматимизнинг клуб ва маданият уйлари қуриш ва уларнинг моддий-техника базасини яхшилаш ҳақидаги кейинги кўрсатмалари яхши бажарилаяпти, деб бўлмайди. Ўтган бир йил мобайнида район маданият уйлари қуриш учун ажратилган капитал маблағларнинг учдан бир қисми ўзлаштирилган, холос. Иккинчидан, ҳаваскорлар театри учун транспорт ҳал қилиниши қийин бўлган муаммолардан бири бўлиб келади. Натижада, ҳаваскорлар колхоз ва совхозларга бориб спектакллар намойиш қила олмаяптилар.

ҲАВАСКОРЛАР ТЕАТРИ олдида ҳал этилиши лозим бўлган кўплаб муаммолар турибди. Уларнинг барчасини битта, мақолада тилга олиб ўтиш қийин, албатта. Аммо шу аёнки, республикамизда ҳаваскорлар театри санъатининг аҳволи қониқарли даражада эмас. Бу эса ҳаммамизни ўйлашга, шошилинч чора ва тадбирлар кўришга даъват этади.

Виктор АЛИМАСОВ,
Тошкент Давлат Маданият институти Наманган филиалининг ўқитувчиси

Сурхондарё область, Сариосиё район Алишер Навоий номидаги маданият уйи қошида ташкил этилган халқ театрида ёзувчи У. Ҳошимовнинг «Тўйлар муборак» комедияси саҳналаштирилди. СУРАТДА: шу комедиядан кўриниш.

ТЕЛЕ БИЗНИНГ АНКЕТА

1. Ўтган ойдаги қайси кўрсатувлар сизга кўпроқ ёқди?
2. Қайси кўрсатувдан кўнглингиз тўлмади? Нега?
3. Сизнинг таклифингиз.

●

1. Ўтган ойдаги Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишлаб намойиш этилган бадиий фильмлар, концерт ва адабий-музикали кўрсатувлар менга манзур бўлди. «Ёшлик» студиясининг «Бурчга садоқат», «Сенинг замондошинг», «Анъаналар давом этмоқда», «Диалог», «Қонун барчага баробар» каби кўрсатувлари, «Қайта қуриш: муаммо ва изланишлар» туркумидаги давра суҳбатлари ҳам яхши таассурот қолдирди. Ушбу кўрсатувлар — турмушимизнинг долзарб масалалари, ечилиши лозим бўлган муаммоларни кўтариб чиққан.

2. Мактаб ўқувчилари орзиқиб кутадиган «Қўшиғим, жон қўшиғим», «Биргаликда куйлаймиз» кўрсатувларининг савияси паст. Бунинг устига қайта-қайта кўрсатилади.

3. «Баҳс», «Инсон ва қонун», «Ёзувчи ва замон», «Китоб — бизнинг дўстимиз», «Шунчаки... ҳазил», «Ҳинд кинофильмлари экрани», «Телевизион миниатюралар театри» кўрсатувлари маълум вақт оралиғида мунтазам намойиш этилса.

Музикани жуда қадрлайман. Истардимки, моҳир санъат усталари тез-тез чиқиб туришса. Эстрада ансамбллари ҳам тез-тез концертлар намойиш этишса.

И. МУСАЕВА
Тошкент

●

1. Ўтган ойдаги «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари», «Сенинг замондошинг», «Инсон ва қонун», «Қувноқлар ва зукколар» кўрсатувлари менга манзур бўлди.

2. Ҳар куни соат 20 дан 50 минут ўтганда бериладиган дам олиш концерти ҳар хил шаклда бериб борилияпти. Лекин, бу кўрсатувдан кўпинча кўнглимиз тўлмайди. Концертлар юксак дид билан, томошабинлар талабини ҳисобга олган ҳолда тузилмайди. Уларда ҳалигача такрор кўп.

3. Телевидение ходимлари шанба ва якшанба кунларидаги кўрсатувларни янада пухта, тайёрласалар... Чунки телеэкран томошабинлар чарчаб уйга қайтганларида маданий ҳордиқ чиқарадиган асосий омилдир. «Бизга мактуб йўллабсиз» концерт программасини, шунингдек, «Телевизион миниатюралар театри» ва «Шунчаки... ҳазил» кўрсатуви мунтазам бериб борилиши керак.

О. ҲАСАНОВА
Жалолқудуқ

●

1. Ўтган ойда намойиш этилган «Октябрь тенгдошлари» туркуми, «Мусиқа жавони» кўрсатувлари манзур бўлди. Ҳ. Худойбердиева шеърлари асосида тузилган кўрсатувни бадиий сўз устаси Гулсара Иброҳимова яхши олиб борди.

2. Кейинги пайтларда «Хат ва ҳаёт» кўрсатуви тез-тез эфирга чиқиб турибди. У томошабинларнинг эътирофига сазовор бўлди, албатта. Лекин бу кўрсатув имкониятлари катталиги сезилиб қоляпти. Чунки инқилобий ўзгаришлар амалга оширилаётган ҳозирги даврда меҳнат кишилари билан жонли мулоқот кўп муаммоларнинг калити ҳисобланади. Лекин эшиттиришда беҳуда қайтаришлар кўп. Жумладан, сўнгги кўрсатув бошида бир пенсионернинг хати ўқиб берилади. Хатдан сўнг, унга илова қилинган, мактубни телевидение орқали ўқисангиз, деган илтимоснома ҳам ўқиб юборилади. Кейин яна шу кишига тўсатдан пахтакорларга қандай ёрдам бераяпсиз, дея мурожаат этилди. Ваҳоланки, хатнинг биринчи қисмида асосий мақсад тўлиқ англашилган эди. Кўрсатувни олиб борувчи кейин ҳам бир неча марта гапни пахта теримига зўрма-зўраки равишда боғлашга ҳаракат қилади. Тўғри, пахта — ифтихоримиз. Уни сўнгги чаноғигача териб олишга даъват этиш яхши. Бу муҳим гап ва алоҳида мавзу. Уни водопроводни ишламаётгани ҳақидаги арзга, йўл қуриб битказилмаётгани ҳақидаги шикоятга ҳам келтириб боғлайвериш томошабинларни энсасини қотиради, мавзуни сохталаштиради. Кўрсатувдаги суратга олинган плёнкалар томошабин учун жуда қизиқарли. Лекин бундай кадрлар Тошкент шаҳар ва областидан берилади, холос. Телевидениенинг бошқа областлардаги мухбирларига ҳам тегишли топшириқ берилса, мулоқот янада жонли бўлар эди.

3. Фонограмма билан қўшиқ айтиш ҳақида «Телеанкета»да илгари ҳам айтиб ўтилди. Лекин бундан тегишли хулоса чиқариб олинмаяпти. Ҳатто яқинда Тожикистон ёшлари билан ўтган телекўприкда ҳам фонограмма билан куйладилар. Қўшиқ айтилаётган жараёндаги хонанданинг ҳис-туйғулари, завқ-эҳтироси томошабин учун қўшиқ сўзлари каби муҳимдир. Лекин республикамиз телевидениесида оддий концертлар ҳам фонограммасиз ўтмаяпти. Биз хонандаларнинг сохта чиқишларига ҳамон тоқат қилаяпмиз. Бунга қачон чек қўйилади?

Д. РАҲМАТУЛЛАЕВА, аспирант
Тошкент

●

1. Ўтган ойдаги «Қувноқлар ва зукколар», «Самарқадга йўл» каби кўрсатувлар қизиқиш уйғотди. Д. Ҳасановнинг Орол денгизи ҳақидаги қўшиғи менга ёқди.

2. Мени адабий-драматик ва музикали кўрсатувлар бош редакцияларининг иши қониқтирмаяпти. Улар кенг оммага қизиқарли кўрсатувлар уюштирмаяптилар. «Баҳс» кўрсатуви телетомошабинлар эътиборини қозонган эди. Уни тиклаш ҳақида кўплаб таклифлар бўляпти-ю, аммо, ҳанузгача бирор ўзгариш йўқ.

3. Музикали ва адабий драматик кўрсатувлар редакциялари «Истеъдод» сингари ёшлар ижоди ҳақидаги кўрсатувлар тайёрласа...

Г. МИРЗАЕВА
Вобкент

●

1. СССР — Ҳиндистон фестивалига бағишланган концертлар, кинофильмлар манзур бўлди. Шунингдек, «Музикали дастхат» туркумидаги Ўзбекистон ССР халқ артисти Бобомурод Ҳамдамов ижросидаги концертлар яхши таассурот қолдирди.

2. Дала меҳнаткашлари учун берилаётган концертлардан кўнглимиз тўлмаяпти. Унда ёш талантлар чиқмайди.

3. Йиғим-терим айни қизиган шу пайтларда кекса-ю ёш далада, биз пахтакорлар шанба, якшанба кунги кўрсатувларни кўра олмаяпмиз. Оммавийлашган кўрсатуварни режалаштиришда бу ҳол эътиборга олинса.

С. АБДУРАЗЗОҚОВА
Шўрчи

●

3. Телевидениеда қишлоқ мактаблари ҳақида кўрсатувлар жамдан-кам берилади. Ҳаётни кузатган ҳар бир киши қишлоқ мактабларида ечилишни кутаётган кўплаб муаммолар борлигини сезади. Яқинда областимиз газетасида Олтиариқ районидаги 4-ўрта мактаб ҳақида бир мақола босилди. Унга 10-синф ўқувчиси ўзининг ўқитувчисини қайси фандан дарс беришини билмай адабиёт дафтарининг юзига «Муллажонов дафтари», деб ёзиб қўйганлиги айтилган. Ҳозир ўша ўқувчи сохта баҳолар билан мактабдан ҳаётга йўлланма олиб кетди. Хўш, ундан келажакда нима кутиш мумкин?! Мактабларда тил ва адабиёт ўқитишнинг савияси жиддий муаммо бўлиб турибди. Шу каби муаммоларга нега кенгроқ тўхталинмайди? Мактабда спортни жонлантириш ҳам эътиборсиз қолаётган масалалардан бири. Бу муаммолар эса кўплаб туркум кўрсатувларга мавзу бўлади.

С. ЭРГАШЕВ
Олтиариқ

●

«Литературная газета»нинг шу йил 4 ноябрь сонида босилган «ТВ 7х7» анкетасининг — ўтган ҳафтанинг қайси учта кўрсатуви айниқса ёдингизда қолди, нима учун, ҳамда қайси ҳоллар сизда эътироз туғдирди, деган саволларига таниқли ёзувчи Темур ПЎЛАТОВ қуйидагича жавоб берди: 1. «Таваккал» ва «Инқилоб давом этади» фильмлари «шахсият ва давр» мавзуи нуқтаи назаридан қараганда бир-бирини тўлдиради. Биринчи фильм асосан раҳбарлар тақдири ҳақида фикр юритса, иккинчиси кўпроқ оддий лекин, қайта қуриш даври тарихидан жой ҳозирлаган кишиларнинг ҳаяжон ва ташвишли тақдири ҳақида ҳикоя қилади... Тунд ва гумончи Сталин ва ёнида унинг тамоман акси — жонсарак, ёқимтой қиёфасида жамиятимизнинг эркин нафас олиш паллаларини мужассамлантирган Хрушчев. Унинг ёнида эса Брежневнинг сергак қиёфаси. Ўша қисқа, Гагарин билан учрашув эпизоди даврни қанчалар аниқ характерлайди! Биринчи космонавт рапортидан сўнг бу ғалабадан Хрушчев шунчалик хурсанд бўладики, беихтиёр кўзига ёш олади. Королёв тақдирида Сталин айбдор эканлиги кўп йиллардан сўнг «Таваккал»да очиқ-ойдин айтилди. Фақат тарих учунгина эмас, балки бугунги ишларимиз учун ҳам бу тўғри ва зарурдир.

2. Телевидениеда йирик ва кўламли кўрсатувлар билан «Қайта қуриш прожектори» каби ўз қиёфасига эга бўлолмаётган кўрсатувлар борлиги кишини ажаблантиради. Октябрнинг 70 йиллигига атаб ўтмишдаги плакат-реклама усулида тайёрлаган ярим соатлик материал билан бизнинг Ўзбекистон телевидениеси муваффақиятсиз кўрсатувларнинг кўпайишига ўз ҳиссасини қўшди. Унда республикамизнинг мавжуд мураккаб муаммолари асло кўзга ташланмайди. — гўё биз қайта қуришнинг биринчиларидан бўлиб муддатидан илгари туғалладик ва фақатгина ҳар қандай жадаллаштириш учун муқаррар бўлган ҳаётнинг юзаки қатламларида қолган ғадир-будурларни текислаб қўйиш қолган, холос.

●

Редакция октябрь ойи кўрсатувлари ҳақида кўплаб хатлар олди. Лекин уларнинг барчасини эълон қилиш имкони йўқ, албатта. Телеанкетага хат-хабарлар йўллаган барча газетхонларга миннатдорчилик изҳор этамиз.

КЎЧМА КЕНГАШ

Ўзбекистон ССР Архитекторлар союзининг кўчма кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашни Ўзбекистон ССР Архитекторлар союзи правлениеси раиси Т. Қодирова очиб, жумладан бундай деди:

— Архитекторлар союзининг бугунги биринчи кўчма кенгашининг ўтказилишидан мақсад «Узагромежхозпроект» институтининг ижодий ишини кўриб чиқишдир. Ушбу институтни ва бошқа билим даргоҳларини ҳам келажакдаги ижодий йўналишини аниқлаб олиш. Меҳнаткашлар билан суҳбатлашиб, уларнинг уй-жой, ободонлаштириш ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ўрганиб, сўнгра талабга жавоб берадиган намунали лойиҳалар ишлаб чиқайлик...

Кенгашда институт бош архитектори М. Умаров, Ўзбекистон ССР Архитекторлар союзи ревизия комиссиясининг аъзоси, архитектура доктори А. Маҳкамов, Қирғизистон ССР Архитекторлар союзи правлениесининг раиси А. Исаев, тажриба-лойиҳалаштириш бўлимининг раҳбари Ч. Ирмонова, Тошкент область, Бўстонлиқ райони бош архитектори В. Китченко ва бошқалар сўзга чиқиб шу соҳага тааллуқли муҳим масалалар тўғрисида тўхталиб ўтдилар.

С. ИНОМХЎЖАЕВА

«КРЕМЛЬ КУРАНТИ»

Огаҳий номидаги Хоразм область музикали драма ва комедия театрида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишлаб Н. Погодиннинг «Кремль куранти» драмаси саҳнага қўйилди. Бу тарихий-инқилобий драмани рус тилидан ёзувчи Мирзакалон Исмоилий таржима қилган. Асарни театрнинг бош режиссёри, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби И. Ниёзматов саҳналаштирди. Рассом — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Отахон Оллоберганов.

В. И. Ленин ролини Ҳожи Ортиқов ижро этди. Қолган асосий ролларни Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Мадраим Бобожонов, Салоҳиддин Камолов, Рўзмат Худоёров, Ражаббиби Бойжонова, Бикажон Раҳимова, Ширин Рамазонова, артистлардан Жуманазар Шомуротов, Оразқилич Тоғонов, Матназар Ниёзматов, Зулфия Отаева ва бошқалар ижро этмоқдалар.

Х. АБДУЛЛАЕВ

АБРИ САНЪАТИ ТИКЛАНДИ

«Правда» газетасининг шу йил 15 январь сонида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ёш рассом-таъмирчилари Шомаҳмуд Муҳаммаджонов ва Маъруф Салимовнинг ижодий муваффақияти — қадимий абри санъатини қайта тиклаганликлари тўғрисида хабар эълон қилинган эди. Абри санъати Шарқ китобат санъатининг узвий қисми бўлиб, абр — булут ёки абри баҳар, яъни баҳор булути сўзлари маъноси билан изоҳланади. Абри ёки абри баҳор санъати деб, қоғозни махсус услубда ранг-баранг қилиб безатишга айтилади. Бу санъат мўътабар қўлёзма, китоб, алоҳида хат намунаси, расм ва матн ҳошияларини зийнатлашда ишлатилган.

Абри санъати XVI асрдан бошлаб маълум. Машҳур тарихчи Қози Аҳмаднинг «Гулистони ҳунар» номли хаттотлар ва рассомлар тўғрисидаги рисоласида Мавлоно Муҳаммад Жадвал ва Мавлоно Яҳёнинг абри санъатини яратиш бобидаги юксак маҳоратларини алоҳида қайд этади. XVII асрнинг иккинчи ярмида китобат қилинган ва бугунги кунда Ҳиндистоннинг Алвар шаҳри музейида сақланаётган «Бобурнома»нинг форсий таржимаси қўлёзмаси ҳошиялари ҳам абри қоғози билан безатилган. Абри санъати билан зийнатланган мўътабар қўлёзмалар Шарқшунослик институти фондида ҳам мавжуд. Мана шундай нодир қўлёзмалардан бири мўъжаз «Баёз» номли китоб бўлиб, 5523 рақами остида сақланади. Бу китобнинг ҳар бир варағи ҳошияси ўзгача, турфа рангли абри қоғози билан безатилган. Бундан ташқари, худди шу ерда сақланаётган 43 ва 48-рақамли бадиий хат намунаси — қитъалар ҳам абри қоғозига битилган.

Ўрта Осиёда абри санъати XX аср бошларигача давом этиб келган. Бизга маълум энг сўнгги абрисоз йирик шоир ва хаттот Мирзо Хайрулло Хўқандий эди. У яратган абри қоғози намуналари бугунги кунда Қўқонда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт музейида сақланмоқда. Мирзо Хайрулло вафотидан [1942] сўнг абри санъати гарчи, хорижий Шарқ мамлакатларида давом этган бўлса-да, деярли бизда унутилган эди.

Шарқ китобат санъатини ўрганиш ва таъмирлаш жараёнида тошкентлик ёш рассомлар Ш. Муҳаммаджонов ва М. Салимов абри санъатини қайта тиклашга қарор қилдилар ва бу санъат тўғрисидаги мавжуд илмий адабиётларни мутолаа қилиб чиқдилар. Шарқ китобат санъатига оид илмий китобларда, жумладан, озарбойжонлик йирик олим, профессор Одил Юсуф ўғли Қозиевнинг ёзган асарларида бу санъат хусусиятлари, уни яратиш жараёни, керакли анжомлар ҳақида умумий маълумотлар баён қилинган. Аммо ушбу маълумотлар асосида абри санъатини қайта тиклаш мумкин бўлмади. Чунки уларда махсус елим сифатида хорижий Шарқда ўсадиган астрогалиус дарахтидан олинадиган трагант ёки трагакантани тавсия этади. Ёш рассомлар трағаканта елимини тополмагач, унинг ўрнини босадиган елим изладилар. Сўнгра амалий тажриба давомида мавжуд илмий адабиётдаги ноаниқликлар ва хатолар ҳам тузатила борилди. Деярли икки йиллик амалий тажрибалардан сўнг яратилган абри қоғозидаги рангларда ҳам қадимий намуналардаги каби камалак жилоси айнан тикланди.

Абри санъатини яратиш ўта мураккаб жараён эмас, аммо унинг учун зарур анжомлар, ҳайвон ўти, елим, бўёқлар керак. Сувдаги елим эритмасига ҳайвон ўтида суюлтирилган бўёқларни мўйқалам ёрдамида сепиб, тасвир туширилиб, сўнгра уни аста қоғозга шимдириб олинади ва салқин жойда қуритилади. Қоғоздаги тасвирлар кўриниши жиҳатидан фарқланиб, сочма, тарама, мармар, чархи фалак, булбул уяси, келкет абри деб номланади.

Ш. Муҳаммаджонов ва М. Салимов ўзлари яратган абри санъати намуналарини мўътабар қўлёзмаларни таъмирлашда фойдалана бошладилар.

Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 1987 йил, 6 мартда бўлиб ўтган мажлисида Ш. Муҳаммаджонов ва М. Салимов қайта тиклаган абри санъати намуналари, уларни яратиш жараёни кўриб чиқилди ва ёш рассомларнинг амалга оширган ишлари катта ижодий муваффақият деб топилди.

Абри санъати илк намуналаридан ўнтаси Озарбойжондаги миниатюра марказига туҳфа қилиб юборилган эди. У ердан Озарбойжон ССР Фанлар академияси мухбир аъзоси, Озарбойжон ССР Рассомлар союзи правлениеси секретари Керим Керимов мактуб йўллаб, ёш рассомларга катта муваффақиятлар тилади.

Ш. Муҳаммаджонов ва М. Салимов қайта тиклаган абри санъати мўътабар қўлёзмаларни тиклашдан ташқари безак ишларида фойдаланиш соҳасида жуда катта имкониятлар яратади.

Абдумажид МАДРАИМОВ,
Шониёз МУСАЕВ

ШУ МУНОСАБАТ ТЎҒРИМИ?

Мен 1987 йил январь ойида О. Хўжаев номидаги Бухоро маданият техникумини тугатдим. Менга ўзим туғилиб ўсган Қоракўл районида ишлаш учун йўлланма беришди. Йўлланмани олиб район маданият бўлимига бордим. Бўлим бошлиғи Жўрақул Остонов ва маданият уйининг директори Очил Қодиров: «Иш йўқ. Агар ансамблга рақкоса бўлиб қатнашсанг иш топиб берамиз», дейишди. Мен умуман рақсга тушишни билмайман. Қолаверса, ўз соҳам бўйича ишламоқчиман.

Районимизда мутахассислиги тўғри келмайдиган баъзи кишилар маданият соҳасида ишлаяпти. Мен дипломим бўла туриб олти ойдан буён сарсон бўлиб юрибман.

Иш юзасидан район партия комитетига ҳам мурожаат қилдим, Аммо фойдаси бўлмаяпти. Ёш кадрларга нисбатан бўлаётган шундай муносабат тўғрими?!

Олия КАРИМОВА

ФАРЗАНДИНГИЗ РАСМ ЧИЗМОҚЧИ

куюнчак газетхонлардан хатлар

Ҳозирги пайтда ўқувчиларнинг билим олишлари учун барча шароит ва ўқув қуроллари мавжуд. Ота-оналар фарзандларига керак бўладиган ҳамма нарсаларни ўқув йили бошлангунга қадар тахт қилиб қўядилар. Аммо тасвирий санъат машғулотлари учун зарур бўлган мўйқалам, акварель, гуашь бўёқларига келганда эса нимагадир эътиборсиз қарайдилар. Энг арзон, қаттиқ бўёқларни ва қоғоз елимлашга мўлжалланган мўйқаламларни олиб бериш билан чегараланадилар. Ваҳоланки, худди ана шу буёқ ва мўйқалам тасвирий санъат дарсида ҳам ўқувчини, ҳам ўқитувчини қийнаб қўйиши мумкинлигини ўйламайдилар. Арзон баҳодаги акварель бўёқлари ва елим суриш учун мўлжалланган мўйқаламларда расм чизиш болаларнинг тасвирий санъат дарсларига бўлган қизиқишларини сўндиради. Чунки расм сифатсиз ва беўхшов чиқади. Натижада боланинг ўзига бўлган ишончи йўқолади ва лаёқатсизлигидан ўкинади. Ана шу ерда биз хатога йўл қўйган бўламиз. Шуни айтиб ўтиш жоизки, бошланғич синфларда ўқийдиган болаларнинг психологик хусусиятлари улар билан жуда эҳтиёт бўлиб муомала қилишни талаб этади. Фарзандлари яхшироқ акварель ёки гуашь бўёғи, мўйқалам олиб беришларини сўраса, айрим ота-оналар жеркиб берадилар: «Нима сен мактабни битириб рассом бўлармидинг? Олиб берган нарсаларим бўлаверади. Ўшалар билан расмингни чизавер», деган гапларни айтадилар. Ҳатто, «Сенга керакли нарсаларни ўқитувчингнинг ўзи топиб берсин», дейдиганлар ҳам учраб туради. Баъзилар эса фарзандларига фақат рангли қаламлар олиб берадилар ва шу билан ўзларини қутулган ҳисоблайдилар. Азиз ота-оналар, ўзларингизнинг мактабда ўқиган пайтларингизни эслаб кўринг. Шояд, тасвирий санъат дарсларида қийналган пайтларингиз ёдингизга тушса.

Бошланғич ва юқори синфларда ўтказиладиган тасвирий санъат машғулотларида ўқувчилар акварель, гуашь бўёқлари билан турли-туман расмлар чизишни ўрганадилар. Айниқса, бошланғич синф ўқувчилари кўпроқ гуашь бўёқларида расм чизишлари керак. Шу муҳимки, ҳар бир ўқувчининг ўз мўйқалами, гуашь бўёғи бўлса синфда бирорта бола бўш ўтирмай расм чизади. Ҳатто улар дарсдан қайтгач ўзлари расм ишлашга киришишлари ҳам мумкин. Бу эса ўз навбатида уларнинг билим олишга бўлган қизиқишларини янада орттиради.

Ҳар бир бола расм чизар экан, чизган расмида ўзининг ички дунёси, фикрини баён қилади. Болалар чизган расмларга қараб уларнинг қайси касбга ва ниманарга қизиқишларини билиб олиш ҳам мумкин.

Ҳошим ЭГАМОВ,
Қори-Ниёзий номидаги педагогика илмий-текшириш институти ходими

ТАЛАБАЛАР ҲУЗУРИДА

Янгийўл районидаги «СССР 60 йиллиги» совхозида пахтакорларга ёрдам бераётган Тошкент меҳмонхона хўжалиги техникуми талабалари ҳузурига Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Жавлон Ҳамроев ташриф буюрди. Санъаткор студентларга ижодий йўли, республикамиз киночилари олдида турган муҳим муаммолар, келгусидаги режалари ҳақида сўзлаб берди. Шунингдек, Ж. Ҳамроев талабаларни қизиқтирган турли саволларга жавоб берди. Тушлик пайтида ўтказилган бу учрашув техникум талабаларида катта таассурот қолдирди.

«ГУЛРУҲ» КУЙЛАЙДИ

Дилларга қувонч улашиб келаётган «Гулруҳ» бадиий ҳаваскорлик ансамбли бу йил катта муваффақиятларга эришди. Коллектив халқ ижодиёти II Бутуниттифоқ фестивалида ҳунар-техника Давлат таълими системасидаги фольклор ансамблларининг энг яхшиси деб топилди. Бу ютуқ ансамблга Москва съездлар саройида ғолиблар концертида қатнашиш ҳуқуқини беради.

Ансамбль репертуаридан узоқ йиллар халқимиз томонидан ижро этиб келинган, ҳозирги кунда эса унутилган лапарлар ва рақслар ўрин олган. Ансамбль бадиий раҳбари Исмоилжон Исроилов миллий санъатимизнинг бу нодир турларини қайта тиклашда катта ижодий изланишлар олиб борди.

«Гулруҳ» илгари ҳам бир нечта конкурс ва фестивалларда иштирок этган эди. Жумладан, ансамбль коллективи Боку ва Анапа шаҳарларида ўтказилган амалий санъат кўрикларида қатнашиб, лауреат бўлган.

«Ҳар бир халқнинг маънавий бойлиги унинг санъатида намоён бўлади», — деган халқ иборасини ўз изланишларига асос қилиб олган бу коллектив шу кунларда пахтакорларга ўз санъатларини намойиш этмоқда.

СУРАТЛАРДА: «Гулруҳ» ансамбли

М. НАЗАРОВ фотолари

ДАЛАДА УЧРАШУВ

Тошкент область, Орджоникидзе районидаги Киров номидаги совхознинг биринчи бўлимида Тошкент Қишлоқ хўжалиги институти ўсимликларни ҳимоя қилиш факультети студентларининг Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, шоир Омон Матжон билан учрашуви бўлиб ўтди. Октябрь ғалабасининг 70 йиллигига бағишланган бу учрашувда шоир пахта теримида институт бўйича ғолиблик қилаётган бу факультет студентларини қизғин табриклаб, шеърлар ўқиди, берилган саволларга жавоб берди. Учрашувда ҳозирги кунда қайта қуриш жабҳасида амалга оширилаётган ишлар, ижодкорлар олдида турган муҳим вазифалар, «Ёшлик» журналининг фаолияти ҳақида ҳам сўз борди.

М. ХОЛМАТОВА

ТАНҚИД КЕНГАШИДА

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи танқид ва адабиётшунослик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда «Звезда Востока» журнали танқид ва адабиётшунослик бўлимининг фаолияти хусусида филология фанлари докторлари Пирмат Шермуҳамедов ва Нинель Владимирова маъруза қилдилар. Маърузалар юзасидан бўлиб ўтган музокараларда кенгаш аъзоларидан Матёқуб Қўшжонов, Норбой Худойберганов, Натан Маллаев, Очил Тоғаев, Муҳсин Қодиров, Машҳура Султонова қатнашиб, журналнинг танқид ва адабиётшунослик бўлими фаолиятидаги ютуқ ва нуқсонларга доир мулоҳазаларини билдирдилар. «Звезда Востока» журналининг бош муҳаррири Сергей Татур ва бўлим мудири Анатолий Бауэр ўз сўзларида редакция келгуси фаолиятида айтилган танқидий мулоҳазалар, таклиф ва истакларни эътиборга олажаклигини айтдилар.

Кенгаш раиси Озод Шарафиддинов йиғилишни якунлаб, «Звезда Востока» журнали Бутуниттифоқ ўқувчисини республикамиздаги ҳозирги адабий жараён билан атрофлича таништиришга йўналтирилган асосий минбар эканлиги, журнал ходимлари ҳам, мунаққидларимиз ҳам бу минбардан самаралироқ фойдаланишлари лозимлигини таъкидлади.

Р. ОТАЕВ

ВЬЕТНАМ ТИЛИДА

Сўнгги йилларда Вьетнамда Ўзбекистон ёзувчилари асарларини таржима қилишга қизиқиш ортиб бораётир. Яқинда «Дананг» нашриёти «Замонавий совет адабиёти» сериясида ёзувчи Вильям Александровнинг «Сенга васият қиламан» номли китобини 40 минг 200 нусхада чоп этди. Бу Вьетнам учун катта тираж. Китобдан муаллифнинг «Яшка» ва «Сенга васият қиламан» номли қиссалари жой олган. Таржимани ёзувчининг Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида 1977 йили рус тилида чоп этилган китобидан адиба Ле Тхань Хионг амалга оширган. Нашр муҳаррири Нгуен Ван Зай, редактор Нгуен Ким Хюй. Китобни рассом Чан Нгок Кюй безаган. Сўзбошида О. Александровнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берилиб, жумладан, шундай дейилади: «Вильям Александровнинг бутун ижоди ҳаётга ишончни йўқотмасликка чақиради, уни янада гўзал қилиш учун курашиш зарурлигини эътироф этади». Китоб Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишлаб чиқарилган.

Ле Винь КУОК,
филология фанлари кандидати

«ТУРКИСТОН ҲИКОЯЛАРИ» ҚОЗОҚ ТИЛИДА

Яқинда Олмаотадаги «Жазушы» нашриёти «Дўстлик кутубхонаси» сериясида ёзувчи Носир Фозиловнинг «Туркистон ҳикоялари» номли китобини нашрдан чиқарди. Тўпламга ёзувчининг бешта қиссаси, ҳикоялар ва хотиралари жамланган. Асарларни ўзбек тилидан Кўбай Сейдихонов таржима қилган. Китобни Ж. Қосимхонов безаган, муҳаррир А. Саксонбоева. «Туркистон ҳикоялари» саккиз минг нусхада чоп этилган.

ҚУДДУС МУҲАММАДИЙ — 80 ЁШДА

Қадрдонимиз Қуддус Муҳаммадий!

Сизни, таниқли болалар шоирини муборак 80 ёшингиз билан чин дилдан қутлаймиз. Сиз Улуғ Октябрь шарофати туфайли туғилган ўзбек совет болалар адабиётининг жонкуярларидан бири бўлдингиз ва адабиётимиз тарихида муносиб из қолдирдингиз. Сизнинг мактаб-интернат деворий газетасида босилиб чиққан дастлабки шеърингиздан тортиб, бугунги кунда ёзилаётган ранг-баранг шеър, достонларингизнинг барчаси фақатгина ёш авлоднинг эмас, ҳатто катталарнинг ҳам қалбига яқин ва қадрдондир. Сиз яратган 50га яқин турфа китобларингиз болаларга олам ва ҳаёт тажрибаларини, инсон ички дунёсининг нақадар гўзал эканлигини ойнадек англатиб, табиатни севиш, унга меҳр билан боқиш, уни авайлаб асраш зарурлигини ўргатади, одамни ҳалол, тўғрисўз, меҳнатсевар бўлишга ундайди.

Қаламингизга мансуб ажойиб китоблар — «Синов», «Биз совет болалари», «Жуда қизиқ, жуда чиройли», «Қирқ ўғил, қирқ қиз», «Дунёда энг кучли ким?», «Очил дастурхон», «Табиат алифбеси» (беш китоб), «Меҳрибон дўстлар», «Она меҳри», «Бола бошидан, ўғлон ёшидан», «Китоб — офтоб қўшиғи», «Мактаб — офтоб қўшиғи», «Темирлар ўйини», «Сизга бир ҳикмат айтаман» ва бошқалар аллақачон ёш китобхон дўстларингизнинг қалбларидан жой олган.

Ижодингиз намуналари рус ва жаҳон халқлари тилларига ҳам таржима қилинган. Машҳур рус ёзувчиси С. Маршак асарларингизни эҳтирос билан таржима этди. Сиз ўзбек совет болалар адабиётининг жонкуяр мураббийси ҳамсиз. Ўнлаб шогирдларингиз эндиликда сизнинг таянчингиз.

Партия ва ҳукуматимиз ижодингизни юксак қадрлаб, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти ҳамда Ғафур Ғулом номидаги Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи мукофоти билан тақдирлади.

Сиз «Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси» ва «Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи» деган шарафли унвонга мушарраф бўлгансиз. Кўксингизни «Халқлар дўстлиги» ордени ва қатор медаллар безаб турибди.

Қадрдонимиз Қуддус Муҳаммадий! Муборак 80 ёшга тўлган кунингиз билан барча қалам аҳли, мухлисларингиз Сизни чин дилдан қутлайдилар.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, аъло кайфият, бардамлик, ижодингизга барака ва узоқ умр тилаймиз.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ПРАВЛЕНИЕСИ ПРЕЗИДИУМИ

БОБО ШОИРНИНГ САКСОН ЧЎҚҚИСИ

Мен унда 4-синфда ўқирдим. Ўқитувчимиз Улуғ Ватан урушининг инвалиди Баҳодир Омонов ҳар бир машғулотни турли-туман формаларда жонли ва завқли олиб борарди. Бир куни домламиз қўлимга «Ленин учқуни» газетасини тутқазар экан, шундай деди: «Эртага кечқурун мактаб саҳнасида ҳаваскор миниатюрачилар қолоқлар тўғрисидаги кўрсатувларини намойиш қилади. Сен синфимизни орқага судраётган Қаршибоев, Самадов, Эркинов ва Садирбоевни ана шу кечада номма-ном айтиб, кейин ушбу шеърни ифодали ўқиб берасан, илтимос». Демак, уни ёд олишим керак. Ўқий бошладим:

Бир мактабда гап мишмиш:
Турғуннинг думи бормиш.
Ажабо, бу қандай дум,
Ҳеч кимда йўқ бу удум.
«Икки» деган оти бор,
На ўзи, на зоти бор.
Турғуннинг билим қарзи,
Судралишиб дум тарзи.
Рўдапо аччиқ ичак
Онг уйида ўргимчак.
Дум борки, қайси жонда
Иши бор ҳар мақомда...
Аммо Турғун думи-чи,
На боши бор, на учи.
Эй Турғунжон, кўзинг оч,
Бу думингга қил илож!

Юқорида фамилиялари қайд этилган дўстларимиздан икки кишининг исми тасодифан тўғри келгани учунми «Дум» деб номланган бу шеър нишонга теккан эди. Ориятли синфдошларимиз бу жиддий танқиддан тўғри хулоса чиқаришиб, ўқишда ва жамоат ишларида фаол иштирок эта бошладилар. Ўша кундан бошлаб шоир Қуддус Муҳаммадий асарларини ўқиб бориш биз учун одат тусига кирди.

1960 йилнинг август ойида Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг ёш ижодкорлар билан ишлаш бўйича катта консультанти устоз Миртемир оғанинг ташаббуси билан ташкил этилган икки ҳафталик семинар-кенгашда талантли болалар шоири, семинаримиз етакчиси, марҳум Қудрат Ҳикмат Қуддус Муҳаммадий билан бизни таништирди. Ўша кундан иборат Қуддус ака билан тез-тез учрашиб турадиган бўлдик.

Забардаст адиб Асқад Мухтор устоз шоир ижодини жуда тўғри баҳолайди: «... Бу болажон бобо табиат манзараларига, қушлар ҳаётига, болалар чеҳрасига қараб боладек қувона билади, айни замонда бола кўнглининг мураккаб жилваларини донишмандлик билан таҳлил этади. Унинг шеърларида темирлар жаранглаб сўзлашади, ипак қуртлар меҳнатга бел боғлайди, ҳарфлар ўйинга тушади, боболар қуёш билан суҳбат қуради; гуллар ёш тўкади... Бу ажиб эртак дунёси».

Ўз вақтида Самуил Маршакнинг назари тушган Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати, Халқлар Дўстлиги ордени нишондори Қуддус Муҳаммадий бугун саксон чўққини забт этди. Бу шоирнинг беш китобдан иборат «Табиат алифбеси» демакдир.

Ўзбек совет болалар адабиётининг пешқадам намояндаси Ўзбекистон халқ ёзувчиси Қуддус бобони табаррук ёши билан муборакбод этиб, устозга сиҳат-саломатлик тилаймиз..

Турсунбой АДАШБОЕВ

ДУНЁ ЯГОНА

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи қошидаги Оролни асраш комитетининг раиси Пирмат Шермуҳамедовни навбатдаги сафардан сўнг учратдим.

— Кечагина Иркутскда Вампилов кунларида қатнашиб қайтдим. Александр Валентинович Вампилов драматургияда бор-йўғи ўн йил ижод қилди ва тўртта кўп актли («Июндаги хайрлашув», «Катта ўғил», «Ўрдак ови», «Ўтган ёзда Чулимскда»), учта бир актли («Деразаси далага қараган уй», «Метранпаж билан бўлган воқеа», «Фаришта билан йигирма дақиқа») пьесалар ёзиб улгурди. Баъзи пьесаларнинг бир неча нусхаси мавжуд. Бу жуда машаққатли, тинимсиз меҳнатнинг маҳсули. Лекин гап ишнинг ҳажмида эмас. Ҳозир санъат мунаққидлари «Вампилов театри» ҳақида ёзишмоқда, уни ҳатто «иркутсклик Чехов», деб аташди. Бир мавсумнинг ўзида «Катта ўғил» мамлакатимиздаги 52 театрда, «Июндаги хайрлашув» — 31 театрда, «Ўтган ёз Чулимскда» — 30 театрда, «Провинциал латифалар» — 9 театрда қўйилган. ВААП маълумотларига қараганда Вампилов пьесалари Хитойдан то Америка Қўшма Штатларигача ўнлаб мамлакатларда саҳналаштирилмоқда...

— **Буларнинг бари Александр Вампиловнинг ўлимидан кейинги ишлар. Хаёлпараст адиб 1972 йилда 35 ёшида Байкалда чўмилаётиб чўкиб кетганидан кейингина биз кимни йўқотганимизни англаб қолдик, ўқиб, саҳналаштира бошладик. Ўзи истеъдоднинг тириклигидаги қисмати шундаймикан, деб ўйлаб қоламан. Бугун биз тиригини кўриб қолган кишилар ёзаётган хотираларни тинимсиз ўқиётган Василий Шукшин, Николай Рубцов, Владимир Висоцкий, Паруйр Севакни эсланг. Ёхуд ўзимизнинг Қодирий, Усмон Носирни ёдлайлик.**

— Бугун Вампилов тирик бўлганида эллик ёшга тўлган бўлар эди. Умумхалқ иқрорининг кейинги ўн беш йили усиз ўтди.

— **Бугун элликка тўлганлар, Вампиловдан фарқли ўлароқ ҳали ҳаёт, ёзиш-чизиш имконига эга кишиларнинг кўпи унинг ижоди қошида юзлари ёруғ бўлармикан?!**

— Иркутскда мен юбилей ўтказишнинг сабоқ бўлгулик жиҳатларини кўрдим. «Ижодий йўл» ҳақидаги узундан узоқ зерикарли маърузаларсиз, адибни кўрган кишиларнинг хотира айтишувлари, жонли мулоқотларда ўтган кунлар ҳали узоқ ёдда қолади.

Иркутскка жўнаётиб, кўнгилнинг бир четига тугиб қўйган яна бир ниятим бор эди — яна бир бор Валентин Распутин билан учрашиб, Байкал ҳаракати билан Оролни асраш комитетининг фаолиятини мувофиқлаштириш, биргаликдаги ишлар режасини тузиб олиш керак эди. Зеро, Оролни сақламасдан Байкални асраш, Байкални қутқармасдан Севан кўлини тирилтириш мумкин эмас.

— **Дунё кўпчилик ўйлагандек у қадар катта эмас. Бир регионидаги фожеа бошқа ерларга ҳам таъсирини ўтказмаслиги мумкин эмас. Қолаверса, табиатнинг ўз одил, айни пайтда, бешафқат қонуниятлари бор.**

— Келишувга биноан Байкал ҳаракатининг навбатдаги учрашувини республикамизда ўтказиш ниятидамиз. Учрашув келгуси йилнинг баҳорида, апрель ойларига мўлжалланмоқда. Валентин Распутин, Василий Белов, Сергей Залигин, Юрий Черниченко, Зорий Балаян, Олесь Адамович, Олесь Гончарь, Даниил Гранин, Виктор Астафьев, Чингиз Айтматов, Владимир Курупин, Юрий Бондарев, Расул Ҳамзатов, Д. Кўғултинов, Мустай Карим, Абдужамил Нурпеисов, Мухтор Шаханов, Мўмин Қаноат, Тиркеш Жумагелдиев, Раҳим Эсановлар ташриф буюришади. Шунингдек, Япония, Швеция, ГФРдаги «яшиллар» партияси вакиллари таклиф этиладилар. Ҳозир учрашувнинг ташкилий, молиявий қисмига тайёрланаяпмиз.

— **Учрашувнинг ўзак мавзуси, албатта, табиатни асраш ҳақида бўлса керак.**

— Нафақат у ҳақда, балким гап экология ва адабиёт муаммолари, барчани ташвишга солаётган ичимлик сув тақдири, экологик тарбия ҳақида боради. Табиатга онгли муносабатни шакллантириш лозим.

— **Шу ўринда, Пирмат ака, қадимги Шарқ файласуфлари теран англаган дунёнинг муштараклигини қалбан тушуниш керак... Боғни поймол қилиб бир гулни узган одам ўз эътиқодидаги комиллик ипидан бирини ҳам узади. Ёмонлик қилаётган одам ўз ёмонлигини билади ва қийнала-қийнала бориб, қийналмай қўяди — пастлашади. Яхшилик қила оладиган одамнинг шамойили эса кулиб туради. Шундай шафиқ одамларни қанчалик соғинаман.**

Табиатни поймол қилиниши маънавий бузилишлар билан ёнма-ён юргани сир эмас. Адабиёт яхши одамни, табиатга оқилона ёндошадиган одамни тарбиялаши керак.

— Учрашувда маданият экологияси (экология культури) масалалари ҳам асосий ўринни олиши керак. Табиатдаги йўқотишлар маданиятдаги йўқотишларга ҳам олиб келади. Денгиздан айру халқнинг кўнгли ўксик бўлади.

— **Бизга маълумки, СССР Министрлар Советининг топшириғига биноан Израэль бошчилигидаги ҳукумат комиссияси Москвада Оролнинг тақдири бўйича режалар лойиҳасини тайёрлашган. Меҳнаткашлар, зиёлиларимизнинг марказга ёзишлари туфайли муҳокама Тошкентда — республика Фанлар Академиясида Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон, Қозоғистон олимлари иштирокида ўтказилгани маълум. Менингча, ёпиқ ҳолда ўтказилган муҳокаманинг якунларидан ҳам жамоатчилик бехабар, газета-журналлар ҳам «сезмай қолишди». Бу қадар эҳтиёткорликнинг сабаби нимада?**

— Тинимсиз талаблардан сўнг Тошкентда ўтказилган муҳокама натижасида қарор яна маъқулланиб, ҳукуматга ҳавола қилиниш арафасида турибди. Ҳолбуки, унинг бир ёқламалиги академик А. Яншин, профессор С. Мирзаев, Орол комитети аъзолари томонидан айтилди. Биз денгизга тегишли қарор лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилиши керак, деб ҳисоблаймиз. Ими-жимида тасдиқлатиб юборадиган иш эмас бу. Бугун хўжалик юритишда катта фаросат, омилкорлик керак. Халқнинг фаровонлиги шунга боғлиқ.

— **Маълумки, Орол фонди очилиб, пул тўпланмоқда. «Сувни пулга сотиб олиб, денгизга қуйиб бўлмаса, пулни нима қилишар экан?!» — шу тахлит хатларни ҳам олаяпмиз.**

— Куни кеча олинган справкага кўра, ҳозир фондга жами 117 минг сўм ўтказилган. Биз Оролни қутқариш лойиҳалари бўйича Бутуниттифоқ конкурси эълон қилмоқчимиз. Энг яхши лойиҳага 10 минг сўм мукофот бермоқчимиз. Конкурс шартлари «Правда» ёки «Известия»да босилади. Фонднинг маълум қисми денгиз тақдирига умумхалқ назарини қаратиш, ташвиқот ишларига сарфланади.

Карим БАҲРИЕВ
ёзиб олди

В деле народном природа — это
и душа, и здоровье. Без Арала
оскудеет не только природа,
но и человек, но и отчизна,
но и Земля.

Вал. Распутин
октября 1987.

ҚИШЛОҚ МАДАНИЯТИ КИМНИНГ ТАСАРРУФИДА?

Боши иккинчи бетда

— Кўпчилик тоғ хўжаликларининг иқтисоди ночор. Бунинг бош сабаби йўллар чатоқлигидир, — деди бизга «Хонжиза» совхози директори Жўрақул Ражабов, — 30 километрлик Хонжиза — Чош йўли қурилиши бошланганига олти йилдан ошди. Аммо ишнинг ярми ҳам битмади. Ҳар йили белгиланган маблағлар ўзлаштирилмай қолиб кетади.

Баланд довон ортидаги Чош қишлоғи шу хўжаликка қарайди. У ерда боғзор, экинзор қиладиган қулай жойлар анча-мунча. Аммо Деновдаги 5-йўл эксплуатация бошқармаси йўл қурилишини йилдан-йилга чўзиб бу ердаги хўжаликларнинг қўлини қисқа қилиб турибди.

— Бу йил 20 гектар ерга ёнғоқ, 10 гектарга бодом кўчатлари экдик. Ўрикзорларни кўпайтиряпмиз. Чошга борадиган йўл битса, шу беш йилликда 200 гектар ерда янги бодомзор ва ёнғоқзор барпо этмоқчимиз...

Ўтган беш йилликда бутун республикада бор-йўғи 250 тонна ёнғоқ етиштирилган. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 0,3 граммни ташкил этади. Тоғларимизда эса қанчадан-қанча ёнғоқзор учун мос жойлар мавжуд. Инсоннинг қўли керак бу ерларга.

— Тоғларимиз аслида тўкин-сочинлик, фаровонлик манбаи. Атиги 1 гектар янги олмазор яратсак, ҳар йили 15—20 минг сўм даромад деган гап. Уруғлик беда эса бир гектардан 3 минг сўм соф даромад беради. Текисликда бир гектар оқ пахта ҳам шунча даромад беради. Аммо шу даромаднинг учдан икки қисми унинг меҳнатига кетади. Биз эса бу ерда уруғлик беда учун 500 сўм харажат қилсак кифоя.

Ҳолва деган билан оғиз чучимайди, дейди халқимиз. Тоғлар ҳам ўз-ўзидан фаровонлик заминига айланиб қолмайди. Токи, бу ерда истиқомат қилаётганлар учун зарур шароитлар яратилмас экан, тўкинчиликнинг рўёбга чиқиши қийин. Энди «ҳа бўл, ҳа бўл, планни бажар» деб қисташ ёки баландпарвоз шиорлар билан одамларнинг кўнглини овлаб бўлмайди. У инсон сифатида меҳнатига яраша ҳақ олишни, шунга яраша инсондек яшашни ҳам талаб қила бошлади. Бу ҳам қайта қуриш шарофати. Одамларнинг онгида ўзгариш, қайта қуриш бўляпти-ю, аммо меҳнаткашнинг арзи-доди, ҳаётий эҳтиёжларига кўз-қулоқ бўладиган маҳаллий раҳбарларнинг иш услубида ҳали ўзгариш сезилаётгани йўқ.

Гўзал шаҳарларда, мўътадил ҳаво яратилган кабинетларда иш олиб бораётган лойиҳачилар ҳам бундан мустасно эмас. «Узгипросельстрой» институтининг Термиз филиали мутахассислари бизнинг тоғ шароитимизга тўғри келмайдиган уйлар лойиҳасини тиқиштирмоқда» дейди суҳбатдошимиз. Бу лойиҳаларда бизнинг тоғ шароитларимиз ҳисобга олинмаган. Лекин буюртмачилар ҳар қанча норозилик билдирмасин, лойиҳачилар ўз билганларидан қолишмаяпти.

Биз директорнинг УАЗ машинасида бир амаллаб, 3,5 минг метр баландликкача чиқиб бордик. Мана шундай баландликларда ҳам ҳаёт давом этмоқда, бир ёнда муз қоплаган қорли ўнгирлар, бир ёнда гуллаб ётган боғу экинзорлар. Ақл бовар қилмас жойлардан булоқларнинг сувини ариққа йиғиб олиб ўтаётган, тоғу тошларда неча минг азоб билан боғ яратаётган кишиларнинг тадбиркорлиги дилимизни яшнатди. Лекин уларнинг ҳаёти, турмуш тарзи социал-маданий соҳа мутасаддиларининг кўзидан ниҳон эканлиги ачинарлидир.

БИЗ МЕҲНАТКАШ инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларига муносабат ҳақида фикр юритдик. Маънавий турғунлик, носоғлом муҳит илдиз ёйган яқин ўтмишнинг аянчли хатолари ҳақида сўзладик. Уларни тузатиш, меҳнаткашларга муносабатни ўзгартириш демакдир. Ҳа, ишни шундан, дунёқарашимизни сийқа тасаввурлардан тозалашдан бошламоқ керак.

Мурод АБДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» мухбири

Маъмуржон БОТИРОВ,
«Сариосиё ҳақиқати»нинг мухбири

КОНКУРС ДАВОМ ЭТАДИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қабул қилган қарорга кўра Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган энг яхши драма ва музика асарлари республика конкурси эълон қилинган эди. Конкурс драматурглар ва композиторларнинг ижодий изланишларини янада активлаштиришга қаратилган. Конкурс шартига биноан тақдим этиладиган асарлар совет кишиларининг шонли революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарини, мамлакатимиз халқлари дўстлигини чуқур акс эттириши, жамиятимиз социал-иқтисодий ва маънавий тараққиётини жадаллаштиришнинг туб масалаларини ёрқин бадиий шаклларда ифодалаши, партиямиз ва халқимизнинг коммунизм, тинчлик ва социал тараққиёт учун курашининг мазмунини очиб бериши лозим.

Конкурсга 1986 йил январидан 1987 йил октябригача қадар яратилган бир қанча драма ва музика асарлари тақдим этилди. Улар орасида асосий эътибор замондошимиз образини яратишга, жамиятимиз турмуши ва тарихини ҳозирги бурилиш босқичида одамлар онгидаги, маънавий дунёсидаги янгиликни кўрсатиб беришга қаратилган қатор асарлар бор.

Конкурс жюриси бу асарлар билан танишиб чиқди. Лекин иштирокчилар сафини янада кенгайтириш, улуғ санага бағишлаб янги асарлар ёзган, ёзаётган адиблар, бастакорлар илтимоси инобатга олиниб, конкурс муддати 1987 йил 31 декабрга қадар узайтирилди.

Конкурсга асарларни республика министрликлари ва идоралари, ижодий союзлари, ўқув юртлари, республика газета ва журналларининг редакцион коллегиялари, жамоат ташкилотлари тақдим этадилар.

Асарлар «конкурсга» деган белги билан шу йил 31 декабрга қадар қуйидаги адресга юборилиши керак:

Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги

КОНКУРС ЖЮРИСИ

ЯНГИ АСАРЛАР САРАЛАНДИ

«Юлдузча» нашриёти шу йилнинг апрель ойида боғча ёшидаги болалар ва бошланғич синф ўқувчилари учун «Қувноқ алифбе», «Қизиқарли саноқ сон» мавзуларида янги асарларнинг қўлёзмалари учун конкурс эълон қилган эди.

Ўтган олти ой ичида «Конкурсга» деган белги остида турли касб эгаларининг йигирмадан ортиқ асарлари тушди. Одатдагидек, адабий-бадиий асарлар учун ўтказиладиган конкурс шартларига кўра аввал нашр қилинган асарлар қўйилмади.

Жюри ҳайъати аъзолари қўлёзмаларни синчиклаб ўқишиб, қуйидаги хулосага келди.

Навоийлик математика ўқитувчиси Бобораҳим Омоновнинг «Ақл қайроғи», фарғоналик бошланғич синф муаллими Валижон Аҳмаджоновнинг «Қувноқ саноқ сон», ленинободлик ижодкор Султонмурод Ҳожибоевнинг «Қизиқарли алифбе» қўлёзмаларига якдиллик билан биринчи ўрин берилди ва мазкур асарларни нашриётнинг 1989 йилдаги тематик планига киритиб, «Авторнинг биринчи китоби» сериясида нашр этиш сўралди.

Ҳар учала автор 6-7 ёшли кичкинтойлар дастлаб ўрганиши лозим бўлган рақам ва ҳарфларнинг моҳиятини педагог сифатида очиб бериш билан бирга, масала ҳамда мисолларга хос содда қиёслар топиб, уларни равон мисраларда акс эттиришган.

Болалар шоирлари Одил Абдураҳмон, Йўлдош Султон, Эркин Қамбар ва М. Худойқулов, Н. Ориповнинг «Қувноқ алифбе», «Саноқ сонлар суҳбати» қўлёзмалари пионер матбуотида босиш учун тавсия этилди.

Жюри ҳайъати конкурсда иштирок этган барча ўртоқларга миннатдорчилик билдиради ва ғолибларни яна бир карра муборакбод этади.

ЖЮРИ ҲАЙЪАТИ

«ҲАР ДОИМ БЎЛСИН ҚУЁШ»

«Ленин учқуни» газетаси ва «Юлдузча» нашриёти ҳамкорлигида Улуғ Октябрнинг 70 йиллик тўйига бағишлаб ўтказилган «Ҳар доим бўлсин қуёш» конкурси якунланди. Конкурсга мактаб ўқувчиларидан келган асарлар сони 4 мингдан ошиб кетди.

Энг яхши асарлар «Ленин учқуни» газетаси саҳифаларида ёритилиши билан биргаликда «Юлдузча» нашриёти томонидан алоҳида китоб ҳолида нашр этилиши ҳам мўлжалланган эди. Ижодкор — пионер-ўқувчилар китобнинг қалам ҳақини Тинчлик фондига ўтказишга қарор қилдилар.

Бу ўқувчи-ижодкорларнинг республикамиздаги биринчи нашр этилаётган китобидир.

А. ХУДОЙҚУЛОВ

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениеси ва СССР Адабиёт фондининг Ўзбекистон бўлими СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси, таниқли адабиётшунос олим Георгий Владимировга умр йўлдоши

Ольга Алексеевна ВЛАДИМИРОВА

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениеси, СССР Адабиёт фондининг Ўзбекистон бўлими СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси

Капитолина Ивановна НОВОСЕЛОВА

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Анвар ОБИДЖОН

БАРДОШЛИ ТОШЛАР

Тўққиз аймоқ мақбараси ўт ола бошлагани муносабати билан бугун тунда атроф-муҳит ва ёдгорликларни муҳофаза этиш бўйича тузилган Суперштабнинг шошилинч йиғилиши чақирилди.

Йиғилишни Суперштаб раиси Мўмин Итоатович очиб, мўътабар идоранинг масъул ходими сифатида халқ хўжалигининг барча соҳаларида катта юксалишларга эришилаётгани, жумладан, шу йилнинг ўтган уч кварталида мажбуриятини бажармаган биронта тармоқ қолмагани ҳақида бафуржа тўхталиб ўтди. Сўнг айрим шахсларнинг лоқайдлиги натижасида баъзан хато ва камчиликлар ҳам учраб туришидан афсусланиб, бунга мисол тариқасида кўҳна Тўққиз аймоқ мақбарасида ёнғин чиққани, айни дақиқаларда аланга тобора авжланиб бораётганини илова қилди.

Тарих фанлари кандидати ўртоқ Ўсаров ўз сўзида Тўққиз аймоқ мақбараси жаҳондаги энг қадимий ёдгорликлардан эканини билдириб, уни Миср, Рим ва Доруссаломдаги афсонавий иншоотларга таққослади. Унинг айтишича, эрамиздан анча аввал тикланган бу мақбара Ўрта Осиёдаги бир қанча вайронгарчилик урушларида эл-юрт меҳри туфайли омон қолган. Искандар Зулқарнайннинг (ёш олим ўз нутқи давомида Искандарни қандайдир Александр билан бот-бот адаштириб турди) босқинчилик юришлари чоғида халқ дарёдан канал қазиб келиб, пастқам жойга қурилган мақбарани сувга бостириб юборган. Мазкур усул кейинчалик араблар истиълоси даврида ҳам қўл келди.

Орадан кўп йиллар ўтиб, икки марта сувдан қуруқ чиққан Тўққиз аймоқ бошида янги хавф пайдо бўлди — энди ёвуз Чингизхон талончилари ёпирилиб кела бошлади. Душман кент жангчиларини ҳолдан тойдириш мақсадида дарёни бўғиб қўйгани сабабли вазият қалтислигига қарамай бўлакча чора ўйлаб топилиб, мақбара ҳашар йўли билан ташиб келтирилган қумга кўмиб ташланди.

— Бу билан шуни айтмоқчиманки, — деди нотиқ сўзининг охирида, — сара гранитдан қурилган мустаҳкам мақбара сувда ивиб кетмагани, қум остида уқаланиб тушмагани каби ўтда ҳам куйиб кул бўлмайди. Бинобарин, ваҳима кўтаришимиз учун ҳеч қандай асос йўқ.

Шундан кейин академик Бурунов сўз олди. Ўртоқ Бурунов ёш олимнинг охирги гапларини тўлиқ қўллаб-қувватлаб, бу борадаги шахсий фикрини рад этиб бўлмайдиган далиллар билан исботлаб берди.

— Ҳар қандай тош ўзининг физик хусусиятига кўра ўтга бекиёс даражада бардошлидир, — деб уқтирди ўртоқ Бурунов, — зеро, бу туркумдаги жисмлар таркибида ёнувчи модданинг ўзи йўқ. Айниқса гранит ўта чидамли бўлиб, ҳатто пўлат қуюв қозонида ҳам эримайди.

Таниқли профессор Мансабалиев, археология соҳасидаги йирик мутахассис Эгилман, машҳур архитектор Хўпбўларов, «Ҳаромхаришстрой» трестининг қурувчи-инженери Пултопаров, шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари Сансалоров ўртоқлар ўз навбатида академик Буруновнинг илмий асосдаги мулоҳазаларига қўшилиб, ортиқча безовталанишга ҳожат йўқ деган хулосага келдилар. Чунончи тарихда тошдан қурилган турли қаср, ибодатхона ва мадрасаларда ёнғин содир бўлиш ҳоллари кузатилган, солномачилар бу объектлар айтарли зарар кўрмаганини ёзиб қолдиришган.

Физика фанлари доктори ўртоқ Отбошев ҳам академик Буруновга ҳамфикр бўлиш билан бирга, қизиб турган тошнинг сув сепилишдан парчаланиб кетиши мумкинлигини, шу боис ёнғинни ўчиришда ишқорли кўпикдан фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда ёш журналист Биркесаров сўз сўради. У ўз нутқида бир қадар пессимистликка берилиб, мақбаранинг марказий гумбази ичидаги бетакрор нақшлар кучли ҳарорат таъсирида чатнаб тушиб, зарҳал битикларнинг бутунлай эриб кетиш хавфи борлигини ташвишланиб гапирди.

— Мабодо булар нобуд бўлса, яна асл ҳолига келтиришимиз амримаҳол, — деди у. — Ваҳоланки, Шермат қўрбоши билан «тўртинчилар» ўртасида бўлган жангда қаттиқ шикастланган кунгирадор сўппини ҳануз қайта тиклай олмаяпмиз.

— Буларни гапиришдан энди фойда йўқ, — деди ўт ўчирувчилар раҳбари ўртоқ Нарвонов. — Нақшлар тақдирини мақбарада туристларга хизмат кўрсатувчи ёғоч дўкончалар растаси қурилмасдан илгари ўйлаш керак эди. Ҳали бунисиям, ҳолва, мақбара остидаги ертўлага қўшни автокорхонанинг ёнилғи омбори жойлаштирилгани бошимизни кўпроқ қотиряпти.

Ўртоқ Нарвонов сўзининг якунида ўт ўчирувчилар иш бошлаши учун Суперштаб аъзолари тезроқ бирон қарорга келишлари лозимлигини эслатиб, улардан аниқ кўрсатма талаб қилди.

Шундан сўнг музокара қизиб кетди. Эрталабга яқин кутилмаганда баҳсни тўхтатишга тўғри келди — аланга ертўладаги ёнилғиларга етиб бориб, Тўққиз аймоқнинг кули кўкка совурилгани ҳақида телефонограмма олинди.

Бир неча минут давом этган нонуштали танаффусдан кейин Суперштабнинг эътиборли аъзолари яна думалоқ стол атрофида тўпланишди. Улар кун тартибидаги иккинчи масала — қуриб-қақшаб бораётган Орол денгизини асраб қолиш муаммосини муҳокама этишга киришдилар...



Рассом И. ЗОҲИРОВ

Рассом А. ҲАКИМОВ

КУЛАЁТГАН ДУНЁ

Тўйдан сўнг ёш куёв келинчакка ёрилди:

— Азизам, биласанми, мен ҳали сенга ўзим ҳақимда ҳамма нарсани айтиб берганим йўқ... Мен икки бола учун алимент тўлайман. Бироз қийналиб қолмасмиканмиз!..

— Ҳеч қиси йўқ, азизим, ташвишланма. Ахир мен икки болага алимент оламан.

●

Жаримахоналардан бирини текшираётган комиссия раиси директорга деди:

— Маҳбуслар жаримахонада бўлишларидан мамнун бўлган бунақа жойни биринчи кўришим.

— Бунинг боиси шундаки, биз улар учун турли-туман амалий тадбирлар ўтказиб турамиз.

— Шулардан энг қизиқарлиси қайсиси!

— Очиқ эшиклар куни....

●

Жаҳли чиққан йўловчи вокзал навбатчисига деди:

— Таажжуб, поездлар барибир кечикар экан, ҳаракат жадвалини илиб қўйиш нима керак!!

— Агар у бўлмаса, поезд кечикаётганини қайдан билардингиз!! — бамайлихотир жавоб қилди навбатчи.

●

— Яқинда қўрқувдан ўлиб қолишимга сал қолди, — деди Мартин бир гурунгда дўстларига. — Ўзингиз ўйланг, бир куни ўрмон бўйлаб кетаётиб, каттакон илонни кўрдим!

— Кейин-чи, кейин нима бўлди!! — қўрқувдан титраб сўради даврадаги аёллардан бири.

— Ҳеч нарса. Яхшилаб қарасам, бу одатдаги таёқ экан.

— Тушунмадим, бўлмаса нега бунчалик қўрқдингиз! — сўрашди Мартиндан.

— Чунки ўша илонни ураман деб, олган таёғим ҳақиқатда илон экан-да...

«Дикобраз» (Прага), «Рогач» (Братислава) ва «Еж» (Белград) журналларидан олинди.

К. ҲАКИМОВ тўплаган

●

— Жабрланувчи сизни таниди, — деди судья айбланувчига, — Унинг уйига сиз ўғирликка тушгансиз!

— Йўқ, у нотўғри кўрсатма беряпти, — деб ўдағайлади айбланувчи. — У мени кўрган бўлиши мумкин эмас. У қаттиқ ухлаб ётганди.

●

Балиқ овлаб ўтирган кишининг ёнига бир одам келиб суриштира кетди:

— Хўш, қалай! Бирор нарса тутдингизми ёки йўқми!

— Ҳа, — қовоғини уйиб жавоб берди балиқ тутаётган киши. — Яқиндагина биттасини тутиб, яна дарёга ташлаб юбордим.

— Нима, жуда кичкина эканми!

— Йўқ, бўйи-басти сиздай. У ҳам сизга ўхшаб эзмалик қилиб, овимга халақит бераётган эди.

Ш. МИРЗАМАТОВ тўплаган

К У Ё В

I

Қизларига уйланганимдан кейин икки қўлтиғимга тирговуч қўйиб трестларига қарашли қоракўл тери ишлайдиган корхонага директор қилиб тайинлангач, бир куни меҳмонларни жўнатиб уйга қайтиб кирувдим:

— Ҳадеб ишшаяверманг, раҳбар унақа бўлмайди, — дедилар қовоқларини солиб.

Ўша дақиқадан бошлаб кулмай қўйдим.

II

Қаердандир ёкиянимнинг тўйида ўйнаганим қулоқларига етибди. Атайлаб идораларига чақириб жеркидилар:

— Давраларда лиқонглаб юриш раҳбарнинг иши эмас!

Одамларнинг ўйнаганини кўрсам, оёқларим қалтирайдиган бўлиб қолди. Кейин умуман ўйнамай қўйдим.

III

Бир куни отпуска сўраб ариза берган қоровулга ўрнига одам топилгунча ишлаб туришни тушунтираётган эдим, кабинетимга кириб индамай қулоқ солиб ўтирдилар-да, қоровул чиқиб кетгандан кейин:

— Ҳар кимга эзилманг. «Зам»ларни ишлатинг, — дедилар.

Ҳозир аризаларнинг тепасига «Бўтаевга» деб ёзаман-да, тагига бир чизиб, «Бажарилсин» деб имзо қўяман, холос. Тўғриси, ҳозир одамлар билан гаплашмайман ҳам.

IV

Дам олиш куни тўртта ошна чойхонада ош қилувдик. Машинада ўтатуриб кўзлари тушибди.

— Ҳар кимни дўст деманг, бир кун сотиши мумкин! — дедилар.

Дўстларниям унутдим.

V

Ўтган шанба хотиним билан кинога тушувдик. Кимдандир хабар топибдилар.

— Кўча-кўйда қўлтиқлашиб юриш ёш боланинг иши, куёв, — дедилар салобат билан.

Ҳозир қизини шофёрим билан кинога жўнатиб, неварасини аллалаб ўтирибман...

Алимардон БЎРОНОВ

МУРЧИНГИЗ АЧЧИҚМИ?

ТУРКМАН ХАНДАЛАРИ

— Кечирасиз, косадаги овқат нормадагидан камроққа ўхшайди, назаримда.

— Янглишяпсиз, биз ошхонанинг ичини анча кенгайтирдик. Шунинг учун ҳам кенг жойда кичкина бўлиб кўринади...

●

Имтиҳон олаётган профессор талабага юзланди:

— Қадимги грек театрининг ҳозирги замон театрларидан фарқи нимада?

— Бизнинг театрларимизнинг буфетлари бор-да, домла, — деб жавоб берди талаба.

●

— Сен машинани яхши бошқара оласанми?

— Албатта. Йўл кафтдек текис бўлса, телеграф ёғочи, кўприк бўлмаса...

●

— Ешулли! Сотаётган қора мурчингиз аччиқми? — мурч сотаётган чолга тегажоқлик қилиб гап қотди эзма йигит.

— Ҳалигача биров «мурчингиз ширин экан» деб қайтариб келтириб берганича йўқ...

●

— Дўстим нега ғамгинсан?

— Севганим ва севилганим учун.

— Бу катта бахт-ку!

— Нима қилай, севганим бошқа, севилганим бошқа-да.

●

Бир йигит ўз севгилисини уйига бошлаб келди. Отаси деди:

— Агар бундан кейин шу қизни эргаштириб келсанг, сўнг мендан хафа бўлма.

— Хўп, бўлади, дадажон. Янаги гал олдимга солиб олиб келаман.

●

Қизнинг мактубидан:

«Раҳмонжон, менга йўллаган мактубингни олдим. Такрор-такрор ўқидим. Кўзларимдан томчи-томчи ёшлар оқди...»

Йигитнинг жавоб мактубидан:

«Сени хўрлаганим ва азоб берганим учун кечиргин, Зебом! Бундан сўнг сенга мактуб ёзмасликка сўз бераман!»

О. ТОҲИРОВ таржимаси

ЭЪЛОН

Газета, журнал, тўпламларда чоп этишга ярамаган шеърлар қўшиқ қилиш учун қабул қилинади.

Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА

БИР ОҒИЗ...

Ўпкаев эрталаб хотинига:

— Хайр, мен ишга кетдим, — деди-да, эшик олдига ағдарилиб тушди. Чунки хотини ўн йилда биринчи марта: «Яхши бориб келинг», деган эди.

ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИЛДИ

Шўрқишлоқ аҳолиси ўзларига яратилган қулайликдан баҳраманд бўлмоқдалар.

Мазкур қишлоққа қатнайдиган автобуслар ўз вақтида етиб келмас, йўловчилар эса уни кутиб жуда зерикар эдилар. Ҳозир эса бундай ҳолатга бутунлай чек қўйилди. Барча бекатларда янги газета-журналлар кўргазмаси ташкил этилди.

Келажакда бекатларда шахмат-шашка тўгаракларини очиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Усмон АҲМЕДОВ

КИНОСАРЛАВҲАГА ИЗОҲЛАР

«Бўри уяси» — тажанг қоғозбоз раҳбарнинг қабулхонаси.

«Дадил қадам» — лаганбардорнинг хўжайини томонига эгилмасдан ташлаган қадами.

«Отишув» — Қоронғи йўлакда пиёнисталар гурунги.

«Қароқчи чоллар» — бозорларда атторлик билан шуғулланувчи қариялар.

Жумақул РАЖАБОВ

Шариф ШЕРРИЕВ

КЕМТИК БАХТ

Еш улашилган пайти
Элдан бурун чопган у.
Ризқ тақсим бўлган жойни
Элдан бурун топган у.

Фаросат бўлинган кун
Ортиқча юк — туйғудан —
Менга нима фойда деб
Кўз очмаган уйқудан!

ХЎРОЗЛАР

Бирга ўсган икки хўроз
Чўқишади,
Тепишади
Еяй деб
Бир-бирининг гўштини.

Макиёнлар орасида
Сал нарида
Бошқа хўроз
Парво қилмай
Суриб юрар гаштини!!

ИТНИНГ ТИЛАГИ

Мени боққан одамнинг
Болалари кўп бўлсин.
Ҳар қайсиси бир бурдадан
Нон берса тўяр қорнин.

Рассом Р. АҲМЕДОВ



Рассом Б. ИУЛДОШЕВ

Қишлоғимиз маданият уйи ҳовлисининг ҳар сотихидан йигирма килограммдан аъло сортли пахта етиштирилди. Келгуси йилда бу экин майдонини бетонли йўлаклар ҳисобига янада кенгайтириш мўлжалланмоқда.

●

Фермамиз территорияси тор, шунинг учун ўрилган беданинг бир қисмини агрономникига, бир қисмини бош бухгалтерникига ғарамлаганмз.

●

Жиғилдон Тўймасовичнинг ўта масъулиятсизлиги туфайли данғиллама дарвозаси ёнидаги итхона қурилиши ўлда-жўлда қолиб кетган эди. Хотини Минғирхоннинг кескин танқидларидан тегишли хулоса чиқарган Тўймасов итхона қурилиши ишларини кенг кўламда жадаллаштириб юборди. Итхонанинг тез ва соз қад кўтаришида моҳир ғишт терувчилардан Ювошжон Қуллуқжонов, монтажчилардан Илдамжон Майиновлар кунни тунга улаб зарбдорларча меҳнат қилдилар. Ниҳоят, бугун Лаган Бардоров бошлиқ пардозловчилар бригадаси ишга тушди. Ҳозир Минғирхон дастпанжаси узун эридан мамнун, Олапар эса янги уйга кўчиб ўтиш тараддудида.

Абдураҳмон ЖЎРАЕВ

ЯНГИЛИК

Шаҳримиз транспортларидан фойдаланувчи йўловчилар диққатига! Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси бекатларга маиший хизмат кўрсатувчи филиалларини очди. Транспортдан амаллаб тушган йўловчилар бу филиалларда кийимларини дазмоллатиб, йиртилган жойларини тикдириб, узилган тугмаларини қадатиб олишлари, қайта причёска қилдиришлари, оёқ кийимларини тикдириб, тозалатишлари мумкин...

О Р З У

— Пахта планлар тезроқ тўлсайди.

— Ҳа, жуда соз бўларди-да.

— Пахта планлар бажарилгач, ҳамма шоду-хуррам бўларди.

— О, нимасини айтасан.

— Одамларнинг кайфияти аъло бўлгандан сўнг тўй-томошалар бошланарди.

— Турган гап.

— Тўйларда барча тонготаргача рақсга тушарди.

— Албатта.

— Кўп ўйинга тушилгач, туфлиси тўзирди.

— Бўлмаса-чи.

— Туфлиси йиртилгач эса тузатиш учун дўконга келишарди.

— Ҳа-а...

Икки этикдўз шундай суҳбатлашишарди.

Марат ШАРИПОВ
Термиз

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
БАҲОСИ 10 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА»

Орган Союза писателей Узбекской ССР и Министерства культуры Узбекской ССР

Издается на узбекском языке

Бош редактор ўринбосари: Иброҳим ҒАФУРОВ

Редколлегия: Ўлмас АКРАМОВА, Рамз БОБОЖОН, Мирсодиқ ТОЖИЕВ, Анвар МУҲАММАДЖОНОВ, Асқад МУХТОР, Абдулла ОРИПОВ, Жавлон УМАРБЕКОВ, Сора ЭШОНТЎРАЕВА, Одил ЁҚУБОВ, Лазиз ҚАЮМОВ, Тўлапберган ҚАЙИПБЕРГАНОВ, Анатолий ҚОБУЛОВ, Тўлқиной ҚОДИРОВА, Пиримқул ҚОДИРОВ, Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ (масъул секретарь), Комил ЯШИН.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: Тошкент — 700083, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бош редактор — 33-52-91, 32-57-42; бош редактор ўринбосари — 33-43-65, 32-54-66; масъул секретарь — 33-49-93; секретариат — 32-58-49; БЎЛИМЛАР: ижтимоий-сиёсий — 32-56-50; танқид ва адабиётшунослик — 32-55-98; поэзия ва проза — 32-55-78; санъат — 32-56-48, 32-54-56; хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-49; сатира ва юмор — 32-54-71.

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар авторларига қайтарилмайди. Ҳикоялар уч интервалда 14 бет, очерк ва мақолалар 12 бетдан ошмаслиги керак.

Р — 11115 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64593. В. — 3156. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 11 12